ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

اوزبیکستان ادبیاتی وصنعتی

МУСТАҚИЛ ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1992 ЙИЛ, 11 СЕНТЯБР, № 37 (3193) ЖУМА

ТОЖИКИСТОН ТАҚДИРИ БИЗНИНГ ҲАМ ДАРДИМИЗ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 7 СЕНТЯБР КУНИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ НАМОЯНДАЛАРИ, ТОШКЕНТДАГИ ХОРИЖИЙ ЭЛЧИХОНАЛАРНИНГ ХОДИМЛАРИ БИЛАН ШОШИЛИНЧ УЧРАШУВ ЎТКАЗДИ. УЧРАШУВ ТОЖИКИСТОНДА ЮЗ БЕРАЁТГАН ФОЖИАЛИ ВОҚЕАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ.

Президент Каримов рўй бераётган воқеаларга сиёсий баҳо берди. Тожикистондаги ҳозирги воқеалар, у ерда юз бераётган бошбошдоқлик шошилинч чоралар кўришни талаб қилади. Лекин муҳим бир шарт бор — ташқаридан ҳеч қандай кучлар аралашмасин! Мустақил Давлатнинг ишларига аралашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Унинг халқи тараққиётнинг қандай йўлидан боришни ўзи белгилаб олиши керак.

Айни пайтда шу минтақада яшаётган халқлар бу йўлнинг қандай бўлишига бефарқ қарай олмайдилар. Шу сабабли Президент Ислом Каримов БМТ Бош котиби Бутрос Галига мактуб йўллаб, қўшни республикадаги воқеалар хусусида Ўзбекистон раҳбарияти фикрини аниқ баён қилиб берди. Халқаро ҳамжамиятнинг ўз вақтида таъсирчан ёрдам беришигина ёш мустақил давлатларда бошланган демократиялаш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар жараёнларини қўллаб-қувватлашнинг ҳал қилувчи омили бўлади, дейилади мактубда.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов журналистларнинг саволларига батафсил жавоб қайтарди.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИНИНГ ТОЖИКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИГА МУРОЖААТИ

Азиз биродарлар!

Тожикистон тупроғида кечаётган мудҳиш воқеаларни радиодан эшитиб, ойнаи жаҳон орқали кўриб, кузатиб турибмиз. Тожик-тожикка ўқ отаяпти. Тожик-тожикнинг қонини тўкяяпти. Бу ғоят қайғулидир. Бу бизнингча, янги фалокатларнинг даракчисидир. Биз бу қонли воқеаларнинг маъносини тушунамиз. Бу қабоҳатлар ичкаридаги бир гуруҳ калтабин сиёсатчиларнинг қилмиши ва ташқаридаги мустамлакачи кучларнинг найранги эканлигини яхши англаймиз. Афтидан, бу хунрезликлар уларга кам кўринади. Улар фалокатни яна бир поя ўстирмоқчи, тожиклар билан ўзбеклар орасига низо солиб, янги қорабоғлар бунёд этишга шайланган кўринади.

Азиз ҳамкасблар!

Биз — икки тилли бир халқмиз, азалдан қуда-андамиз, эту тирноқ, жону жигармиз, қонимиз қонимизга, жонимиз жонимизга туташ, Ўзбекистон тожикларнинг азалий Ватани бўлганидек, Тожикистон ҳам ўзбекларнинг азалий Ватанидир. Бунга буюк тарихимиз, буюк боболаримиз гувоҳ. Ғанимлар ана шу азалий ва абадий бирликка раҳна солмоқчилар. Агар улар ўзларининг қора ниятларига етсалар, қадимда Турон, ҳозирда Ўрта Осиё деб аталаётган муқаддас тупроғимизга бало-офатлар ёғилур ва биз туркистонликлар янги мустамлака асорати остида қолурмиз. Худо кўрсатмасин!..

Биз, ўзбек ёзувчилари тожик халқининг юксак ақлу идрокига, тадбиркорлигига ишонамиз. Иншоолло, Тожикистон тупроғида тинчлик-тотувлик, шафқат ва адолат қарор топгай. Дўстлигимиз, биродарлигимизга қасд қилганлар, паст бўлғайлар. Акс ҳолда ҳазрат Абдураҳмон Жомий ва ҳазрат Алишер Навоий руҳлари бизни кечирмагай.

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов Тожикистондаги қонли воқеаларнинг дамини кесишга чорлаб, Бирлашган Миллатлар Ташкилотига мурожаат қилди. Биз бу сиёсатни чин юракдан қўллаб-қувватлаймиз. Аҳил-ҳамжиҳат бўлсак, қўлни-қўлга берсак, ҳар қандай фалокатнинг дами кесилиши муқаррар.

Илоҳим, Тангри ўзи ёр, пирлар мададкор бўлсин. Ҳаммамизга яратганнинг ўзи ақл ва инсоф берсин!

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИ КОТИБИЯТИ

УМР ЙЎЛЛАРИДА КЎНГИЛ ТАЯНЧИ
Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шуҳрат умр йўлдоши Турсуной ая билан

Хуршид ДАВРОН

ҚЎШНИНГ ТИНЧ—СЕН ТИНЧ

МАНА, НЕЧА ВАҚТДАН бўён кўнглим безовта, ўйларим маҳзун. Азалий биродаримиз ва ён қўшни-жон қўшнимиз саналган тожиклар юртида тўкилаётган ҳар бир томчи қон аввал юрагимни қуйдириб ўтиб, сўнг ерга томмоқда. «Бу фалокат қаердан келди? Унинг илдизи қаерда? Муддао нима?» — дея ўйлайман жечалари уйқум ўчиб. Наҳотки, бир миллатга мансуб бўлган одамлар ҳокимият ҳоҳо-ҳаваси учун бир-бирларини ўлдираётган бўлсалар? «Наҳотки, инсон умри — ҳали ҳаёт нашъасини туймаган гўдаклар, фарзандлар меҳридан кўнгли навқирон чоллару кампирлар тахт талашаётган кимсаларнинг худбин ва кўр-кўрона сиёсати қурбони бўлсалар? Наҳотки, Ватанини ҳимоя қилишга бурчли этилган йигитлар ўз она тупроғини миллатдоши қони билан ёпсалар? Биз тожик дўстларимизнинг қонли фожиалар олдини олишга уриниб қилаётган тадбирларини жону дилимиз билан қувватлаб бу аччиқ саволларга жавоб излаймиз.

Куни-кеча жумҳуриятимиз ўз мустақиллигининг бир йиллигини кенг нишонлади. Бу қутлуғ айём ўзбек халқининг неча асрлик орзуси, мақсади ва интилган манзили эди. Асрлар давомида неча марта айрилиб ғорат этилган, неча бор бирлашиб обод ва шавкатли бўлган Ватанимизнинг қадим тарихи бу айёмнинг нақадар азиз эканлигини таъкидлаб турганидек эди.

Ҳа, биз бугун мустақилмиз. Ўз юкимизни ўзимиз тортгандек, ўз дардимизни ҳам ёлғиз ўзимиз чекамиз. Биз энди жаҳонда ўрнатилган муайян тартиблар ва қонунлар асосида иш кўришга бурчлимиз. Бу бурч нафақат ташқи сиёсатда, шунингдек ички турмушимизга ҳам таллуқлидир. Биз энди эски шўролар давлатининг куч ва зўравонликка асосланган сиёсатининг ворриси бўлмай, мутараққий инсониятнинг асрлар давомида орттирган тажрибаси замирида шаклланган сиёсатга юз тутган давлатлар сафида туриб, иш кўришимиз лозим бўлади.

Агар дунёда ўрнатилган қонуну тартиблардан келиб чиқадиган бўлсак, биз мустақил тожик давлатининг ички ишларига бекордан-бекор аралашишга ҳаққимиз йўқ. Аммо ўзбек ва тожик халқларининг минг йилликлар билан ўлчанадиган бўкий дўстлиги, ҳамкорлиги, қуда-андачилиги, тўю жанозасининг бирлиги қардошимиз юртида бўлаётган қонли ҳодисаларга бефарқ қараб туришимизга имкон бермайди. Илло, аксинча бўлса, виждонимизга раҳна солган, Абдураҳмон Жомий билан Алишер Навоийларнинг буюк ва ибратли дўстлигига хиёнат қилган, ҳар икки халқнинг фарзандлари саналмиш қанчадан-қанча улуғ сиймолар руҳини безовта этган бўламиз. Ҳазрати пайғамбаримиз: «Сенга омонат қилинган нарсани эгасига топшир, хиёнат қилганга хиёнат қилма», — деганлар. Икки халқнинг қадим дўстлиги неча авлоду аждодимизнинг бизга — бугунги авлодларга қолдирган омонатидурки, уни авайлаб асролмасак, кўзимизга тўтиё қилишдан сақлансак, шаксшубҳасиз келгуси авлодлар олдида жавобгар бўлиб қоламиз.

Ҳар икки тилда баробар ижод қилган бобокалонимиз:

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай...—

деб бизга насиҳат қилганлар. Шундай экан, агар бизнинг бир оғиз тўғри сўзимиз, тинчлик ўрнатишга қаратилган хатти-ҳаракатимиз, биродаримиз азиятини енгиллаштиришга хизмат қиладиган мулоҳаза-ю, маслаҳатимиз бирор киши бошидаги хавф-хатарни даф эта олса, бу йўриғимиз «онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай».

Неча асрларким, бу икки халқ тарихи муштарак кечди. Биз битта жанггоҳда душманлардан икки дарё оралиғидаги муқаддас гўшани мардона ҳимоя қилдик, мағлубият аламини қўшилиб тортдик, ғалабадан бирга қувондик, ҳалок бўлган шаҳидларимиз битта мозорда кўмилдилар. Ахир ким Риштону Сариосиёдаги, Самарқанду Бухородаги қабрларнинг қай бирида ўзбегу қай бирида тожик ётганини айтиб бера олади? Мозоримиз бир бўлганидек, озоримиз ҳам бирдир. Тожикистонда ёнаётган уйларнинг алангаси бизнинг юзларимизни куйдирмоқда, визиллаб учаётган ўқлар юракларимизни яраламоқда, бечора етим болаларнинг оҳу ноласи кўзларимизни ёшлатмоқда.

Мен Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Гали номига йўллаган баёнотини мамнуният билан кутиб олдим. Бу Президентимизнинг оқилона ҳаракати, кун талабидан эмас, масъулият талабидан келиб чиқиб қўйган қадамидир.

Биз уруш кўрмаган авлод узоқ вақт ота-оналаримиз, бобо-момоларимизнинг «Ишқилиб уруш бўлмасин!» дея қайта-қайта такрорлашлари устидан кулиб келдик. Мана энди кўпчилигимиз ўз кўзимиз, бошқалар зангори экран, матбуот орқали уруш башарасини кўрдик. Хожали қирғинидан юракларимиз ларзага келди, Молдова, Жанубий Осетия ва Абхазиядаги қонли тўқнашувлардан даҳшатга тушдик. Аммо орамизда «Мустақиллик фақат қон эвазига қўлга олинади, бизнинг тинчгина эришган нарсамиз мустақиллик бўптими?!» — дея қон тўкилишини орзу қилаётганлар йўқми? Наҳотки, қон тўкилиши бизни кўр-кўрона итоатдан қутқарса, маънавиятимизни юксалтирса? Мен бунга ишонмайман. Зулмга қарши зулм қилинмайди, илло у юракларни ўлдириб, кўзларни кўр қилади. Зулм қилганнинг кушандаси фақат ўзидир. Мавлоно Зайнуддин Восифий ёзганидек: «Зулму бедодлик олий даражасига етдими, унга завол ҳамроҳ бўлади».

Бу ҳикматни, ўз боболари айтган ҳикматни Тожикистондаги айрим кишилар тезда англашлари лозим. Биз эса бу бўлаётган воқеалардан сабоқ олишимиз керак. Ҳар қандай йўл билан жумҳуриятимизга нотинчликни олиб киришга уринган кимсаларнинг мақсади битта: Ватанимизнинг ҳали кучга тўлмаган мустақиллигига чанг солиш, бизни бундай шарафга лойиқ бўлмаган ёввойи бир халқ сифатида оламга кўрсатиш, бизни яна асорат қафасига олиб кириш.

Бундай гуруҳлар Тожикистонда ўз мақсадларига эришдилар. Улар бир миллат ўртасига адоват уруғини ташладилар. Бу фожиадан бойликка ташна муштумзўр тўдалар фойдаланмоқчи бўлмоқдалар, куч ишлатиб ҳокимиятга интилмоқдалар.

ТОЖИКИСТОНДАГИ СОН ЖИҲАТДАН иккинчи миллат ўзбеклар эканлиги бизни бу кўнгилсиз воқеаларга жуда жиддий эътибор беришимизни талаб қилади. Чунки ўша ҳокимиятпараст тўдалар ўз манфаатлари йўлида бу икки халқни бир-бирига қайраштан ҳам қайтмайдилар. Биз ҳар икки тарафга қўшёрлик тилаймиз. Улар ёвузкорона ниятда қилинган чақириқларга учмасликлари, провокацияларга босиқ ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишлари лозим. Бобомиз Шайх Нажмиддин Кўбро сўзини эшитинг: «Алданишдан сақланинг! Сақланинг!»

Ўрта Осиё минтақаси теварагида бу ердаги тинчликни бузишни ният қилган кимсалар тимирскилашиб қолишди. Бундай пайтда нима қилиш керак? Қўлни қўлга бериб, тинчлигимизни ҳимоя қилишимиз керак.

Олисмас, яқиндан келар нолалар,
Кўлоб томонлардан, Вахш томонлардан.
«Она!», — деб бўзлайди етим болалар,
Оналар-чи, бўзлар кўк томонлардан.

Бу қандай фожиа? Бу қандай қирон?
Тожик тожикка ёв, муслим муслимга!
Бир-бирин йўқ қилиб, маҳкум қилурлар
Миллат толеъни қаттол ўлимга.

Оломон ортида писнинганларга
Ватан керак эмас, тожу тахт керак!
Бу қонлар, нолалар унутилиши
Учун қанча муддат, қанча вақт керак?!

У ерда келажак топмоқда завол,
У ерда умидлар қурбон бўлмоқда:
У ерда Рўдакий, Жомий ва Камол,
Робиа, Фирдавсий, Аттор ўлмоқда!

Мен сенинг дардингни чекаман, эй дўст,
Мен сенинг дардингга ботаётирман.
Мен сенинг дардингни дардим деб билиб,
Ушбу сатрларни битаётирман.

Зеро, ўзбек-тожик ўтмиши қадим,
Юраги муштарак, якто имони.
Биттадир қувончи, биттадир дарди,
Биттадир бошида, ахир, осмони!

Тожик тобутини кўтарган ўзбек,
Ўзбек азасида йиғлаган тожик.
Қиз бериб, қиз олган икки биродар
Бошида бу дўстлик бамисли тождек!

Қўлларингни чўзма, эй сен зулмкор,
Башарангни кўрсат, ниқобингни оч.
Барча уриннинг барн бир бекор:
Қўл етмас юксакда турибди ул тож.

ХУШХАБАР

Истиқлол! Истиқбол! Бир йилдирки, тилимизда ҳам, дилимизда ҳам шу муқаддас эгизак сўзлар. Теварак-атрофга боқсангиз, недир кам, недандир кўнглингиз тўлмаса-да, кўнгил кўзларида тўқлик, шукроналикка мойиллик сезаман.

Кўнглим, ечиб юбор
кишанларини
Журъат отлиг ўжар
бандингни сийла.
Минг йиллаб арслонни
сақлаган ини
Нурларга йўғрилсин бугун
бир йўла.
Истиқлол! Истиқлол!
Пешвоз чиқ, кўнглим,
Қароқларинг қулсин,
кўзлари мунглим...

Мен бу сатрларни тизишимга бир воқеа сабаб бўлди. Яқинда Ўзбекистон Президентининг республика ижодкор ёшларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида чиқарган Фармонини ўқиркан-ман, истиқлол эпкинини яна бир бор қалбан ҳис қилдим.

Ахир, яқингача истеъдодли ёш ижодкорлар учун бундай Фармоннинг ҳатто лойиҳаси ҳақида ҳам гап бўлиши мумкин эмасди. Уларнинг тенгсиз истеъдоди мақталарди-ю, аммо йиллаб ижарама-ижара сарсон бўлиб юришлари ҳеч кимни ташвишга солмасди, (Мен бундай дўстларимнинг қатор рўйхатини келтиришим мумкин. Аммо ўрни эмас...)

Ижодкор халқи ёлғиз маош ва қалам ҳақи билан кун кўради. Уларда ҳеч қачон (китоб чиқармаса) мўмай пул бўлмайди. Шу боис Фармондаги «коммунал ва маиший хизмат ҳақини тўлашда, жамоат транспортидан фойдаланишда ижодкор ёшлар учун имтиёзлар бериш...» ҳақидаги сўзлар ҳам ижодкорлар ҳаётида муҳим аҳамият касб этгусидир.

Ўйлаймизки, бу тадбир, бу хушхабар денгиздан қатра, холос. Ҳали вилоятларимизда, пойтахтда қанчадан-қанча бошпанасиз ижодкорларимиз бор. Ҳаммаси ҳам Фармон ижросидан маълум даражада умидвор. Илло, бундай хушхабарлар кети узилмасаю, ўзбекнинг истеъдодли фарзандлари туғиларверса, улғаяверса, Ўзбекистоннинг мустаҳкам устунларига айланаверса.

Халқим, қаддинг кўтар,
ўзлигингни бил,
Ўз юртингда ўзинг азизу
бек бўл!

деб бекорга айтилмаган.

Санобар ФАХРИДДИНОВА

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИДА

Ижодкор энг аввало шунинг учун ҳам ижодкорки, элу юрт дардини ҳаммадан кўра нозикроқ илғайди, инсон дарду ташвишларини ўйлаб кўпроқ қайғуради, миллати, наслу насабидан қатъи назар одамзод чеккан жафолардан энг аввало унинг юраги дарз кетади. Умуман, қондош ва қариндош, мустақил Тожикистон Республикасидаги хатарли вазият бугун жумҳуриятимизда каттаю кичик барчани қаттиқ ташвишга солаётир.

Қўшни жумҳуриятдаги воқеалар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котибият йиғилиши кун тартибига ҳам ўзгариш киритди. Ёзувчилар кун тартибидаги биринчи масала сифатида Тожикистонда рўй бераётган воқеаларга муносабат билдиришди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биринчи котиби Жамол Камол йиғилишни очар экан, ана шу мавзуга тўхталди. Таниқли адиблар Одил Ёқубов, Шукрулло, Мирмуҳсин, Гулчеҳра Нуруллаева, Норбой Худойберганов, Раҳимжон Отаев ва бошқалар қонли воқеалар жумҳуриятлар мустақиллигига раҳна солиши, миллатлар ўртасида низо ва адоват уруғларини сочишга олиб келиши мумкинлиги, зиёлилар, жумладан адиблар бундай нохуш воқеаларга йўл қўймасликда якдил ва ҳамфикр бўлишлари лозимлиги хусусида куюниб гапирдилар.

Котибият йиғилишида «Ўзбекистон ёзувчиларининг Тожикистон ёзувчиларига мурожаати» қабул қилинди (Мурожаат матни эълон қилинмоқда).

Шундан сўнг кун тартибида олдиндан режалаштирилган масалалар кўриб чиқилди. Ёш ижодкорлар билан ишлаш кенгашининг раиси Азим Суюн ёш ижодкорлар билан ишлашнинг ҳозирги аҳволи ҳақида ҳисобот берди.

Ёшлар ижоди мустақил жумҳуриятимиз равнақини белгилайди. Шу мақсадда октябр ойи охирида уларнинг республика семинар-кенгашини ўтказиш, иқтидорли ёшларни саралаш ва қўллаб-қувватлаш кўзда тутилмоқда. Ноябр ойида Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи ташкилотчилиги ва уюшма иштирокида ўтказиладиган «Ёш ватандошлар халқаро фестивали» эса ёшлар учун кенг миқёсда ижодий парвоз учун имконият яратади. Вилоятлардаги дорилфунунлар қошида ёш ижодкорлар маркази тузилади. Радио ва телевиденеда «Ёшлар овози» кўрсатуви мунтазам ташкил этилади.

«Ёшлик» журналининг бош муҳаррири Ғаффор Ҳотамов ана шу мавзуни давом эттириб, ёш ижодкорларга журнал саҳифаларидан бундан кейин ҳам кенг эътибор берилажаги хусусида сўзлади, журнални нашр этиш билан боғлиқ муаммоларга тўхталди.

Ёш ижодкорлар билан ишлашнинг ҳозирги аҳволи котибият йиғилишида бу қадар батафсил кўриб чиқилиши бежиз эмас, албатта. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ижодкор ёшларини Давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чоралари тўғрисида»ги Фармони мустақил жумҳуриятимиз ёшлари ҳаётида катта воқеа бўлди. Ёшларга эътибор келажакка кўрсатилган ғамхўрликдир.

Адабиёт жамғармасининг бошқони Саъдулла Сиёев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси котиби Мирпўлат Мирзаев Фармондан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида гапирдилар.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби Гулчеҳра Нуруллаева уюшманинг йил охиригача ўтказадиган тадбирлари ҳақида ахборот берди. Тадбирларнинг асосийлари адибларнинг жумҳуриятимиз мустақиллигини таъминлашдаги ўринлари ва ижодий фаолиятларига қаратилган. Шунингдек, Нодира, Сўфи Оллоёр, Хуршид, Усмон Носир ва бир қанча адибларнинг тўй кечалари, Абдулла Қаҳҳорнинг 85 йиллик, уйғур адабиёти классиги Лутфулла Муталлибнинг 70 йиллик хотира кечалари ўтказилади.

Котибият йиғилишида уюшма аъзолигига қабул бўйича олий ҳакамлик таркиби тасдиқланди.

Ёзувчи Саъдулла Сиёевнинг «Мажнунтолнинг новдаси» қиссалар ва ҳикоялар тўплами, шоир Азим Суюннинг «Куйганим — суйганим» китоби, драматург Тўра Мирзонинг «Амир Темур» драматик асари Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотига тавсия этилди.

АТАМАҚЎМ ТАВСИЯ ЭТАДИ

Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комиссияси таркибидаги атамашунослик кичик комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Атамашунослик қўмитасининг раиси Одил Ёқубов қисқача кириш сўзи билан очди.

Маълумки, Республика атамашунослик қўмитаси 1990 йил 16 февралда иш бошлаган эди. Ўтган давр ичида Атамақўм атамашунослик ишларини ташкилий йўлга қўйиш, атамаларни тартибга солиш борасида талай ишларни амалга оширди.

Атамақўм қошида 12 та бўлим ва 8 шўъба тузилди. Барча соҳалар бўйича атама луғатлари рўйхати тузиб чиқилди, уларнинг умумий сони 300 дан ошиб кетди. Атамалар матбуотда қўллаш орқали синовдан ўтказиб борилди. Жонли организм бўлган тил атамаларнинг тавсия этилаётган муқобилларини қабул қиладими-йўқми — бу орадан маълум бир вақт ўтишини тақозо қилади. Бир сўз билан айтганда, тил тозалиги учун кураш тил бойлиги учун кураш билан мувофиқ тарзда амалга оширилиши керак.

Бунгача комиссия томонидан тасдиқланган русча-байналмилал атамаларнинг ўзбекча муқобиллари матбуотда эълон қилинган эди. Шу куни кичик комиссия яна 30 дан зиёд атамаларнинг ўзбекча муқобилини кўриб чиқди ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси катта комиссияга тавсия этди.

Атамалар тасдиқдан ўтгач, оммавий қўллаш учун матбуотда ва Атамашунослик қўмитасининг «Ахборот» хабарномасида эълон қилинади. Тавсия этилган атамалар орасида **адрес—манзил, депутат — нонб, вокзал — вокзал, квартал — 1) мавзе (жой маъносида), 2) чорак (вақт маъносида) сингари** руса-байналмилал сўзлар бор.

Атамалар муқобилларини муҳокама қилишда ЎзФА тилшунослик институти директори Азим Ҳожиев, Атамашунослик қўмитаси раис ўринбосари Ҳабибулла Бектемиров, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири ўринбосари Жўра Иромов, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши котибиятининг масъул ходими Низомиддин Нурматов, Вазирлар маҳкамаси шўъба мудири Анвар Жабборов, Ўзбекистон Давлат телерадио компанияси раисининг ўринбосари Абдусанд Кўчимов, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг масъул котиби Саъдулла Ҳаким ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

ҚИММАТЛИ СОВҒА

Хеванлик собиқ ўқитувчи Абдулла Алиакбаров тарихий ҳужжатлардан иборат шахсий коллекциясини яқинда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтига топширди. Абдулла Алиакбаров 40—50 йил давомида ёшларга тарбия бериш билан бирга ўлкамиз тарихига доир ҳужжатларни тўплаш билан ҳам шуғулланди. Институтимизга тақдим қилинган бу коллекция 1700 та ҳужжатдан иборат бўлиб, улар XVII асрдан то XX асргача бўлган даврга тегишли. Улар орасида Хева хонларининг ёрлиқлари, вақф, савдо-сотиққа оид маълумотномалар, даъво хатлари ва бошқа қизиқарли ҳужжатлар бор.

Ҳали тугал ўрганилмаган бу янги материаллар тарихчиларга, шарқшуносларга Ўрта Осиё халқларининг иқтисодий ва маданий тарихи бўйича олиб бораётган илмий изланишларида катта ёрдам бўлади.

Ғолиба ЖЎРАЕВА

БУГУНГИ СОНДА:

2-БЕТ «ҲУЖУМ»ГА ЗАРУРАТ БОРМИДИ?

3-БЕТ БАЛ ХУСУСИДА

МУХБИРНИНГ ВЕШ СУҲБАТИ

4-БЕТ

5-БЕТ ЖАДИДЛАР ҲАҚИДА ЯШИРИЛГАН ҲИКОЯЛАР

«ҲУЖУМ»ГА ЗАРУРАТ БОРМИДИ?

ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАСИ БАШАРИЯТ ТАРИХИДА ўзига хос, мураккаб ҳодисалардандир. Бу муаммо айниқса мингминглаб муслимлар қисмати кескин ҳал этилган катта ижтимоий ўзгаришлар даврида Туркистон халқлари ўтмишида ўчмас из қолдирди.

Биз узоқ йиллар мобайнида 8 март шарафига атаб ўтказилган катта-катта йиғинлар минбаридан туриб, хотин-қизлар масаласи мамлакатда ечимини топгани ҳақида бот-бот гапирдик, пахтакор, тўқувчи, олима ва бошқа касбдаги аёлларнинг меҳнатдаги муваффақиятларига мадҳиялар ўқидик, лекин уларнинг ижтимоий ҳимоясизлиги, турмуш тарзининг ҳаминқадарлиги, болалар ўлимининг кўплиги, дефолиациянинг насларга зарари хусусида лом-мим демадик.

Хотин-қизлар аҳволининг ночорлиги сабабларини теран билиш, манбаларини топиш учун аввало тарихга мурожаат этмоқ, лекин бу ўринда ниҳоятда холис иш юритмоқ жоиз.

Туркистон хотин-қизларининг ҳаёти асрлар оша мусулмончилик қонуниятлари ва анъаналари асосига қурилган эди. Шу боис шўро ҳукумати ўрнатилгач, қисқа вақт ичида уларни емириб ташлаб, мутлақо янги анъаналарни, янги аёлни ва унга мувофиқ равишда хотин-қизларнинг яралмиши ҳақидаги қотиб қолган уй-фикрлардан бутунлай холи бўлган эркаклар авлодини яратиш мумкин эмасди. Шу нуқтаи назардан қараганда, ҳақли бир савол туғилиши табиий: Туркистонда «ҳужум» кампаниясини ўтказиш шартмиди? Бу ҳаракат тарихан ўзини оқладими? Уни одамлар онгидаги буюк ўзгариш деб ҳисоблаш мумкинми? Сўнгги пайтларда айрим қаламкашлар аёлларимиз бошига тушган бутун кўргиликларнинг бош сабабчиси қилиб «Ҳужум»ни кўрсатаётганлари тўғрими?

Маълумки, Октябр тўнтаришидан сўнг Туркистонда хотин-қизлар тенгҳуқуқлилиги, балоғатга етмаган қизларни эрга бериш каби масалалар бўйича бир қатор қонун ва йўл-йўриқлар қабул қилинди. 20-йилларда ташкил этилган хотин-қизлар бўлимлари бу жабҳада, умуман олганда, тўғри ишларни амалга оширди. Фаоллар масалага жуда эҳтиёткорлик билан ёндашдилар, ҳар бир хонадонга кириб, тушунтириш ишлари олиб бордилар, махсус хотин-қизлар клублари, артеллар, дўконлар ташкил этдилар, бу ерларда хотин-қизлар ҳеч қандай қаршиликсиз тикиш, савдо-сотиқ, ўқиш-ёзиш билан шуғулландилар. Барча тадбирлар хотин-қизлар турмуш тарзига хос хусусиятларга, миллий анъаналарга мутаносиб ҳолда олиб борилди. Ўша пайтларда ҳеч ким паранжи ташлаш ҳақида гапсўз юритмасди. Фаоллар кўпроқ ишонтириш усулига суянишарди. Шунга кўра, хотин-қизлар ҳуқуқини таъминлаш, уларни яратувчилик ва жамоатчилик ишларига жалб этиш борасида муайян муваффақиятларга эришилди. Аёллар меҳнати оила бюжетига муносиб ҳисса қўшгани, фуқароларга қўл келгани кўплаб архив ҳужжатларида ўз ифодасини топган.

ТААССУФЛАНАРЛИСИ ШУНДАКИ, ТОТАЛИТАР РЕЖИМ бу борадаги ишлар секин-суст бораётганидан қониқмади. Уни сунъий равишда тезлаштириш мақсадида «Ҳужум»га зарбдор сафарбарлик хусусиятини берди, руҳий омилларни мутлақо ҳисобга олмади. Ҳолбуки, хотин-қизларнинг паранжисиз юришига ижтимоий муҳит тўғри келмасди — унга на партия-совет ходимлари, на оддий одамлар тайёр эди.

1927 йилга келиб, Ўрта Осиё жумҳуриятлари компартияларида 40 минг аъзо ва аъзоликка номзод бор эди, шундан 25 минги маҳаллий миллат вакиллари эди. Улар «Ҳужум»нинг олдинги сафларида бориши ва одамларга намуна кўрсатиши кўзда тутилган эди. Амалда эса ўз хотиналрини бугун паранжи ёқиладиган жойларга етаклаб келишарди-да, эртасига яна паранжи ёпишига мажбурлардилар. Шунга кўра, Ўрта Осиё бюросининг XIV Пленуми (1927 йил октябр) партия ходимларига «маиший жиноят» учун ҳатто партия сафидан ўчиришгача бўлган жазони қўллаш бўйича қарор қабул қилади. Мазкур масала юзасидан партия йўл-йўриқларининг бажарилиши, таъбир жоиз бўлса, «тозалаш»нинг бориши текширилганда, қизиқ маълумотлар аниқланади. Масалан, қирғизистонлик 258 масъул ходимдан 18 таси шўро ҳукумати ўрнатилгандан кейин қалин пули бериб уйлангани, учтаси мерос сифатида хотин олгани; иккитаси қўш хотинли эканлиги аёнлашади. Уларнинг ҳаммаси, ҳатто, инқилобга қадар қалин тўлаганлар ҳам партия томонидан жазоланадилар. Комиссия Қоракўл туманида бўланида, коммунист Ўлмасқуловга саводсизликни эмас, балки диний бидъатларни тугатишни топшириқ қилиб беради. Мана шундай текширувлардан сўнг баъзи бир партия ташкилотларида масъул ходимларнинг аёллари дарров партия сафига кириш учун аризалар бера бошлайдилар.

Ишонч уйғотиш ва маърифий йўллар ўрнига қўрқитиш, ваҳимага солиш, жазолаш усуллари қўлланилади. Тарғибот-ташвиқот ишлари фақат аёллар ўртасида олиб борилади. Айрим масъул ходимларнинг бундай ишларни аввало эркаклар ўртасида олиб бориш лозимлиги ҳақидаги фикрлари эътиборга олинмайди.

«Ҳужум» шу қадар сафарбар тус олганки, ҳатто, хотин-қизлар юзини очиш бўйича Ўзбекистон ва Туркманистон жумҳуриятлари ўртасида социалистик мусобақа ҳам ўтказилган. У тарихга «миллионлар шартномаси» деган ном билан кирган. Мусобақага жумҳуриятлар суд органлари ҳам қўшиладилар. Улар чиқарган қарорларнинг бир бандида шундай жумла ҳам бор: «Ажралиш ишлари бир ҳафтадан кечиктирмай кўриб чиқилсин». Гап шундаки, «Ҳужум» бошланиши билан судларга ажралиш хусусида кўплаб аризалар туша бошлаган. Балоғатга етмаганларни эрга узатиш, қалин бериш, қизларнинг рухсатисиз никоҳ ўқитишни тақиқлаган янги қонунлардан мадад кутаётган аёллар суд идораларига ўзларини мутаассиб ёки кекса эрларидан ажратишни сўраб аризалар топширганлар. Суд органлари худди ана шуларни дастак қилиб олиб, юқоридаги сингари мантиқсиз қарор чиқарганлар.

Расмий ҳужжатларда 1927—1928 йиллари биргина Ўзбекистонда 2,5 мингдан ортиқ фаол хотин-қизлар, қишлоқ, район кенгашларининг аъзолари, хотин-қизлар клублари ва кутубхоналар мудирлари ҳаётдан жудо бўлгани рақамланган. Албатта, бу кўрсаткич тўлиқ эмас. «Ҳужум»нинг оддий иштирокчиларидан қанчаси ўлгани ёки майиб-мажруҳ бўлгани, бу фожиалар учун масъулликни ва жавобгарликни ким ўз зиммасига олгани номаълум. Аммо «Ҳужум» дастлаб катта муваффақиятларни қўлга киритди. 1927 йил баҳорига келиб, 100 минг аёл паранжисини ташлади, 5 минг аёл саводсизликни тугатиш курсларида таҳсил олди, 5202 нафар аёл халқ маслаҳатчилигига сайланди. Бироқ бу ютуқлар фақат «Ҳужум»нинг таъсир кучи билангина боғлиқ эмасди. Ёхуд баъзи бир москвалик шарқшунослар таъкидлаганларидек, аёлларимизнинг фаоллиги фақат ёпинчиқ ичида ўтаётган умрга нисбатан норозилик туфайли ҳам эмасди. Бунинг ўзига хос сабаби аёлларимиз табиатида адолатсизликка қарши кураш туйғусининг мавжудлиги эди. Акс ҳолда, 1916 йили ўз ўғилларини урушга жўнатишни истамай қўзғолон кўтаргани учун аскарлар томонидан отиб ташланган Ризвон биби Аҳмаджонова, Зуҳра биби Мусаеваларни ёки Нодирабегим, Қурбонжон додхо каби жасур аёлларни бир эсга олайлик-чи, улар нималарга қарши исён кўтарган эдилар?

АФСУСКИ, МАСАЛАНИНГ БУ ЖИҲАТЛАРИ БИЛАН ҚИЗИҚМАГАН, «Ҳужум» муваффақиятларидан эсанкираб қолган партия ходимлари туркий халқлар қонига сингиб кетган ислом омилини бутунлай унутдилар. Унга беписанд қараб, ерга уриш, ошкора тан олмаслик, қўпориб ташлаш йўлини танладилар. Руҳий ва диний омилнинг турмушдан дабдурустдан ситиб чиқарилиши «Ҳужум» саҳифаларида қонли из қолдирди. Бундан ташқари, ижтимоий омилга ҳам диққат қилинмади. Бундай пала-партишлик аҳолининг бир қисмида ҳукумат қарорларига нисбатан душманлик муносабатини кучайтирди. Улар хотин-қизларнинг озодликка эришишига очиқ-ойдин қарши чиқдилар. Ҳукумат вакиллари паранжисини ташлаган хотин-қизларга нисбатан қилинган жиноятларни руҳонийлардан кўрдилар, уларни бош айбдорлар ҳисобладилар. Лекин ўша вақтларда ҳам, кейин ҳам на тарихчиларнинг, на мақолаваисларнинг асарларида мусулмонлар кенг қатламига таъсир кўрсата оладиган, паранжи ташлашга қарши туриш қандай салбий оқибатларга олиб келишини ҳис этган анчагина тараққийпарвар руҳонийлар борлиги эсланмади. Ҳолбуки, Қуръон ҳам аёлларнинг ижтимоий ҳаётда ва ишлаб чиқаришда иштирок этишини тақиқламайди. Қолаверса, архив ҳужжатларида тараққийпарвар руҳонийлар ҳам «Хотин-қизлар бўлимлари» ташкил этишга уринганликлари ҳақида маълумотлар бор. Масалан, Фарғона водийси қишлоқларида «Диний бошқарма хотин-қизлар бўлими мудираси Мурсали биби» деган имзо билан даъватномалар тарқатилган. Унда паранжи ташлашга қаршилик кўрсатмаслик, айни чоғда диний тарбияни унутмаслик таъкидланган. Таассуфки, партия идоралари бу ажойиб тадбирни қўллаб-қувватламайдилар.

Динга ва руҳонийларга қаршилик «Курашчан худосизлар» уюшмаси фаолиятида ёрқин акс этган. 20-йилларда хотин-қизлар бўлимлари динга қарши тарғиботда ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш юритган бўлса, 30-йиллар бошида бу ҳақда умуман гап ҳам бўлмаган. Уюшма раиси К. Макаров эҳтиёткорликни тўғридан-тўғри бемаънилик деб баҳолаган. Диндорларга мачитларни қайтариб бериш ҳақидаги талаблар эса худосизларда «комсомол ва клубларга қаршилик» деган таассурот уйғотади. Тараққийпарвар руҳонийларнинг хотин-қизлар юзини очишда жамоатчилик идоралари билан ҳамкорлик қилиш ҳақидаги таклифларига эътибор берилмайди. Ўша йиллари Ўзбекистон КП(б) МҚ, сўнгра Ўрта Осиё Бюросида хотин-қизлар бўлимини бошқарган С. Любимова шундай ёзади: «Қуръон ва шариатни тарғиб этадиган руҳонийлар хотин-қизлар юзини очишда бизга ҳеч қачон мададкор бўла олмайдилар». ВКП(б) МҚ тарғибот ва ташвиқот бўлимининг сектор мудири С. Диманштейн, гарчи тараққийпарвар руҳонийлар жадидлик унсурларини дин билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилаётганликларини таъкидласа-да, барибир, уларга қарши курашни кучайтириш зарурлигини таклиф этади. Юқоридан бошланган синфий ёндашув бу жабҳадаги барча тадбир ва қарашларга шундай ёрлиқ ёпиштиради: «Ҳужум» душманлари — руҳонийлар ва бойлардир».

Хотин-қизлар озодлиги учун кураш аслида синфий кураш эмас, дунёқарашлар кураши эди. Мазкур кураш асрлар оша шуурига муҳрланган тасаввурлардан воз кечиши қийин бўлган унинг қатнашчиларининг ижтимоий мансублигига боғлиқ эмасди. Амал-тақал кун кечираётган камбағал фуқаролар оилаларида гоҳо юз бериб турган фожиалар бунинг ёрқин мисолидир.

Мантиқсиз курашни партия қўмиталарининг нотўғри иш услублари сунъий равишда келтириб чиқарди. Тарғибот юритиш учун мачитлар танланди, паранжи ташлаш бўйича таркибига милиция бошлиғи кирган учликлар тузилди, муллалардан ўз хотинлари юзини очиш тўғрисида тилхатлар олинди. Бундай зўравонликлар хотин-қизлар ҳаракатига ҳам салбий таъсир кўрсатди.

«Ҳужум» ҳаракатининг асл мақсади фақат паранжини улоқтиришдан иборат эмасди. У хотин-қизларни ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш вазифасини ҳам ўтаган. Юқорида айтганимиздек, ўша йилларда Ўзбекистонда ва унга қўшни жумҳуриятларда хотин-қизлар артеллари муваффақиятли ишлаб турарди. Бироқ ширкатчиликни авж олдириш ҳамда хотин-қизлар кучидан кенг фойдаланиш мақсадида ҳужум пайтида уларни фабрика ишларига тортиб бошланади. Бу борада миллий ишчиларнинг меҳнати ва турмушига зийраклик билан қаралади. Аёллар оғир юк кўтарадиган ва соғлигига зарарли, мураккаб соҳаларда ишламаслиги лозимлиги таъкидланади. Лекин 20-йиллар охирида бildирилган бу фикр кейинчалик кескин ўзгаради. Аёллар ва эркаклар меҳнатини тенглаштириш ғояси устиворлик қилади. Тенгҳуқуқлилик бағоят юзаки талқин этилади. Аёлларни ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига фаол жалб этиш бошланади. Ўзбекистон ва қўшни жумҳуриятларда кўплаб ишчи кучи етишмаслигидан келиб чиқиб, аксар партия ва совет раҳбарлари уни хотин-қизлар ҳисобига тўлдиришни таклиф этадилар. Жумладан, қурилиш ишларини аёллар зиммасига юклаш мумкин, улар ғишт ташиш ва теришни, дурадгорликни уддалай олади, деган хулоса чиқарилади. Аёлларни оғир саноатга жалб этиш ҳам узлуксиз ташвиқ қилинади. ЎзССР МИҚ ҳузуридаги хотин-қизлар меҳнати ва турмушини яхшилаш комиссияси раиси А. Вольний аёллар металл ва ёғочни қайта ишлаш саноатида бемалол ишлай оладилар, деб айтади. Бундай масъул лавозимларда ишлаган шахслар хотин-қизлар муаммоларини ечиш жараёнига катта зарар келтиришгани, ожизаларни имкони етмайдиган ишларга ва оғир меҳнатга маҳкум этишгани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. А. Вольнийнинг мана бу сўзлари ҳар қандай кишини ҳам жунбушга келтиради: «Биз металлни қайта ишлаш саноатига 10 минг ишчи тайёрлашимиз зарур, уларнинг 15 фоизи аёллар бўлиши керак. 7000 шофёрнинг — 50 фоизи, 27000 тракторчининг — 20 минги хотин-қизлар бўлади».

«Тенгҳуқуқлилик» оқибатида, 1939 йилга келиб, аёллар эркаклар бажарадиган ишнинг 50 фоизини эгаллашди, лекин улар йўқотган нарсалар 30-йиллар ҳужжатларида акс этмаган. Бизга фақат аёлларнинг беҳад жисмоний кучга эгалигига ишонган ва шу туфайли уларга муносабатини ўзгартирган эркакларнинг ахлоқан тубанлашиш даражасини тахмин қилиш қолади, холос. Бу ҳоллар наслларга қандай таъсир кўрсатгани хусусида гапирмасак ҳам тушунарли.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ТАБИИЙ ФАЗИЛАТЛАРИ, айниқса аёллик хусусиятларининг унутилиши улардан қишлоқ хўжалиги ишларида фойдаланишда ёрқин намоён бўлади. 1930 йили Ўзбекистон ва Туркманистоннинг пахтакор туманларида яшовчи аёллар ишчи кучининг 80 фоизини ташкил қиларди. Улар қишлоқ хўжалик ишларининг 15 соҳасида — уруғ тозалашдан тортиб, ер ҳайдашгача бўлган ишларда қатнашарди. Ёппасига колхозларга киритилган аёллар маиший шарт-шароитлар, хусусан, болалар боғчаси йўқлигидан бир қўлида ёки елкасида боласини кўтариб ишлардилар. Бу колхозчиларнинг юксак онглилиги деб аталарди. «Ғамхўрликнинг» энг зўр тимсоли — улар учун махсус енгил кетмонлар ишлаб чиқарилгани эди.

ТАРИХ ВА ТАҚДИР

Шу ўринда партия ташкилотлари ўз шошқалоқликларининг самараси — аёлларга қаратилган террор даҳшатли даражада кенгайиб бораётганини билганини айтмасак, инсофдан бўлмас. Оқибатда «Ҳужум» чоғидаги маъмурий услублар кескин қораланди. Қатъий тадбирлар белгиланиб, жиноятчилар устидан очиқ судлар ўтказилди, аёлларни муҳофаза этувчи қонунлар чиқарилди. Бу ҳақда ўйласангиз, ушбу тадбирни қурбонларсиз амалга ошириш мумкин эмасмиди, деган жумбоққа дуч келасиз. Мумкин эди, фақат бир шартга риоя қилинса! Аёллар муаммоларини ҳал этиш усулларида ғамхўрлик, мурувват, назокат, ишонч бош мезон бўлиши керак эди. «Ҳужум» деб ваҳимали номланган сафарбарликда эса бундай хусусиятлар деярли йўқ эди. Оқибатда у сабр-тоқатли бувиларимизга, оналаримизга, замондошларимизга кўп йиллик азоб-уқубатлар келтирди. 30-йиллар бошида бошқа бир томонга ён босилди. Социалистик муваффақиятлар ортидан қувиш аёллар масаласида ҳам ўз асоратини қолдирди. Бу муаммо ҳал этилгани хусусида юқоридан буйруқ олинди. 1930 йилда хотин-қизлар бўлимлари фаолияти тўхтатилди. Муаммога сўнгги нуқтани ВКП(б)нинг XVII съездида А. Каганович қўйди: «Ҳозирги пайтда хотин-қизлар шу қадар ўсиб кетганки, уларнинг ўзига хос ишлари ҳақида гапириш ўринсиздир». Дарвоқе, аёллар ўсиб кетганларидан эркаклар меҳнатда улардан ортда қолиб кетарди. «Правда Востока» рўзномасининг 1932 йилги 10 июл сонида мадҳ этилишича, аёллар эркаклар учун мўлжалланган нормаларни ҳам ошириб бажара бошлаганлар.

Албатта, биз аёлларнинг меҳнатсеварлиги, қаҳрамонлиги ва истеъдоди туфайли эришилган муваффақиятларни тан олишимиз лозим. Лекин жамият хуруж ва зарбдорлик йўлидан бормаганида, шубҳасиз, уларнинг эл-юрт ривожига қўшган ҳиссалари бундан ҳам салмоқли бўлар эди. Буни тушунган, лекин тарихни чуқур билмайдиган, унинг ёрқин саҳифаларини инкор қилувчи айрим қаламкашлар эндиликда хотин-қизлар муаммосини ечиш тажрибасига фақат қора чизиқ тортмоқдалар, бироқ ўзлари аёллар ҳаётини яхшилашга оид янги таклифлар киритмаяптилар.

Ҳозир ҳам хотин-қизларнинг ўрни уйда, эркаклар эса жамоат ишларида қатнашиши керак, деган тасаввур яшаб келади. Гўё хотин-қизлар уйда ўтирса, барча муаммолар ҳал бўлар эмиш. Лекин негадир бу қарашларда хотин-қизларнинг шахс сифатида ўзўзини такомиллаштиришига эътибор берилмаяпти. Ҳатто моддий-маънавий жиҳатдан тўла таъминланган бўлса-да, бутунлай ишлашни хоҳламайдиган аёллар сони камлигидан, уйда ўтириш уларнинг маълумот олиши, ўсишига салбий таъсир қилишидан кўз юмиляпти. Баъзилар эркакларнинг маошини энг юқори даражага чиқариш керак, шундай қилинса, жамоат ишлаб чиқаришида банд бўлган хотин-қизлар меҳнати енгиллашади, деб ҳисоблامоқдалар. Болаларнинг ёмон тарбия олишини, уларда яхши фазилатлар камол топмаётганини аёлларнинг ишлаши билан боғлامоқдалар. Менимча, энг муҳими, биз болалар тарбиясига ҳар доим вақт ажратишимиз зарур.

Баъзан, мансаб аёлга хос латифликларга мувофиқ эмас, деган гапни ҳам эшитиб қоламиз. У ҳолда аёллар назокати темирйўлларда ёғоч ётқизиш ёки асфальт тўшашга мувофиқми? Ёки биз XVIII аср иккинчи ярмидаги каби гўзал хонимлар бўлишни қўмсаб қолдикми? Унда уларнинг ўқиши учун катта маблағлар сарфлашимиз шартми? Биз аёллар билими эркакларникидан юқори, деб мақтанишни биламиз. Агар хотин-қизлар бирор муваффақиятга эришса, уни қобилияти самараси демасдан, балки «омади» деб биламиз. Нега?..

ОИЛАВИЙ ИШЛАРДАГИ БАРЧА МАСЪУЛЛИК АЁЛГА юкланган. Ҳолбуки, руҳшуносларнинг таъкидлашларича, эркакларнинг оилавий ишларда иштирок этиши эр-хотин муносабатларини кучайтирар, болаларнинг хушхулқ бўлиб етишишишига ижобий таъсир кўрсатар экан. Ҳозир негадир оилавий тарбиядаги феминизация (тенгҳуқуқлилик) хусусида умуман гапирилмаяпти. Кўп оилалар оталар лоқайдлигидан жабр тортмоқда. Ота тарбияси унутилаяпти.

Қисқаси, ўн йиллар мобайнида йиғилиб қолган, меҳнаткаш аёлнинг турмушини ва ижтимоий ҳаётини яхшилашга дахлдор муаммоларга диққатни қаратиш пайти етиб келди. Уларни биз кўп муддат эсга олмадик, аксинча, беркитиб, яшириб келдик. Энди ҳамма кўрпуликларни ўтмишга ағдаравермайлик, мавжуд шарт-шароитларга ҳам эътибор берайлик. Шундагина жумҳуриятимизнинг мустақилликка эришгани янгича ахлоқий муносабатларни ҳам юзага келтиради, хотин-қизлар муаммолари ечимини топади, деб ўйлайман.

Дилором АЛИМОВА

Ургутда бадиий каштачилик, зардўзликка катта эътибор берилади. Моҳир чеварлар томонидан тўқилган ҳар бир мато нафақат жумҳуриятимизда, балки дунёга ҳам машҳур.

СУРАТДА: попончилик цехи тикувчиси Насиба Зайниева шогирди Дурдона Зикриева билан.

У. ҚУШВОҚОВ
суратга олган

Ҳамид ҒУЛОМ

АВВАЛ ВАТАН...

Бу иборани Жамол Камолнинг шеъридан олдим. «Аввал Ватан, кейин жон...» Содда, лўнда, пурмаъно. Овчилар буни «нишонга урди», дейдилар. Шеър сарлавҳаси унинг мазмунига монанд. Истиқлолнинг бир йиллик байрами ўтказилган Мустақиллик майдонида, ўн минглаб намойишчилар ва томошабинлар қайнаб-тошган минбарлар тепасида, беқиёс зебо Тошкентнинг юлдузлар тўла мовий осмонию чароғон қучоғида шоир шеъри мағрур жаранглади.

Байрам олдидан, йил давомида бир қанча шеърий туркумлар, достонлар, қасидалар эълон қилинди. Абдулла Орипов бетакрор илҳом ва фахр билан тинимсиз ижод қилди. Ҳалима Худойбердиева билан Ойдин Ҳожиеванинг назм дасталари севимли шоираларимиз ижодининг чўққиларигина бўлиб қолмай, умуман ўзбек шеъриятининг ҳам гултожларидир. Шукруллонинг байрам арафасида эълон қилинган шеърлари миллий мустақиллигимизга мадҳия бўлди. Сирдарё бўйларидан Тўра Сулаймоннинг овози янгради...

Менинг назаримда, улар орасида Жамол Камолнинг овози баландроқ бўлди. Нега десангиз, шоир истиқлолнинг мазмун-мақсадини лўнда айтди-қўйди. Халқ, аввало, ўз озод ва мустақил ватанига эга бўлиши керак, шундан кейингина ўз эркин заминида ўзи хоҳлаган тузумни, иқтисод, сиёсат, маданиятни, яъни ўз ҳаёт тарзини қура билади.

Мен ўша нурли оқшом Мустақиллик майдонида юксак минбарда, ҳамкасбларим ва тенгдошларим қаторида шодлигим юрагимга сиғмай, ранг-баранг намойиш тўлқинини кузатиб турар эканман, болалигимни эсладим. Йигирманчи йилларнинг бошлари. Беш ёшимда бобом мени маҳалламиздаги Форобий номидаги мактабга бошлаб борган. Мактаб боғига кирибоқ, саф тортган ўқувчиларнинг янгроқ шарқиясини эшитганман:

Тахтимиз Ватан,
Бахтимиз Ватан,
Сенга жон фидо —
Аҳдимиз Ватан.

Ёшим етмагани учун мени биринчи синфга шартли қабул қилишган. Икки муаллимим ҳамон эсимда, бири — ўзбек Турсунхўжа афанди, иккинчиси — Турк Жамол афанди.

Ўша вақтда Тошкентда 16 та мактаб бўлган. «Изчилар уюшмаси», «Темир тўда», «Ватан» каби ўнлаб тараққийпарвар уюшмалар кейинчалик тугатилиб, ўрнида ленинчи пионер ташкилоти пайдо бўлди.

Ўн олти мактабнинг ҳаммасига миллий духовой оркестр, шарқия (хор)лар бор эди, европача ва миллий мактаб либослари, одоб-ахлоқ дарслари, онгли интизом, мунтазам жисмоний тарбия машқлари таълим-тарбиянинг узвий бўлаклари ҳисобланарди. Мактаб театри... Мен буни ҳеч қачон унутолмайман. Бизнинг Форобий номидаги мактабимизда ёзги театр бўлиб, муаллимлар ва талабалар ижросида Беҳбудийнинг «Падаркуш» пьесаси асосида қўйилган томоша ҳамон кўз олдимда...

Менинг авлодимга мансуб кишилар, айниқса зиёлилар 20—30- йиллар фожиаларини, «қулоқ» қилинган, «синфий душман»га чиқарилган юз минглаб, миллионлаб асл инсонларнинг, чин ватанпарварларнинг мудҳиш фожиасини, аччиқ қисматини ўз кўзимиз билан кўрдик, ўз бошимиздан ўтказдик.

Одам учун Ватан сўзи энг азиз сўз, озодлик эса, энг олий ва энг эзгу орзу, аъмол, энг юксак мақсаддир.

Бир йил аввал табаррук заминимизда паҳлавон туғилди. Лекин, бу паҳлавон, ҳали ёш. Биз уни йўлда кўз тикиб турган бало-қазолардан омон олиб ўтишимиз керак. Энг улкан, энг даҳшатли бало бу — тобелик туйғусидир. Салкам бир ярим аср давом этган зулм, зўравонликка расман барҳам берилди, лекин руҳий асоратдан, маънавий тобеликдан ҳамон буткул халос бўлганимиз йўқ. Дилларимизга ўз Ватанимиз учун фахру ғурур туйғуси тўлиши, қанотларимиз энг юксак эркин парвозларга ўрганиши керак.

Шу жиҳатдан ҳам шоирнинг мисраси пурмаънодир: «Аввал Ватан, кейин жон».

Йўлдаги ғовлар, турмушдаги қийинчиликлар, ёвуз ёғийларнинг ғийбат-бўҳтонлари, кечаги зўравонларнинг бугунги таҳдидлари, ҳатто кечаги «дўст»ларнинг иқтисодий қамал билан қўрқитишлари ҳам бизни узилкесил танлаган нурли истиқлол йўлимиздан бир қадам ҳам орқага чекинтира олмайди.

Озодлик дунёдаги энг ширин ва энг асл мевадир.

Инсон учун, халқ учун ер юзида энг катта бахт истиқлолдир.

Байрам куни хориждан келган меҳмонлардан бири: «Ўзбекистон Ўрта Осиёнинг Швейцарияси бўлиши керак», деди. Меҳмон албатта, заминимиз, иқлимимиз, ер усти, ер ости бойликларимизни ва шубҳасиз, улуғ заҳматкаш халқимизни назарда тутиб, шундай истак билдирди.

Мен Швейцарияда бўлганман, унинг гўзал табиатини кўрганман, айни вақтда ўзига хос муаммоларидан ҳам хабарим бор.

Биз бир даврдан иккинчи даврга, бир жамият ва тузумдан бошқа бир жамият ва тузумга ўтяпмиз. Оғир йўлни осонроқ босиб ўтиш ўзимизга, халқимизнинг жасоратига, раҳбарларимизнинг донолиги ва тадбиркорлигига боғлиқ.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Мустақиллик майдонининг юксак минбаридан сўзлаган нутқи Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқаросига ва дунёдаги жами дўстларимизга, ҳамма ватандошларимизга чексиз умид, ишонч бағишлади.

Шу азиз Ватан учун, унинг, халқнинг истиқболи порлоқ бўлиши учун жонимиз фидо! Нурли байрамимиздан бош хулоса шу.

БЕРУНИЙ АНЖУМАНИ

«Ўрта аср ва янги замон муаллифларидан ҳеч бири ҳам ҳинд маданиятининг чигал масалаларини чуқур илмий руҳда тушунишда ўлмас Абу Райҳон Муҳаммад Беруний эришган ютуқларга эриша олмади. Беруннийнинг «Ҳиндистон» асари классик намуна бўлиб қолиши билан бирга, ўз муаллифининг қадимги ҳинд маданияти ва фанига қилган тортиғидан иборатдир». Атоқли ҳинд олими Ҳамид Ризо ўзбек фанининг даҳо намояндаси Беруунийга, унинг яратилганига бу йил 960 йил тўлган «Ҳиндистон» қомусий асарига ана шундай катта баҳо беради. Куни кеча Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида бўлиб ўтган «Ҳиндистон» асарига бағишланган илмий анжуманда ҳам фанимиз тамал тошини қўйган улуғ алломанинг уммон қадар теран илми ҳақида фикр юритилди.

Анжуманни ЎзРФА Шарқшунослик институтининг директори, тарих фанлари доктори Асомиддин Ўринбоев қисқача кириш сўзи билан очди. У Беруунийнинг ватан фанига, жаҳон фанига қўшган беқиёс ҳиссаси ҳақида гапириб, жумладан шундай деди:

— Биз кейинги йиллари кўп яхши анъаналаримизни унутиб қўйдик. Шулардан бири беруунийхонлик илмий анжуманлари. Бугунги кунда жумҳуриятимиз мустақил бўлди. Энди унутилган, унутилаёзган анъаналаримизни тиклашимиз зарур. Институтимиз жамоаси бундан буён изчил равишда, ҳар йили, беруунийхонлик анжуманларини ўтказиб боради; уларда Беруний ижодини ўрганиш соҳасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинади, янги режалар белгиланади. Галдаги катта ишларимиздан бири эса, келгуси — 1993 йили улуғ бобомиз таваллудининг 1020 йиллигини муносиб кутиб олишдир. Бугунги илмий анжуманимиз ана шу муҳим ишнинг бошланиши, холос.

ЎзРФА вице-президенти академик Иброҳим Искандаров миллий қадриятларимизни тиклашда, ўзлигимизни англашда, илм-фан тараққиётида истиқлолимиз катта имкониятлар яратиб беражагини таъкидлади. Форобий, Замахшарий, Беруний, Ибн Сино сингари алломаларимиз меросини чуқур ўрганишимиз, халқимиз маърифатини оширишда ўтмиш олимларимиз асарларидан кенг баҳраманд бўлишимиз лозим. Вице-президент Беруунийнинг иқтисодий қарашларини ўрганиш масаласига алоҳида эътиборни қаратди.

Илмий конференцияда ЎзРФА мухбир аъзоларидан П. Булгаков «Беруний илм-фан ҳақида», Сабоҳат Азимжонова «Беруний ва Бобур Ҳиндистон ҳақида», филология фанлари номзоди Абдусодиқ Ирисов «Беруний ва унинг «Ҳиндистон асари», тарих фанлари докторларидан И. Ҳошимов «Беруний ҳиндлар жамиятидаги табақа ва тоифалар тўғрисида», Т. Абаева «Беруний асари («Ҳиндистон») Ҳиндистондаги этник жараёнларни ўрганишда манба сифатида», тарих фанлари номзоди О. Бўриев «Беруунийнинг «Ҳиндистон» асаридаги жуғрофий маълумотлар», филология фанлари доктори А. Маҳмудов «Беруний нутқ товушлари ва шеърият ҳақида», илмий ходимлардан Н. Жабборов «Беруний асарларида Наврўз тавсифи», Б. Абдуҳалимов «Ҳожи Халифа Беруний ҳақида», О. Қорқиев «Беруний ва Марғиноний асарлари бўйича никоҳ масаласи» мавзуларида маъруза қилдилар.

Анжуманда ЎзРФА Қўлёзмалар институтининг илмий ходими, тарих фанлари доктори М. Исҳоқовнинг илмий ахбороти катта қизиқиш уйғотди. Олим Абу Райҳон Беруний суғдшуносликка катта ҳисса қўшган аллома, суғдшуносликнинг ҳам асосчиси эканини далиллар билан исботлади.

«Ҳиндистон»нинг 960 йиллигига бағишланган бу анжуманда афғонистонлик ўзбек шоири ва олими Абдулҳаким Шаръий Жузжоний, эронлик олим Такмил Ҳумоюн қатнашиб, сўзладилар. Такмил Ҳумоюн Эронда Беруний мероси кенг ўрганилаётгани, беруунийхонлик илмий анжуманлари мунтазам ўтказиб турилаётгани, масалан, яқинда жаҳон беруунийхонлик анжумани ўтказилиб, анжуман материаллари уч тилда — форс, араб, инглиз тилларида босилиб чиққанини, Беруунийнинг ўзи ўз асарларига тузган библиография, алломанинг Ибн Сино билан ёзишмалари нашр этилганини айтди. Эронда Беруний номини абадийлаштириш борасида ҳам анча иш қилинган.

Бундан буён мунтазам равишда беруунийхонлик илмий анжуманлари ўтказилиб, анжуман материаллари ўзбек, инглиз ва рус тилларида чиқиши кўзда тутилган.

М. САЪДИНОВ

УМИД БИЛАН ЯШАЙМАН

Мен II гуруҳ ногиронман, 6 фарзандим бор. 2 ўғлим хизматга бориб соғ-саломат йигитлик бурчини ўтаб келишган. Кенжа ўғлим Қурбонжон 1989 йил май ойида чақирилиб, Грузияда хизматни бошлади. Бир йилгача ундан хат олиб турдик. Кейин эса на хат, на хабар келмай қўйди. Районимиздан Қурбонжон қатори хизматга чақирилган йигитлар соғомон қайтишди. Менинг боламдан эса дом-дарак йўқ. Қумқўрғон туман ҳарбий комиссариатига бир неча маротаба бордим, лекин улардан бирор жўялироқ гап эшитмадим. «Биздан ҳисобдан чиққан, билмаймиз»,— дейишади. Додимни кимга айтай. Ўзим бир ногирон одам бўлсам. Кимга учрашай, ким йўл-йўриқ кўрсатади.

Хизматга чақирилишдан аввал қулоғи оғриб юрарди. Ҳаёлимга ҳар хил фикрлар келади. Бор умидим сизлардан, ёрдам беринг, Боламдан бирор хабар топай!

Тоғаймурод БОЗОРОВ,
Қумқўрғон тумани, «Беш қаҳрамон» давлат хўжалиги

Сўз Қимматиз?

Тарих тақозоси шундай бўлдики, она тилимизда битилган айрим қимматли асарларнинг асли бизгача етиб келмади ёки ҳали топилмаган. Масалан, «Темур тузуклари»ни форс тилидан таржима қилиб ўқимоқдамиз. Таассуфки, XX асрда яратилган кўпгина асарларнинг қисмати ҳам шундай бўлди: ўнлаб, юзлаб етук асарлар ҳалигача топилмаган, нашр қилинганларининг кўпи қисқартириб босилган. Садриддин Айнийнинг «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар» (Москва, 1926), Мўминжон Муҳаммаджон ўғлининг «Турмуш уринишлари» (Тошкент, 1926) китоблари ҳам шулар жумласидандир.

Ачинарли томони яна шундаки, бу асарлар тўғрисида илмда бор ҳақиқат айтилмади, улар тўғри илмий таҳлил-тадқиқ қилинмади, кўпгина масалалар хас-пўшланиб, яшириб кетилди. Бироқ жаҳон ўзбекшунослиги (туркшунослиги) мазкур масалаларни холисона тадқиқ этди. Бу китоблар ҳақида салмоқли тадқиқотлар яратилди. Америкалик машҳур олим Эрвард Аллвортнинг тадқиқотлари фикримизга бир далил бўла олади. У кишининг 1987 йили Германиянинг Кёлн шаҳрида босилган «Туркистон» мажмуасида эълон қилинган тадқиқоти ҳам дунё туркийшунослигида илмий ҳақиқат айтилган асарлардандир. Мақолада олим Туркистондаги жадидчилик ҳаракати, фидойи жадидлар ҳақида фикр юритар экан, С. Айний ва М. Муҳаммаджонов китобларининг 60-йиллардаги ўзбекча нашрларида тушириб қолдирилган қисмларини инглизчага таржима қилиб келтиради. Бу парчалар бугунги ўзбек китобхонига ҳам таниш эмас. Шу сабабли биз Э. Аллворт мақоласи билан бирга, унда келтирилган парчаларни инглизчадан ўзбекчалаштириб тақдим этмоқдамиз.

Мақолани инглиз тилидан радиоэлектроника муҳандиси Малоҳат Комилова таржима қилган.

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТ ШУНОСЛИК БЎЛИМИ

Эдвард А. АЛЛВОРТ

ЖАДИДЛАР ҲАҚИДА ЯШИРИЛГАН ҲИКОЯЛАР



XX асрнинг ўзгариш даврида вужудга келган жадидлар ҳаракати совет сиёсатчилари назарида хавфлидек туюлади

ЎТМИШДАН МИСОЛ КЕЛТИРАЙЛИК. 1927-йилларда Совет Иттифоқи расмий нозирлари Ўрта Осиё жадидлари тарихини қайта кўриб чиқа- бошладилар ва айрим воқеаларни яширишга уриндилар. Бунинг оқибатида коммунистлар икки ўт ичида қолдилар. Бир томондан, улар 1900—1920-йилларда ҳали жуда кучсиз бўлган маданиятни қўллаб-қувватлаш учун, ривожлантириш» учун бир қанча жадидлардан фойдаланишга мажбур эдилар. Иккинчи томондан, совет маданият арбоблари жадидларни таъқиб қилиб, уларнинг таржимаи ҳолини бузиб кўрсатардилар. Бу мушкул вазиятдан чиқиш учун мафкурачилар айрим танлаб олинган ёзувчи, муаллим ва журналистларни ҳақиқий жадид-ислоҳотчи бўла олмадилар, деб эълон қилдилар. Биринчи ўринда жадидлар фаолиятини қоралаб, уларни омадсизлар деб, аҳамиятини камситиб, шундай янгича фикрловчи одамларнинг сонини иложи борича камайтириб кўрсатдилар.

Нашриётларнинг муҳаррирлари воқеаларни бузиб кўрсатар, ёлғон-яшиқ гапларни босиб чиқаришар, чоп этилаётган асарларнинг ўзларига номаъқул жойларини зўравонлик ва ҳаёсизлик билан ўчириб, қисқартириб ташлар эдилар. Маълумки, мафкурачилар бир гал жадид ижодкори, илғор курашчи, кейинчалик Ўзбекистоннинг кўзга кўринган арбоби Файзулла Хўжага (1896—1938) «Бухоро инқилоби тарихига доир» (1926) номли қисқа очеркини қайта ёзишни буюрганлар. Унда жадидларни душман тариқасида, тескари мақомда тасвирлаш вазифаси қўйилган эди. Бу рисола ўзбек ва рус тилларида нашр этилди. Уни инглиз тилига таржима қилса ҳам жуда арзигулик эди, лекин ҳеч бир таржима ўзбекча нусхасига етолмади.

Чуқур илдиз отган совет назорати жадидлар ҳаракати ҳақидаги кўп ҳикоя ва воқеалар таърифига, жадидлар томонидан ёзилган хотира ва асарларга жиддий зиён етказди.

Ф. Хўжа «Бухоро инқилоби тарихига доир» китобининг биринчи ва сўнгги нусхасида ҳам Садриддин Айнийни (1878—1954) очиқ-ойдин танқид қилади. Бунда С. Айнийнинг туркий тилда ёзилган «Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар» (1920—1921 йилларда ёзилган) деган китобининг ғоявий камчиликлари мавзу қилиб олинган эди. С. Айний бу китобини 1920 йили, бошқа жадидлар билан бирга Бухородан қочгандан кейин, хасталиқдан энди соғайиб келаётган пайтида, Самарқандда тугаллади. Кейинчалик ўзбекистонлик совет мафкурачилари бу китобнинг ғоявий камчиликларини топиш учун анча овора бўлишди. С. Айний асарларининг туркий биринчи жилди 1963 йилда, унинг вафотидан кейин, дунё юзини кўрди. Бу китоб «Жадидлар ёки ёш бухороликлар партиясининг таркиби ва ёзилмай қолган режалар» бўлиб, ундаги бир кичик қисм бутунлай тушириб қолдирилган. Тожикистоннинг «Ирфон» нашриёти ҳам худди шундай қилганга ўхшайди. Бу нашриёт редакторлари С. Айнийнинг «Жадидлар ёки ёш бухороликлар партияси...» асарини, худди «Таҳсиб ус-сибён» (1909) асари ва бир неча бошқалари сингари, тушириб қолдиришган. Чунки бу асарлар жадидлар ҳаракатининг гуркираган пайтидаги илғор фикрларни ифодалар эди. Бухоро тарихини ҳаққоний ифода этувчи бу асл асарлар жуда ноёб ва кам эди. Бунинг устига уларни фақат туркийни ва араб имлосини билган кишиларгина ўқиб, ҳақиқатни аниқлаши мумкин эди. С. Айнийнинг асарлари ҳам бошқа жадидлар асарлари сингари назоратдан қочиб қутула олмади.

Мўминжон Муҳаммаджон ўғли (1893—?) С. Айний ва бошқалардан кўра омадсизроқ экан. У анча узоқ умр кўриб, ўз шахсий тарихининг қайта ёзилганини кўришга «муяссар» бўлди. Унинг «Турмуш уринишлари» деган асари (1925 йилда ёзиб тугатилган) С. Айнийнинг асари чиққан йили нашр этилди. У Бухоро воқеаларини тўлдиради. Муаллиф унда 1918 йилгача Тошкент ва Фарғонада бўлган воқеаларга назар ташлайди. С. Айний сингари у ҳам воқеаларни маълумотли ёш ўртаосиёлик нуқтаи назаридан ёритган. (Мақоламиз сўнгида келтирилган матн 1926 йилги нашрда сарлавҳасиз, фақат 84 сони остида босилиб чиққан.) Кейинги нашрларда муҳаррирлар тазйиқни яшириш учун мақолалар бошида қўйилган барча рақамларни (кўрсаткичларни) олиб ташладилар ёки бошқача айтганда, улар биринчи нашрдаги 82 минг сўзни иккинчи нашрда 61 мингга қадар қисқартирдилар. 1964 йилда эсдаликлар яна қайта нашрга тайёрланиб, ёши 80 ни қоралаган кекса муаллифга ўқиб кўришга бердилар. Иккинчи нашрда совет назорати мақоладан Туркистондаги жадидлар ҳаракати ҳақидаги жуда кўп муҳим, катта аҳамиятга эга қисмларни олиб ташлади.

МАҚОЛАМИЗ СЎНГИДА КЕЛТИРИЛАЁТГАН ЖАДИДЛАРНИНГ УРИНИШЛАРИ тўғрисидаги 2 ҳикоятда ҳам ҳақиқат садоси бор. Жадидларга бағишланган бу қисқа бўлимлар жадидларнинг фикр-ўйлари, орзу-умидлари, уринишлари, уларнинг инсоний ва маънавий қиёфалари, уларнинг душманлари ҳақида. Бундан ташқари, улар очган мактаблар, матбуот, театр ва бошқа фаолият ҳақида. Иккала муаллиф ҳам «ёшлар» ёки «ёш фикрлилар» сўзи билан ислоҳотчилар ҳаракатига қўшилган, уларнинг дастурини қабул қилган одамларни назарда тутишган.

(С. Айний, Мўминжон Муҳаммаджон ўғлининг туркий тил ва араб имлосидан ўгирилган дастлабки нашридан парчалар қуйида келтирилади. Асл нусхадаги бетлар тўртбурчак қавс [ ] ичида кўрсатилди).

С. АЙНИЙ. «ЖАДИДЛАР ЁКИ ЁШ БУХОРОЛИКЛАР ПАРТИЯСИ ТАРКИБИ ЁКИ ЁЗИЛМАЙ ҚОЛГАН РЕЖАЛАР» (1920—21) (65—70-бетлар):

[65]... Бухорода янги мактаб очилиб, ҳаммага маълум бўлгач, биз, бир неча маърифатпарварлар мактаб тарафдори бўлдик. Биз билан бирга қарашлари энди шаклланаётган ёшлар ҳам бор эди. Янги мактаб тарафдорлари ва ашаддий душманлари ўртасида жанг бошланди. Дин аҳлларининг жамиятдаги ўрни катта бўлгани туфайли бу вазиятда [66] улар устун келиб, ёш фикрлиларни ақл-ҳуши жойида бўлган одамнинг ақли бовар қилмайдиган ғийбатлар, туҳматлар билан кўмиб ташладилар. Табиийки, бундай пайтда ёш фикрлилар бир-бири билан жипслашиб, елкама-елка туриб, бир-бирининг ғам-андўҳини баҳам кўриш зарурлигини тушундилар. Улар жамиятнинг кўркига айландилар, халқ орасида таниқли бўлиб қолдилар. Ёш фикрлилар бирга йиғилиб, ўз режаларини ва мақсадларини ҳаммага очиқ-ойдин баён қилдилар. Ёзилмай қолган режаларнинг моҳияти тахминан шундан иборат эди:

1. Биз саводсизликни ғуғатиш учун курашамиз, халқ тафаккурини юксалтириш учун курашамиз ва шунинг учун янги мактаблар очиш ва жадид адабиётини кенг кўламда тарқатиш учун курашамиз;

2. Йўлдан озган дин аҳлларига қарши курашамиз: мақсадимиз диний даргоҳларнинг асоссизлигини, дин аҳлларининг ёлғончи ва разил эканлигини, руҳонийлар ва мадраса талабалари фикрларини фош этиш ва мадрасаларни ислоҳ қилишни йўлга қўйиш (янги услубга ўтказиш);

3. Халққа давлат арбобларининг қабиҳ ва зулмкор эканлигини кўрсатиш. Шу мақсадда халққа давлат қонунлари моҳиятини, қозиларнинг одамларга бўлган муносабатини кўрсатиш. Иложи борича камбағал одамлар ва қишлоқ аҳолисининг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилиш, чунки улар давлатдан кўп хўрлик ва зулм кўрдилар;

4. Одамларга амирнинг, сарой аҳлларининг бойлиги ва разиллигини фош этиш, кўрсатиш. Хазинадаги бойликлар амир ёки унинг бош вазири (қушбеги)нинг шахсий мулки эмас, оддий халқники эканлигини тушунтириш. Амир ва унинг одамлари халқ мулкини ўз хоҳишича талон-тарож қилишга ҳақи йўқ эканини тушунтириш; [67].

5. Аҳоли орасида ахлоқсизлик ва бидъатга чек қўйиш, суннат тўй ва аза маросимларида иложи борича диний қонун-қоидаларга риоя қилиш;

6. Аҳоли орасида эскилик сарқитларига чек қўйиш. Мутаассибларнинг рақобатига, бир-бирини менсимай ҳақоратлашига, қўпол муносабатига чек қўйиш.

Бу ғояларни амалга ошириш, халқни тайёрлаш, халқ фикрини (афкори умумия) етилтириш учун ёшлар ва ёш фикрлилар шу «пираграм»ни ёзиб, ғояларни одамлар орасида тарқатишга ўзаро аҳд қилдилар. Ёшлар ёрдамида, газит ва журналлар ёрдамида бу ғояларнинг кенг тарқалиши туфайли жамиятда бўлаётган катта ришватхўрлик, фожиалар, ўғирлик ва қаллоблик, қотиллик ва зўравонликнинг сабабчилари ҳаммага равшан бўла борди. Бу, ўз-ўзидан маълумки, генераллар орасидаги рақобат, руҳоний ва дин аҳлларининг фанатик ва қолоқлиги, давлатнинг зўравонлиги ва зулми, кенг тарқалган таниш-билишчилик эди. Агар воқеалар шу йўсинда кетаверса, давлат эса тартиб ўрнатиш учун янги қонун-қоидалар чиқараверса, худди айлана бўйлаб юргандек, агар бошланғич мактаблар сонини оширмасак, агар одамларнинг онги ва билими оширилмаса, агар мадраса, мачитлар ислоҳ қилинмаса, унда Бухоронинг илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаёти хавф остида қолади. Бу ғоя вужудга келибоқ оз вақт ичида бутун илғор одамлар орасига тарқалиб кетди. У хоҳ шиа, хоҳ сунний бўлсин, хоҳ эронлик бўлсин, хоҳ тожик, ҳар бир янгилик тарафдори бўлган илғор одамнинг ўйига айланди. Улар зўравонлик, ришватхўрлик, фитналар, ахлоқсизлик, фанатизмга қарши муқаддас уруш эълон қилдилар.

БУ ФИКР ТАРАФДОРЛАРИНИ БИРЛАШТИРУВЧИ САБАБ — янгича усулда ташкил этилган мактаб бўлгани учун (усули жадид) уламолар ва давлат арбоблари уларнинг фирқасини «Жадид» ёки «Жадидлар» деб атадилар. Бу фирқанинг ғоялари жуда юксак ва тараққийпарвар эди. Бу партия бошлиқлари худди «Ёш турклар» сингари ёшлар ёки ёш фикрлилар бўлгани туфайли [67] ёш бухороликлар ўзларини «тараққийпарварлар» деб атадилар.

ИЛОВА: Янги мактаб тарафдорлари бўлган ажойиб, буюк ёшлар ёки ёш фикрли шахслар қуйидагилар эди:

Абдулвоҳид Мунзим, Мирза Муҳиддин ва унинг ўғли Мирза Асом ва Мирза Абдулқодир, Аҳмаджон Махзум, Борийбой Афанди ва унинг ўғли Мирза Мустафо Кули, Жаҳонгирбек Қоровул Беги, Мулла Мирхон, Форса ўғли, Маҳзар Махзум ва унинг иниси Мукаммалиддин Махзум, татар мулла Низом Собитий (Сабти), Мирзабой Оқсоқол ўғли Мирза Шоҳфайз, Ҳамидхўжа Меҳри, Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, Ғулом Риза Қоровул Беги, Мирза Исмоил Аттор, Мулла Очилди ва Мулла Боқи ўғли. Бу воқеаларда узоқ иштирок этган, мубошир бўлган ёзувчи, шу сатрлар муаллифи С. Айний эди. (Бундан ташқари, дин аҳллари, авом халқ, ҳарбийлар, мадраса талабалари орасида ҳам ажойиб шахслар бор эди. Энг буюклари: Муфти Домла Икром, Қози Абдусамад, Шарифжон Махзум, Қози Саиджон, Мирза Соҳиба Би, Ҳожи Додҳо, Порсо Хўжа, Ҳожи Ҳамза Йўлдош ўғли, Мирза Пўлат, Салимжон, Ҳожи Сирожиддин, Аҳмад Камолий ва бошқалар; улар орасида Мирза Абдулқодир турк-татар матбуотида Бухородаги вазият ҳақида кўп нарсалар ёзган.)

Ёшлар тарафдорлари кўпайиб, халқ фикри тиниқлаша борса ҳам, газит чиқариш ва оғзаки гапдан бўлак иш қилиб бўлмади. Чунки, Насрулло Қушбеги, муллаларнинг фитналаридан сўнг қушбеги бўлиб кўтарилган, улардан қўрқиб, уларнинг измидан чиқмасди. Шунинг учун бундай даврда оддий бир йиғин уюштириш ҳам мушкул эди. Бухоро ёшлари татар усулдаги мактаблардан ҳайдалгач, 1-2 ой ўтгач, 25-30 яшар саводсиз ёшлар [69] кечалари татар муаллим Абдураҳмон Саъдий қўлида ўқишни бошладилар. Лекин бор-йўғи 1 ой ўқиб, иккинчи ойга етганда, Насруллобек (Қушбеги), бу ўқувчиларни ўз фармони билан яна қувғин қилди. Шу йили ўз билимларини мукаммаллаштириш учун Усмонхўжа Пўлатхўжа ўғли, унинг акаси Отахўжа, Маҳзар Махзум, Бурҳон Махзум ўғли, Абдурауф (Абдурауф) Фитрат ва Муқимбек Истанбулга йўл олишди. Абдурауф Фитрат Бухоро талабалари ичида энг иқтидорли ва ўқимишлиси ҳисобланарди. У Мирза Абдувоҳид мактабида унчалик иштирок этмаган бўлса ҳам, муаллим Абдуқодир Махзумга кўрсатмалар берган ҳолда туркий тилдаги «Сиротул ул-мустақим» журналини синчиклаб кузатиб борди. У Истанбул сафарига қунт билан тайёрланди ва Истанбулга юқорида айтиб ўтилган талабалар қаторида кетди.

Амир Абдулаҳад Русия сафаридан апрелнинг охирида қайтди. Раис Бурҳониддинни маҳкамадан олиб, Карманага жойлади. Сўнг ёшларга жуда яхши жой очилди. Ёшлар келди, ташвиқот ишларини бошлаб юборишди ва уларнинг ҳамфикрлари ҳам кўпая бошлади.

1910 йил сентябрида Мирза Сирож Ҳаким бир неча йиллик сафардан қайтаётганида Бухорода тўхтади. Бу шахс ўз уйида Оврупо услубидаги шифохона очиб, янги усул билан одамларни даволай бошлади. Бу шахс ўқимишли ва маърифатли одам бўлгани учун унинг Бухорога келиши ёшларга сезиларли даражада куч берди. Шу йили татарлар Абдураҳмон Саъдий ўрнига татар муаллими Исмоил Қорини олдилар. Улар ўзларининг шахсий мактабларини давом эттирдилар. Ҳатто бир йил олдин ҳукумат ман этган бўлса ҳам, Бухоро халқи ўз болаларини татар мактабига бера бошлади. [70] Ҳатто уламолар ҳам буни пайқамай қолдилар, чунки Бурҳониддин шаҳардан қувилганди. Лекин бошқа тарафдан қаттиқ тақиқ бошланди. Сўзсиз, бу — ҳукумат эди. Ёшлар сони кўпайди ва халқнинг фикри тиниқлаша, теранлаша бошлади. Амир Абдулаҳад турли фитна-фасод, икир-чикирлар дастидан йўлдан адашди. Бу йил фитна гаплар мактабга қарши бўлди, диний мавзуда эмас, сиёсий мавзуда. Фитначилар бошлиқларидан бири Мулла Қамар эди. Бундай одамлар ҳукумат арбоблари билан яқинлашиб, шундай гаплар билан йўлдан урдилар. «Агар янги усулдаги мактаб давом этаверса, жуда оз вақтдан сўнг халқ ўз шартларини қўя бошлайди ва, Султон Абдулҳамид ва Муҳаммад Али Шоҳ каби, олий ҳазратларини ҳам тахтдан қулатади, шундай эмасми? Ҳамма ғазитлар доим Бухоро ҳукуматини жабрловчи деб таърифлайди, барча ғазитчилар ва ўқувчиларнинг тили бир».

Тахт меросхўри Мир Олим Тошкентга жўнаб, бу муаммони ҳал этди. Натижада Бухоро болаларини татар мактабидан ҳайдашнинг ўзи камлик қилди, ўз мақсадини амалга ошириш учун Мир Олим татар мактаби жойлашган ажойиб бинони бўшатиб қўйиш ҳақида фармон берди. Шу билан у татар мактабига қўлидан келганча халақит берди.

Лекин ёш бухороликлар Мукаммал Махзум уйида маҳфий мактаб очдилар. Бир қанча бола йиғилиб, ўзларини Мукаммал Махзумга топширдилар. М. Махзум шу болаларни маҳфий равишда ўқитди.

(Назоратга учраган қисм тугади).

Мўминжон МУҲАММАДЖОН ўғли. «ТУРМУШ УРИНИШЛАРИ. МАДРАСА ТАЛАБАСИ КУНДАЛИГИ» (1925 йилда ёзилган), 310 — 316-бетлар):

[310]... Шундан сўнг икки ой Тошкентнинг Шайховандтаҳур даҳасидаги Қуйи Девон Беги мавзеида жойлашган Эшон Хўжанинг бошланғич мактабида таҳсил олдим, куздан то баҳорнинг дастлабки ойларигача, мен муттасил Наманган шаҳридаги Зайниддин Қорининг мактабида инструктор бўлдим. 1914 йил апрелидан мен Тошкентда Убайдулла Хўжа (адвокат) Асадулла Хўжа ўғли бошчилигида 8-9 ой ўқишни давом эттирдим. Пул етишмаслигидан ва ёзилувчиларнинг камлигидан (харидорларнинг камлигидан) мен 4 ойга «Садои Туркистон» ғазитида корректура ўқидим. Сўнг яна Фарғонага кетиб, Қўқондаги Қисқақўк қишлоғида, Бухородаги Шаҳрисабз шаҳрида ва Бешарикда инструктор бўлиб келдим. Туркистоннинг кўп шаҳарларида мен жуда кўп тараққийпарвар (миллийпарварлар), тафаккурли, маърифатпарвар ёшлар билан танишдим. Наманганда Зайниддин Қори, Дийда Мирза Қори, Дийдавой Қори, Ғафур Ҳожи, Абдуллажон, Муҳаммад Иброҳим, Инъомжон, Тожи Хўжа Қори, Абдулмўмин Баззоз, Ғулом Маҳдум, Тошхўжа, Лутфуллахол Олим ва бир неча бошқалар; Қўқонда: Ашураали Зоҳирий, Мирзоҳид, Мир Ҳамид, Мир Шоҳид, Юнусжон Ҳожи, Абдулваҳоб Муаллим, Обид [311] Чаток, Мулла Пўлат ва бир неча бошқа шахслар; Шаҳандда: Абдулқаҳҳор мингбоши; Бешарикда: Мулла Кимё Назар, Мулла Ҳакимжон; Самарқандда: Маҳмуд Хўжа Беҳбудий, Муаллим Ҳожи Муин, Муаллим Абдулқодир Шакурий, Абдуллоҳ Бадрий ва бирикки шоирлар; Бухорода: Пўлат Хўжа, Абдурауф Фитрат ва бошқалар; Тошкентда: Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Эшон Хўжа, Ҳасан Хўжа Қори, Мулла Абдулла, Маҳамаджон Қори, Муаллим Рустамбек, Умаркул, Шокиржон ва Собиржон Раҳимий, Иноят Қори, Низом Қори, Абдулшоҳид, Абдурашид, Охун Хўжа, Абдуллоҳ Қодирий (Жулқунбой), Башируллахон, Убайдулла адвокат, Абдураҳмон Сайёх, Юсуф Махзум, Низамалдин Қори, Маҳаммаджон, Отажон, Убайдулла Эргозиев, Муфти Зода, Ғулом Зафарий ва шу сингарилар.

Наманганда бўлган пайтимда (1913—1914) Муфти Маҳмуд Хўжа Беҳбудий ёзган «Падаркуш» деган асар асосида қўйилган театр биринчи марта Самарқанд ҳаваскор ижрочилари томонидан ўйналди, иккинчи марта Қўқонда кўрсатилди. Биз учта бўлиб: мен, Дийдавой Қори ва Дийда Мирза Қори Наманган ёшлари вакиллари сифатида иштиёқ билан Қўқонга кўришга бордик. Биринчи марта театр ўз ўзбек тилимизда қўйилди. 1914 йилда муаллиф «ўзбек»да эмас, «Туркий»да ёзган эди. Кейинроқ биз бу пиесани ўзимизда, Наманганда қўйдик. Мен Нор ролини ўйнаб иштирок этдим. Мен Насрулла ибн Қудратулла ёзган «Суннат тўйи» номли пиесасида ҳам қатнашдим. Пиеса 1914 йил Самарқандда ёзилган. Пиеса Тошкент ва Наманган шаҳарларида қўйилди.

ТОШКЕНТГА ҚАЙТАЁТИБ 1916 ЙИЛДА МЕН ЎЗИМ БИЛАН тўрт-беш болани мачитга, ўз шаҳримга олиб келдим ва ўқита бошладим. [Воқеаларнинг бундай узилиб қолиши ва мавзунинг кескин ўзгариши шуни кўрсатадики, муҳаррирлар ўртадаги маълумотни олиб ташлаган ёки муаллифдан 1916 йилдаги ҳодисаларда баъзи жадидларни ва уларнинг ролини қоралаш учун талқин қилиниши мумкин бўлган, туркистонликларнинг меҳнат армиялари, уларнинг ўзгача таркиби ҳақидаги маълумотларни қўшиб қўйишни талаб қилишган.]

Бу пайтда бир томондан Русия, Франция ва Инглизистон, иккинчи томонда эса, Германия, Австрия ва Туркия эди. Улар ўртасида катта уруш бўлаётганди. Николай ҳукумати, унинг аскарлари ниҳоятда ҳолдан тойгач, сўнгги чорага мажбур бўлди; бизга меҳнаткашлардан баталон тузишни буюрди, у душман орқасига қўйилиб, уни қуршаб олиш учун керак эди, яъни одам кучи(сони) керак эди. Бунинг учун улар Тошкентнинг элликбошисини ва бошқа муҳим шахсларни Олмазорга 1916 йил 11-чи июлида икки марта чақирдилар. Бу ерга жуда кўп аёллар, болалар ва бошқалар ҳам келдилар. [312]. Улар шундай деб хитоб қилдилар: «Жаноб, шафқат қилинг, илтимос, ўғилларимизни, ака-укаларимиз ва жиняларимизни работчиликка олиб кетманг!». Улар йиғлаб, ёлвордилар, оҳ уриб, нола қилдилар. Вазиятни юмшатиш ўрнига пристав Мачалив ва бошқа юзбошилар ва полициячилар халқни тўппонча ва милтиқлардан ўққа тутдилар. Бир қанча одам, эркак ва аёллар жароҳатланди. Бир қанча одам ҳалок бўлди. Баъзи-бировлар зиндонбанд этилди. Ёрдамсиз, нажотсиз қолган элликбошилар, ниҳоят, шу йилнинг 21 июлида Чор ҳукумати армиясига халқдан меҳнат армияси беришга рози бўлдилар. Шу ернинг рус ва мусулмон арбоблари биргалашиб ҳаммани фронтга жўнатмоқчи бўлиб халқни қаттиқ эзиб, қувғин қилдилар, заррача ҳам раҳм-шафқат қилмадилар.

УБАЙДУЛЛА ХЎЖА, МУНАВВАР ҚОРИ ВА «ҒАЙРАТ» ташкилотининг бир неча ёшлари, шунингдек, Питргирад марказидан жуда кўп маккорлик ва икки юзламачилик ишлатиб келган, ҳаммага таниш генерал Куропаткин бу ерга йиғилган одамларга зўрлаб ўз фикрини ўтказиб, одам юбориш жараёнини тезлаштиришга қарор қилдилар. Рўйхатларнинг бошида камбағалларнинг болаларини ёздилар, бойларнинг болаларини хизматдан сақлаб қолиш учун «Туркистон вилоятига фармойиш» номли сохта ҳужжат қабул қилдилар.

(Бу фармойиш 220 қисмдан иборат бўлиб, қўшимчалар билан 21 бет, 1916 йил 23 августда чиққан.) Улар қуйидагиларни меҳнат армияларидан, ҳарбий мажбуриятдан озод этдилар: бошланғич мактаб муаллимлари, имомлари, мадраса инструкторлари, юртнинг мартабали арбоблари, элликбошилар, ҳурматли бадавлат одамлар. Мен ҳам фронтга илиниб қолар эдим, лекин ўрнимга кичик укамни бериб зўрға қутулдим. Сўнг бутун Туркистон бўйлаб фронтга жўнатишни уюштириш қўмиталари тузилди. Бу қўмиталарнинг бошлиғи Тошкентда Убайдулла Хўжа ва унинг муовини Мунаввар Қори эди. Шу Убайдулла Хўжа ўзининг туркий тилдаги «Садои Туркистон» ғазитини (1914 йилда яна чиқа бошлади) қайта тиклаш учун мени Андижонга, Вадим Чайкин исмли руснинг олдига жўнатди. Бу рус муҳим ёзувчилардан бири бўлиб, Убайдулла Хўжанинг яхши танишларидан эди, Андижонда шу ғазитни рус тилида муттасил чиқариб турувчи эди. Мен унинг қандай мақсад ва дунёқарашга эгалигини билмасам ҳам, маҳаллий аҳолига эътиборини ва меҳрини пайқаганман. Энди мен [313] Андижоннинг энг илғор ёшларидан бири Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон) меҳмонхонасида тура бошладим. Чайкин Фарғона губернатори Иванидан бир неча марта ўз ғазитидан ташқари «Садои Туркистон»ни ҳам яна бир бор босиб чиқишни илтимос қилиб, босувга рухсат сўради. Жаноб олийлари рухсат этмади. Кўнгли тўлмай, Убайдулла Хўжа билан маслаҳатлашиб, туркий тилда ғазит ташкил этишга қарор қилди. У менинг номимдан «Туркистоннинг уйғониши» («Интибоҳи Туркистон») деган ғазит ташкил этди. У рус ҳукуматига 1917 йилнинг 24 январида қуйидаги илтимосномани топширди:

«Жаноб олийлари, ҳурматли ҳарбий Губернаторга Андижон шаҳри Искобилов кўчасида яшовчи Мўминжон Муҳаммаджон ўғлидан илтимоснома. Цензура билан пресса ҳақидаги 15 § га илова қилинган 114-статияга асосан Сиз, жаноб олийларига шуни маълум қиламанки, мен «Интибоҳи Туркистон» номли ғазит ташкил этишга қарор қилдим. Андижонда, сарт (туркий) тилида бўлади. Ғазит дастури қуйидагича келишилган: 1. Бош мақола; 2. Рус ва муслим нашрларининг фикри ва муносабати (ғазит ва журналлар); 3. Уруш хабарлари; 4. Мухбирларимиз ва агентствонинг (бўлим, ваколатхона) телеграммалари; 5. Фелетонлар; 6. Шеърий фелетонлар; 7. Андижон ва атрофдаги хабарлар; 8. Вилоятнинг барча чеккаларидан хабар-хатлар; 9. Маҳаллий аҳолининг кундалик ҳаётидан лавҳалар; 10. Уруш ва урушда театр ҳақида; 11. Турли тиллардан таржималар; 12. Маълумот олиш ва ўрганишнинг янги усуллари ҳақида; 13. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўстириш шароитлари; 14. Ахборот учун ўрин. Ғазит нархи қуйидагича бўлади: 1 йилга 7 сўм. Ярим йилга 4 сўм. 3 ойга 2 сўм 50 тийин. Нашр этиш жойи: Андижон, Николаевский кўчаси, И. Я. Иванов босмахонаси. Шундан ҳам воқиф бўлингки, ўз зиммамга шу ғазит редакторлигини оларканман, [314] шу мавзулар асосида бўладиган масъулият ва жавобгарликни ўз бўйнимга оламан. Ёшим 25 ёшдан ошган, ўзимни Русия фуқароси деб биламан. Ҳукуматга қарши ҳеч қандай айб иш қилганим йўқ. Шу вазиятни ҳисобга олиб, Сиз ҳурматли жаноб олийларидан юқорида айтиб ўтилган параграфларга асосан тузиладиган ғазитга рухсат берсангиз, деб сўрайман.

Имзо: Мўминжон МУҲАММАДЖОН ўғли.

(Бу илтимосноманинг асл нусхаси рус тилида битилган. Мен учун уни ўзбек (туркий) тилига Абдулҳамид Сулаймоний марҳамат билиб ўгириб берди.)

Тошкентдан қайтаётиб, мен бир неча савдогарлар билан танишдим, улар ёш фикрлилардан бўлиб, Андижонда дўкон очишган эди. Улар: Саъдулла Хўжа, Турсун хўжа ўғли, Отахон, Муҳиддин Қори, Шамсиддин Қори (бу пайтда у киши «Ғоиб» тахаллусли миллий шоир, кейинчалик «Хуршид») ва бошқалар. Бу пайтда Отахоннинг ёш укаси, Саид Аҳмад Назириф ҳали ёш бола эди. Катта акалари унга очиб берган кичик дўконда у янги чоп этилган китобларни сотар эди. Бу китоблар халқ фикрини ўстиргучи эди. Андижондаги ёшлар қуйидагилар: Абдулҳамид Сулаймон (кейинчалик унинг тахаллуси «Чўлпон»), Зиё Маҳдум, Абдулмўмин, Абдулмуталлиб, Санжар Фозил (вояга етгандан сўнг ўзи учун Андижонда рус тилини ўрганди), Ҳасанхон Махдум ва Ҳусайнжон Махдум Ниёзий, Абдуллахон Саҳоф, Абдураҳмон Афанди) бу киши Истанбулда ўқиган, жуда яхши артист эди, лекин қайси шаҳарда эканлиги эсимда йўқ. Рус ҳукумати унинг барча китобларини тортиб олганди. Унинг ўзи ҳамиша қувғинликда юрарди, миршаблар тинчлик беришмасди (ва бир қанча шахслар) Усмонхон Эшонхўжаев доимо рус тилини ўрганишни истагувчи ўқувчи эди).

Тошкент ва андижонлик ушбу ёшлар Муфтий Маҳмуд Хўжа ёзган «Падаркуш» пиесасини саҳналаштирдилар ва шу туфайли бўлса керак, бу ернинг мусулмонлари томонидан «падаркушлар» деб атала бошладилар. [315]. Ўта фанатик одамлар ва ҳукумат шу «Падаркушлар»ни кўришга кўзи йўқ эди. Ғоиб (Хуршид) ва Абдулҳамид Сулаймон дунёқарашида келишмовчилик бор эди. Шунинг учун улар бир-бири билан маҳкам жипслашган эди. Абдулҳамид Сулаймон озгина чапроқ, Ғоиб озгина ўнгроқ эди. (Иккаласи ҳам кейинчалик элнинг ҳурматли ва суюмли шоирларига айландилар.)

«Туркистоннинг уйғониши» учун рухсат олиш умидида мен ҳукумат дастидан жуда кўп қийинчиликларга учрадим.

Халқ орасида шундай гап тарқалибди: гўёки «Падаркушлар», яъни шу ерда яшовчи Андижон ва тошкентлик ёшлар рус ҳукумати томонидан 2 ёки 3 кунга қамаб қўйилганмиш. Биз шундай қўрқинчли давлатда яшадикки, 1917 йил февралида Николайнинг зулмли режими ағдарилгач, ҳатто бу инқилоб ёрдамчилари ҳам мазлумликка учраб ағдарилдилар. Александр Керенский даври бошланди, ҳамма жойда озодлик байроқлари ҳилпирай бошлади ва ҳамма хурсанд эди, қувончга тўла эди. Кўчалар тўла намойишлар Керенский ҳукуматининг мустаҳкамланиши учун ва миллий озодликка эришиш учун ёшлар, айниқса Саъдулла Хўжа, Убайдулла хўжа ва Отахонлар кеча-кундузни билмай Чайкин билан тўхтовсиз ишладилар.

Чайкин — ғазит ношири эди. Лекин Убайдулла Хўжа Тошкент ёшлари томонидан чақиртирилиб, зудлик билан Тошкентга жўнаб кетди. У ерда дин аҳллари, фуқаролар, ёшлар, ҳунармандлар бор эди ва, ким билсин, нимагадир жамиятлар ҳам вужудга келибди. Ҳурматли, ишбилармон киши Аҳмадбек ҳожи раҳмонлигидаги жамиятлар, баъзи муллалар ва Андижон ёшлари билан Мир Камол, бир қанча муллалар ва уларнинг ёшлари яна жиҳиллаша бошлаганди. Уч ёки тўрт намойишни ўтказиб, мен Жалолободга Тожи Ризо Бадалий номли шахсга мирза бўлиб кетдим. Илгари у «озодлик» деган нарсанинг мақсади доимо яхши бўлса ҳам, кейинчалик ёшлар бой одамлар томонига оғиб кетиб, улар айтадиган ишларни айтиб, ноғорасига ўйнай бошладилар. [316].

Қаерда бўлмасин, шу мешдай қориниар, муштуми оғир бойлар, муллалар ва эшонлар устун турарди. Руслар орасида меншевиклар ва большевиклар жанжали бошлангач, бизнинг орамизда ҳам реформистлар ва консерваторлар тўқнашуви бошланди. («Янги усул эски усулга қарши»: УСУЛИ ЖАДИД ВА УСУЛИ ҚАДИМ.)

Бухорода Амир ҳукумати дарҳол ёшларни мағлуб қилди, бир қанчалари зинд

ИЗЛАНИШ МАШАҚҚАТЛАРИ

АБРОР ҲИДОЯТОВ НОМИДАГИ ёшлар театрининг сардори Баҳодир Йўлдошев бу йил театрда учта спектакл саҳналаштирди. Улардан бири «Аршин мол олон» бўлиб, бу спектакл режиссёрнинг театрга томошабин тўплаш ниятида куюнаётганини намойиш этди. Кейинги икки спектаклни эса, аслида, тўртта асар деса ҳам бўлади. Чунки уларда навбати билан икки мустақил театрнинг ижодий жамоаси иштирок этган. Гап шундаки, сўнгги бир ярим ой мобайнида Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилояти театри жамоаси Тошкентда, Аброр Ҳидоятов номидаги театрда малака оширди. Баҳодир Йўлдошев ҳар иккала театрнинг етакчи артистлари иштирокида «Дардимни кимга айтайин» ва «Маъмура кампир» спектаклларини саҳнага қўйди.

Ўзбек ёзувчиларининг сафи 600 дан зиёд, Маданият ишлари вазирлигига келаётган пьесалар сони ҳам салмоқли бўлса-да, яхши драматург ва яхши саҳна асари ҳамиша анқонинг уруғи бўлган. Бугун эса инчунин. Шунинг учун тажрибали режиссёр ўзбек театрининг синалган усули — табдил санъатидан фойдаланиб, биринчи спектаклда В. Шукшин, иккинчисида француз драматурги Ж. Сархан асарларини ўзбек саҳнасига мослаштиришга уринган.

Ж. Сарханнинг «Мамуре» асари узоқ йиллар давомида Москвадаги Кичик театр саҳнасини безаб келган спектакл. Унда Е. Гоголева қойилмақом қилиб яратган Мамуре образи ўзбек саҳнасининг забардаст санъаткорларидан бири Зайнаб Садриевага мўлжалланган эди. Афсуски, театрнинг бу беназир санъаткор билан боғлиқ нияти ушалмай қолди. Аммо мазкур спектаклни улуғ санъаткорнинг ёрқин хотирасига бағишлаб, Мамуре (ўзбек саҳнасида Маъмура) ролини унинг қизи Дилбар Исмоиловага топширилганининг ўзи ҳам ибратлидир.

Ўзбек театри талқинидаги Маъмура фақат муборак ёшдаги, юздан зиёд фарзанд, невара ва эвараларнинг волидаси эмас. Рўзғор ташвишлари ва жамиятдаги маънавий инқироз туфайли унинг фарзандларидан меҳр-муҳаббат қочган. Мана, бугун ҳам фарзандлар аянинг юбилейини дабдабали ўтказиш учун тараддуд кўрар эканлар, уни эмас, балки ўзларини кўз-кўз қилмоқчилар; юбилей баҳона ўз мавқеларини мустаҳкамлаб, ноҳия жиловини қўлга олмоқчилар.

Баҳодир Йўлдошев асар қаҳрамонини шу тарзда янги муҳитга олиб кирган ва бизнинг бугунги маънавий муаммоларимизни Маъмура ая тақдири орқали кўрсатишга интилган. Шундай қилиб у, театр бугунги давр иллатларига қарши курашиши, жамиятнинг маънавий ҳаётига таъсир ўтказиши зарур, деган ақидага содиқ қолган. Лекин бугун томошабинни шундай олижаноб ғоя билан йўғрилган спектаклга чорлаш ва уни бутун спектакл давомида тўлқинлантириб туриш осон эмас. Шунинг учун режиссёр театр санъатида мавжуд бўлган ва ҳатто мавжуд бўлмаган ташқи эффектлар — ҳайратомуз воситалардан кенг фойдаланиб, у томошабинни ҳам цирклашган спектаклга таклиф этган, ҳам шу аснода унинг юрагига давр дардини, халқ дардини тўкмоқчи бўлган.

Маъмура аянинг қўли узун ўғли Аҳмаджон ҳафтафаҳм фарзандига гўзал ва оқила Марямни олиб бермоқчи. Аммо аччиқ қисматининг Марям ҳаётида такрорланишини истамаган Маъмура ая бутун кучини бўлажак хатонинг олдини олишга қаратади. У Фазлиддиннинг Марямни жонидан ортиқ севишини кўриб, уларнинг қовушишлари учун ҳамма чорани кўради. Режиссёр спектаклнинг ўзаги бўлган ана шу ҳаётий воқеани бутун драматизми билан талқин қилиш мақсадида кулгили вазиятлардан бисёр фойдаланади. Бундай вазиятлар Маъмура аяни ўз ёшлигини эслаш ва ўйлашга, илк севгисини қозонган Оламгирни — Фазлиддиннинг бобосини эслашга мажбур этади. Ҳар бир ёш йигит ва қиз ўзига муносиб киши билангина бахтли бўлиши мумкинлигига ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб ишонган Маъмура ая Марям билан Фазлиддин ўртасидаги муҳаббат гулига сув қуйиб туради. Фазлиддин — дорбоз. Аҳмаджон унинг устидан масхарабоз деб кулади. (Спектаклда гарчанд бу мавзу ўз ривожини топган бўлса-да, Фазлиддин образи И. Кальманнинг машҳур опереттасидаги Мистер Иксни ёдга туширади). Оламгир дорбознинг ўзини ҳам, санъатини ҳам севган Маъмура ая Марям билан Фазлиддиннинг бахти учун ҳамма ишга тайёр.

«ХАМЛЕТ» СПЕКТАКЛИДА ШУНДАЙ МУҲИМ бир саҳна бор: арвоҳ билан учрашиб, содир бўлган воқеадан хабардор бўлган Ҳамлет: «Давр изидан чиқди. Уни изига солмоқ менинг зиммамга тушди», деб бонг уради. Қарийб шундай оташин монологни мазкур спектаклда Аҳмаджон ҳам айтади. Миллийликнинг йўқолиб кетгани, мустақилликка эришган жамият олдида катта вазифалар турганини сўйлайди. Режиссёр бундай одил ва тўғри сўзларни айтишни нафси наҳанг кишига бежиз топширмаган. Бугунги кунда мустақиллик неъматини шу йўлда жонфидо бўлган кишилар эмас, сармоя эгалари тотмоқдалар. Саҳнадан айтилган бу сўзлар мағзида катта киноя бор.

Маъмура ролини Сирдарё театрининг артисти Шафоат Раҳматуллаева ҳам ижро этган. Ҳар иккала артист ёш бўлишларига қарамай, 90 га тўлган кампир образини ишонарли талқин қилганлар. Аммо, назаримда, Дилбар Исмонлова ҳали ўз имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаган.

Театр бу спектакли билан ҳар бир жамият оиладан бошланади: икки оққўнгил кишининг муҳаббати асосига қурилган оиладагина мунаввар фарзандлар туғилади, шунинг учун Марям билан Фазлиддиннинг бахти ёлғиз уларнинг эмас, жамиятнинг ҳам иқбол ва истиқболидир, деган ғояни илгари сурган.

«Дардимни кимга айтайин» спектаклининг марказида ҳам жамият ва шахс, жамият ва оила муаммоси туради. Спектакл В. Шукшиннинг «Шоввозлар эрталаб уйғондилар...» деган ҳикояси асосида тайёрланган. Баҳодир Йўлдошев рус адибининг бу ҳикоясидан бугунги ўзбек жамияти учун ҳам муҳим мавзуни, мароқли тарихий шароит тасвирини топган кўринади. Спектакл қаҳрамонлари турли касб эгалари бўлиб, улар бир-бирлари билан... ҳушёрхонада танишганлар. Ижтимоий тадқиқотлар билан шуғулланувчи бир талаба уларнинг ичиш сабаблари билан қизиқиб, ари инига бехос тегиб кетади. Ундан гуруллаб учиб чиққан сабаб-арилар бечора талаба бошини гангитиб, унинг тинч ва хотиржам ҳаётини ағдар-тўнтар қилиб ташлайди.

Спектакл қаҳрамонларининг асл исмлари йўқ. Артистлар бир-бирларига ўз исмлари билан мурожаат этадилар. Чамаси, шу оддий унсурнинг ўзи ҳам тасвир этилган воқеанинг табиийлиги ва ҳаққонийлигини таъминлашга хизмат қилади. Бутун спектакл қаҳрамонларнинг қачон, қаерда ва нима сабабдан ичганларини талабага тушунтирувчи ҳикоялари тарзида кечади.

Маълум бўлишича, олтита қаҳрамоннинг бирортаси ичкиликка ружу қўйган кимсалардан эмас. Улар юраклари алам, дард билан тўла кишилар. Агар улар бирор сабаб билан ичган бўлсалар, бу ҳол дарду аламни енголмаганликлари, ҳаётнинг зилдай зарбалари олдида ожиз қолганликлари туфайли юз берган. Шунинг учун фожиа сабаби уларнинг ичкиликка бўлган «самимий» муносабатларида эмас, балки ана шу «самимийлик»ни юзага чиқарган жамиятдаги ижтимоий, иқтисодий ва маънавий иқлимдадир. Ҳушёрхонадаги тасодифий учрашув туфайли аламнок, аммо кўнгли пок кишилар бир-бирларининг юраклари қаърида ётган олтин кукунларини кўрадилар. Аммо театр томошабин эътиборини улар қалбидаги олтин тароватига эмас, балки уларни, мамлакатни ҳалокат ёқасига олиб келган ижтимоий пўртаналарга тортади. Зеро, унинг мақсади бугунги фожианинг илдизларини очишдир.

СИРДАРЁ ТЕАТРИНИНГ ПЕШҚАДАМ санъаткори Абдулҳамид Ғафуров давра бошлиғи Ҳамиднинг сўнгги монологини ижро этганида, зал титраб, томошабин кўзларида ёш қалқиди. Умуман, спектакл шу баркамол санъаткор ижросига асосланган. Аброр Ҳидоятов номидаги театр артисти Маҳмуд Дўсматов ҳам ўз ролига чинакам ҳаёт бағишлашга уринган. Аммо киноядa, ички дарду аламларнинг чақмоқсимон чақнаб ўтишига таянган бу ролнинг ижросида унга А. Ғафуровда мўл-кўл бўлган санъат — сўзнинг яшнрин маъно ва рангларини кўрсатиш санъати етишмайди.

Спектаклнинг ҳар иккала жамоа ижросидаги талқинларида яна икки санъаткор меҳнати алоҳида эътиборга сазовор. Булардан бири Сиддиқ Санаев бўлса, иккинчиси Мамажон Нурматовдир. Айниқса, Аброр Ҳидоятов номидаги театрнинг ёш артисти Сиддиқ Санаев тожик йигитининг жўшқин образини яратар экан, аксар ҳолларда ёлғиз ўзи бутун бир спектаклни ушлаб тургандек туюлади.

«Ҳеч қанақа дардимиз ҳам йўқ...» Бу киноя-монолог спектакл услубияти билан чамбарчас боғлиқ. Режиссёр асар ғоясини томошабинга етказиш ниятида сўздан қанчалик унумли фойдаланган бўлса, сукунатдан ҳам шунчалик самарали истифода этган. Қаҳрамонларда сўзлашга ортиқча мойиллик йўқ. Ҳаёт уларни шундай қилиб қўйган. Шунинг учун улар, айниқса, биринчи парданинг бошларида кўпроқ сукут сақлайдилар. Режиссёр шу сукунатни тўлдириш учун радио мурватини бураб қўяди. Радиодан эса «Тарих тилга кирди» спектаклининг монтажи бериб борилади. Спектакл шу радиомонтаж билан бошланиб, унинг хотима топиши билан тугайди. Шундай қилиб, саҳнада икки қатламли ҳаёт тасвири сўзлаш мардлик эмас. Шунинг учун ҳам Ҳамид «Фаровон ҳаётда яшаяпмизку. Ҳаётдан мамнунмиз, мамнун, мамнун!» деб ҳайқиради. Ва бу сўзлар замирида ётган маънони радиомонтаж лавҳалари кучайтириб туради.

Баҳодир Йўлдошев ҳар иккала спектаклда бугунги жамиятнинг жароҳатларини кўрсатишни мақсад қилиб олган. Ана шу мақсаднинг рўёбга чиқишида драматург Шароф Бошбеков билан артист Маҳмуд Дўсматов таржимон сифатида ёрдам берганлар. Аммо ҳар икки асарда муваффақиятли саҳналар, ажойиб топилмалар қанчалик кўп бўлмасин, биринчи навбатда уларда пишиқ драматургик пойдеворнинг йўқлиги сезилиб туради. Баҳодир Йўлдошев ўзининг ижодий тажрибасида биринчи бор ҳар иккала спектаклнинг бошланиш саҳнасини тўғри тополмаган. Агар «Дардимни кимга айтайин»нинг бошланишида ҳақиқий драматик ҳаракат ҳам, сўз ҳам етишмаса, «Маъмура кампир»да ортиқча, ҳатто театр эстетикасига зид ҳаракат ва сўзлар устиворлик қилган. Режиссёр томошабин эътиборини драматургиядаги бундай нуқсонлардан четга тортиш истагида ортиқча «нағмалар», ташқи эффектлар, воқеа мантиқи билан боғланмаган кулгили ҳолатларга зўр берган. Ва, энг ажабланарлиси, спектаклларнинг режиссураси билан машҳур Г. Брим безатган саҳна ўртасида уйғунлик йўқ. Рассом саҳнада қишлоқ манзараларини гавдалантирган. Лекин саҳнада ҳаракат этувчи кишиларни қишлоқ аҳли деб бўлмайди. Бир эмас, беш-олти қишлоқда яшовчи тенгдошлар ҳушёрхонада учрашмай туриб ҳам бир-бирларини яхши биладилар-ку! Асарни табдил этишда миллий урф-одатлар билан уйғун бўлмаган ҳолларга ҳам йўл қўйилган.

ШУБҲАСИЗ, БУНДАЙ НУҚСОНЛАР илдизи театрнинг ўз ғоявий ниятини ифодалаши мумкин бўлган замонавий асарларнинг йўқлигига бориб тақалади. Бугунги пароканда давр, маънавий қадриятлар арзонлашган замон муаммоларига жамоатчилик эътиборини тортмоқчи бўлган театр машақатли изланиш фаслини бошдан кечирмоқда. Бу йўлда адашишлар, хато ва нуқсонлар бўлиши табиий. Лекин, шу билан бирга, атоқли режиссёр ўз ижодини сариқ чақаларга майдалаб юбормаслиги зарур. Театр ҳар қандай замонларда ҳам юксак санъат қошонаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолиши лозим.

Наим КАРИМОВ

ОЛАМНИНГ ТИРИКЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ҲОФИЗИ ОЧИЛХОН ОТАХОНОВ ИЖОДХОНАСИДА

Нью-Йоркда Шермуҳаммадбекнинг ўғли Давронбекнинг хонадонида бўлсангиз ўзингизни худди уйингизда, Тошкентда ўтиргандай ҳис этасиз. Унинг «Зангори экран»идан кун ўн икки соат ўзбекча ашулалар эшитилади. Куйлар, рақслар... ҳаммаси ўзимизники, Шерали Жўраев, Муножот Йўлчиева, Малика Аҳмедова, Ғуломжон Ёқубов... Бир пайт Давронбек мумтоз ашулалардан бирини ижро этаётган хонанданинг исмини сўраб қолди.

— Шу кишининг отлари нимайкин? Билмайсизми?

Мен ашулаларини кўп севиб тинглайдиган ҳофизнинг исми аксига олиб дарров эсимга келавермади, хижолат чекдим.

— Бормикин, ҳаётмикин у кишим?

— Ҳаёт, ҳаёт, борлар, — дедим ва бирдан ёдимга тушди. — Исми-шарифлари Очилхон Отахонов.

— Бобомнинг, Нурматбек бобомнинг (Шермуҳаммадбекнинг укаси) шундай қуйиб қўйган ўзи-я, тавба. Мабодо кўриб қолсангиз бу азиз инсонни, менинг армоним учун бир қучоқлаб кўришинг, илтимос этгайман сиздан, — деди Давронбек кўзларини экрандан олмай.

У кишини қидириб юрган кунларимнинг бирида тасодифан, «Санъат» журнали муҳаррирининг муовини, дўстим Михли Сафаровнинг хонасида учратиб қолдим. Салом-аликдан сўнг шошиб, Давронбекнинг армонини айтдим у кишига. Ҳофиз қулочларини ёзиб, мени бағрига босди. Мен эса ич-ичимдан қалтирайман, лабларим пирпираб, кўз ёшларимни тўкишдан ўзимни зўрға тийиб, пичирлайман: Давронбек азизим, армонингизни бажо этдим, ғойибона шод бўлгайсиз...

Ёзувчи Ёқуббек ЯКВАЛХУЖАЕВ ҳикояси

Халқ ҳофизи Очилхон Отахоновни муштарийларга таништиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Чунки бу устоз санъаткорнинг ашулалари бир неча ўн йиллардан бери ҳар бир хонадонда жаранглаб турибди. Раҳматли отам ҳам доим ишдан ҳориб қайтганларида, кўк чойни дамлатиб қўйиб:

— Ўғлим, менга Очилхон аканинг қўшиқларидан қўйиб бер, — дер эдилар. Отам сўрида ёнбошлаб олиб, кўзлари юмуқ бир ҳолатда, мусиқага ҳамоҳанг тебранарди. Очилхон Отахоновга «Ўзбекистон халқ ҳофизи» унвони берилганлиги ҳақидаги фармон чиққан газетани уйга олиб борганимда,— «Бу одамга халқ аллақачонлар бундай унвонни бериб қўйган, ўғлим», дегандилар ўша кезлари отам билан онам худди унвон ларга ҳам берилгандай севинчларини яширолмай.

Орадан бирмунча вақт ўтди. Вақт ўзи билан бирга Очилхон ҳофизнинг мухлисларидан бири — отамни ҳам ўзи билан бирга борса-келмасга олиб кетди... Лекин мени ўшандан бери бир нарса ҳеч тинч қўймади: ҳофиз билан атиги бир бор бўлса ҳам учрашиб, суҳбатларини олсам...

Яқинда шу истагимнинг рўёбга чиқишига фурсат етди, чамамда, Янгийўл шаҳри томон йўл олдим. Минг бир ўй, минг бир истиҳола билан ҳофизнинг уйига кириб бордим. Ичкарига таклиф қилишди. Қарасам, мен ойнаи жаҳон орқали кўрган Очилхон Отахонов қулоқларига райҳоннинг бир шохчасини қистириб олиб, Фузулийнинг «Этмасмидим» ғазалини хиргойи қилиб юрибдилар.

Салом-аликдан сўнг ўзимни таништириб, ниятимни айтдим. Мухбирлар билан гаплашиб ўрганмаган эканлар, шекилли, суҳбат ҳадеганда қовушиб кетавермади. Мен ҳам «ёшлигим»га борибми, қоғоз-қаламни тайёрлаб, оғиз ларига қараб ўтираверибман. Яхшиямки, бахтимизга қўшни ҳовлидан бир сартарош чиқиб қолди. Ҳар куни ўнлаб одамлар билан муомала қиладиган бу одам совиб турган суҳбатни қиздириб юборди. Суҳбат асосида ҳофиз:

— Бир ашула айтай. Сиз тинглаб баҳосини беринг, — деб қолдилар.

Очилхон ака Машрабнинг «Қилдию кетди» ва «Ҳудна-моларни кўринг» ғазаллари асосида бир жуфт янги қўшиқ тайёрлаган эканлар. Янги қўшиқнинг биринчи тингловчиси эканимдан хурсанд бўлдим. Қўшиқдан сўнг суҳбатимиз яна уланиб кетди. Очилхон ака танбурни тиззаларида авайлаб ушлаганларича сўзлардилар:

— Санъатга анча кеч кириб келдим. Етти синфни тугатганман. Мусиқадан махсус билимим йўқ. Колхознинг кенг далаларида, отда ер ҳайдаб, овозимнинг борича ашула айтиб юрардим. Бирон-бир ашулани тўлиқ билмасам-да, ярим-ёрти билган қўшиқларимни бир-бирига улаб айтаверардим.

Мени санъат оламига етаклаган катта тоғам Қўқхон тўра билан Афандихон тўра бўлади. Улар ғижжак, танбур чалишарди. Тоғамларни тўй-маросимларга ҳурмат билан Қўқон аравада олиб кетишарди. Кўпинча улар билан бирга юрганимдан бўлса керак, кундан-кунга қўшиқчиликка, санъат аҳлига меҳрим орта борди.



Ўзбекистон халқ ҳофизи Очилхон Отахонов

1948—1951 йиллари Ашгабатда ҳарбий хизматда бўлдим. У ерда ҳам ҳаваскор ўзбек йигитлари бирлашиб концертлар қўярдик, турли кечалар ташкил қилардик. Ҳатто «Тоҳир ва Зуҳра»ни саҳналаштирганмиз. Хизматдан яна тўғри қишлоққа, Ҳамроқул Турсунқулов колхозига қайтдим. Ўттиз олти кишидан иборат ҳаваскорлар труппасини туздик. Марҳум санъаткор, таниқли артист Раззоқ Ҳамроев режиссёрлигида «Аршин мол-олон», «Олтинкўл», «Юрак сирлари», «Нурхон» ва яна бир нечта асарларни саҳналаштирдик. Труппа раҳбаримиз Маматазиз Ниёзов эдилар. Муҳаммаджон Турдиев ва Отавали Нуриддинов каби истеъдодлар билан бирга ижод қилардик. Муҳаммаджон Турдиевни устозим деб биламан, чунки у одам мени мусиқа сир-асроридан воқиф қилганлар. Ҳозирда ҳам улар билан борди-келдимиз бор. Бугунги кунда у киши нафақада, Андижонда истиқомат қилади, мусиқа асбоблари ясайди.

1959 йили Янгийўл шаҳрида, Маннон Уйғур номидаги вилоят театрида ишлай бошладим. Жўра Қўлдошев саҳналаштирган «Равшан ва Зулхумор» спектаклида Равшан образини яратдим. Мусиқани Тўхтасин Жалиловнинг ўғли Холхўжа Тўхтасинов басталаган эди. Спектаклни қабул қилиб олиш учун Муқимий театридан Тўхтасин Жалилов бошчилигида бир нечта артистлар келишганди. Бу саҳна асарининг ҳеч эсимдан чиқмайдиган бир жойи бор: Равшан саҳнага ҳақиқий от миниб чиқиб келганида, одамлар қарсак чалиб юборишар, от ҳуркиб, ҳар гал тасир-туғир бўлиб кетарди.

— Очилхон ака, мана сиз бир нечта саҳна асарларида турли образлар яратган экансиз. Кейинчалик нега шу йўлни давом эттирмадингиз?

— Ким билади, дейсиз. Биз саҳналаштирган спектакллар асосан мусиқали асарлар бўларди. Ролда ҳам ўйнардим, ашула ҳам айтардим. Менга шу ёқарди, ўшанда. Кунлардан бирида Ғанижон Тошматов, Ориф Алимахсумов, Жўрахон Султонов Янгийўлга келишган экан. Мени саҳнада кўриб, ашуламни эшитишган. Сўнгра ўтириб суҳбатлашдик. Борди-келдиларимиз, ижодий алоқаларимиз бошланди.

Радиокомитетдаги мақомчилар дастасига Юнус Ражабий таклиф қилди. Мақом сирларини, ашула айтишдан тортиб танбур чертишгача, барча-барчасини марҳум устоз Юнус Ражабийдан ўргандим. Юнус аканинг ибратли гаплари бор эди. «Ўнта ашула айтма, битта айтгину, лекин маромига етказиб айт. Ўшанинг умри узоқ бўлади», — дер эдилар.

Ўша йиллари мақомчилар дастасида, устоз санъаткорлар ва истеъдодли хонандалар билан ишлаганман. Булардан Фахриддин Содиқов, Ортиқхўжа Имомхўжаев, Карим Мўминов, Ориф Қосимов, Сирож Аминов, Комилжон Жабборовни ҳурмат билан тилга оламан.

— Ўша йиллари янги қўшиқларни қабул қилиб оладиган бадиий кенгашда талаб қандай эди? Ҳарқалай, 50—60-йилларда қўшиқчи ҳам, қўшиқлар ҳам оз бўлган-ку.

— Ҳақиқатан, қўшиқчи кам бўлган. Қўшиқлар кўп эди, аммо куй басталайдиган бастакорлар оз эди. Лекин бадиий кенгашдагилар жуда талабчан эдилар. Қўшиқнинг жиндек жойи бошқа ашулага ўхшаб қолган бўлса, албатта қайтариларди. Битта янги қўшиқ устида ойлаб ишлашга тўғри келарди.

Авваллари катта-катта маросимларга, байрам кунларида, тўйларга бориладиган бўлса, микрофонсиз, йиғилганларнинг барчасига етарли овозда айта билиш керак эди. Маълум бир юқори, чуқур авжларга чиқа билиш талаб қилинарди. Ҳозир-чи? Шундай ёшлар борки, микрофонсиз умуман айтолмайди. Энг ачинарлиси, кейинги йилларда қўшиқчиликда маросимий ашулалар жудаям кўпайиб кетди. Бугун айтилади, эрта-индин эсдан чиқиб кетаверади. Мусиқамизда эрон, озарбойжон, афғон ва ҳинд мусиқасининг унсурлари «изғий» бошлади. Буни «тараққиёт», «ривожланиш» деб атаётганлар хато қилади. Соф миллий мусиқа ва қўшиқларимизни асраб қолишимиз керак. Бунинг учун кўпроқ эътиборни классикага қаратиш керак. Фарғона йўлларида айтиладиган тановар, ялла қўшиқлари бор. Маъмуржон Узоқов ва Жўрахон Султонов шуларни айтиб машҳур бўлишган. Эслаш, ибрат олиш ва ўрганиш лозим.

Нафақада бўлганим сабабли, кўпроқ уйда ўтираман. Радио эшитаман, телевизор кўраман. Асосан ёшларни беришади. Бу яхши. Лекин ижро этилаётган қўшиқларни бир хил савияда деб бўлмайди-да. Жуда кўп мусиқалар бир-бирига ўхшаш. Айрим ашулаларнинг сўзларида маъно йўқ. Яна бир қизиқ ҳолатни кўп кузатдим: ашуласининг бошини бироз чўзиб, юқори пардада айтадилар. Бир неча соння роҳат бағишлайди... Кейин яна йўғралаб кетадилар.

— Мақомчиликда ўз йўлини топиб олган ёшлардан ва умуман миллий қўшиқчилигимизнинг истеъдодлардан кимларни тан оласиз?

— Гуруч қурмаксиз бўлмайди, деганлари тўғри. Лекин 70—80-йилларда кўпроқ қурмак етиштирдик, чамамда. Шунга қарамай, ажойиб истеъдодли ёшлар борки, уларни тилга олмай, ўтиб бўлмайди. Булардан Маҳбуба Ҳасанова, Матлуба Дадабоева, Маҳмуд Тожибоев, Машраб Эрматов, Маҳмуд Йўлдошевни умидли хонандалар деб биламан.

Бошқа вилоятларга қараганда водий тарафда мақомга қизиқиш катта. Аммо уларга яхши эътибор берилмаяпти.

— Шу ўринда бугунги тўйлар хусусида ҳам тўхталсак. Тўй ҳеч қачон санъаткорсиз ўтмайди! Очилхон ака, айтинг-чи, бугунги тўйларда нима учун кекса ёшдаги одамлар йўқ?

— Чунки ёшларимизни талтайтириб юбордик. Уларнинг айтгани-айтган, деганидеган. Классик қўшиқ айтадиган хонандани тўйларга умуман айтмай қўйишган. Фақатгина, сал ўзига тўқроқ оила бўлса, наҳорги ошга таклиф қилишади. Кечқурун базм бошлангандан тапир-тупур авжига чиқади. Келин-куёв ҳам чангга беланиб ўтираверади. Шундай бўлгач кексалар тўйга борадими?! Илгарилари бундай бўлмаган. Агар бирон киши яхши рақсга тушса, ундан «илтимос, бизнинг тўйда ўйнаб беринг» деб, зўрға ўртага олиб чиқиларди. Ҳозир бўлса, давра тўлиб кетади, оёқ қўйишга жой йўқ, қўлни кўтариб ўйнащни-ку, гапирмай қўя қолай.

Бу иллатларнинг барчасига ўзимиз айбдормиз. Миллий мусиқани, классик қўшиқларни севадиган фарзанд, ишончим комилки, кекса ёшдаги ота-онасини, ҳам ҳурмат қилади, эъзозлайди. Биз фарзандларимизни ҳалокат ёқасида кўриб индамай турганга ўхшаймиз. Улар ота-боболаримиздан қолган миллий урф-одатларни, миллий мусиқа ва ашулани ўрганишлари керак. «Олам тириклиги — сув ва қуёшдан, келажак пойдевори — кечаги кунимиздан бошланади», деганлар-ку машойихларимиз.

— Очилхон ака, бугуннинг ёшлари тўғрисида анча ибратли гаплар айтдингиз. Ўзингиз ёшлик йилларингизда илк бор мақом йўлида айтган қўшиғингизни эслай оласизми?

— Албатта. Бастакор Ғанижон Тошматовнинг Машраб ғазалига басталаган «Жонима роҳат» ашуласини, биринчи бор магнит лентасига туширганмиз. Мавриди келганда шуни ҳам айтиб ўтай, Ғанижон Тошматов куй басталаган қўшиқларнинг биринчи ижрочиси мен ва наманганлик санъаткор Йўлдош Муллабоевдир.

— Оилангиз ва шогирдларингиз ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Етти қиз ва бир ўғлим бор. Улар турли касб эгалари, ҳаётда ўз ўрнларини топишган. Фақатгина укам — Мусахон Отахонов менинг изимдан бораяпти. Классик қўшиқларни севиб куйлайди, истеъдодли хушовоз хонанда.

Шогирдларим анчагина. 1976 йили Янгийўлда Республика ҳаваскор мақомчиларининг тўгарагини ташкил қилгандим. Ҳозирда уларнинг кўпчилиги бутун Ўзбекистонга танилишган. Маҳбуба Ҳасанова, Раҳима Йўлдошева, Мунаввар Хўжаева, Олтиной Акбарова, Ҳакимжон Ёрлақабов, Эргаш Исроилов ва Мусахон Отахонов бир неча кўрикларнинг ғолиблари бўлишган. Уларни ўз фарзандларимдек кўраман ва соғинаман. Шогирдларимнинг ҳар бир ташрифидан бошим кўккка етади. Муҳаммад Ризо Огаҳий бир ғазалида ёзганидек:

Менинг мақсудим
улдурким санинг
бошингдин айлансам,
Оёқингга бўлуб садқа,
кўзу қошингдин
айлансам.

Чу сен келдинг кичик
ёшинг била ҳолимни
сўрмоқка.
Керакдур ман қари
банданг кичик ёшингдин
айлансам.

Ҳофиз танбур чертиб, ҳониш қила кетди. У бутун вужуди билан шундай берилиб куйлардики, гўё борлиқда ундан ва қўшиқдан ўзга ҳеч нарса йўқдек.

Мирзараҳим МАМАЖОНОВ

СУРАТЧИ БИСОТИДАН

СУРАТДА (чапдан ўнгга): Ўзбекистон халқ артистлари И. Алиева, Р. Иброҳимова, Т. Юсупова

АКС САДО

«КЎРСАТУВ БОШҚА КУНГА ҚОЛДИРИЛДИ»

Ҳафтаноманинг шу йил 7 август куни сонидаги танқидий мақолани ўқиб, биз хурсанд бўлдик. Чунки мақолада анчадан буён бизни ҳам ташвишга солиб келаётган камчиликлар батафсил айтилган. Ҳақиқатан ҳам, дастурда эълон қилинган кўрсатувлар ўз вақтида намойиш этилмаётгани, кинофильмлар, концертлар бошқа кунга қолдирилаётгани кўпчиликни ранжитмоқда.

Биз қишлоқда яшаймиз. Куни билан ўқиб, далада ишлаб, чарчаб уйга қайтиб, телевизор кўриб ҳордиқ чиқаргимиз келади. Лекин дам олиш ўрнига, аксарият снёсий кўрсатувлар, давра суҳбатлари ва шунга ўхшаш бошқа дастурларни кўришга мажбур бўламиз. Агар эътибор берсангиз, Ўзбекистон ойнаи жаҳонида ўсмирлар учун бирорта яхши мусиқий кўрсатув йўқ. Биз болалар ва ўсмирлар учун алоҳида мусиқий кўрсатув берилишини, ёшлар гуруҳлари ижросида қўшиқлар янграшини истардик.

Задарё тумани, Навоий колхозида яшовчи бир гуруҳ 11-синф ўқувчилари

ПОЙТАХТ ТЕАТРЛАРИДА

Маълумки, ҳозир кўпгина театр жамоалари ўзларининг навбатдаги мавсумларини бошладилар ёки бошлашга ҳозирлик кўрмоқдалар. Шу маънода бугунги кунда Муқимий номидаги республика мусиқий театрида ҳам ишлар қизғин. Ёз давомида республикамизнинг турли жойларида ўз концерт дастурлари, театрлаштирилган томошалари билан халқимиз дилини хушнуд этган театр санъаткорлари шу кунларда қизғин ижодий ишга киришиб кетдилар. Ҳозир бутун ижодий жамоанинг диққат-эътибори янги қўйилаётган «Нодирабегим» спектакли устидаги ишларга қаратилган. Улуғ шоира ва давлат арбобининг 200 йиллик тўйига бағишланган бу спектаклни саҳналаштириш учун Аброр Ҳидоятов номидаги ёшлар театрининг бош режиссёри Баҳодир Йўлдошев таклиф этилган. Саҳна безакларини маҳоратли мусаввир Георгий Брим ишламоқда. Композитор Фарҳод Олимов спектаклга куй басталаш билан шуғулланмоқда. Асосий роллар театрнинг ёш ва етакчи актёрларига топширилган. Шу билан бирга театр жамоаси бугун ўзининг навбатдаги мавсумини бошлади. Ўйлаймизки, «Юсуф ва Зулайҳо» спектакли билан очилган бу мавсум ҳам санъаткорлар учун баракали бўлади.

Худди шунингдек, Аброр Ҳидоятов номидаги ёшлар театрининг ижодий жамоаси айни кунларда халқимиз хизматида. Республикамизнинг Мустақиллик байрами арафасида Қибрай марказида ноҳия ҳокимияти томонидан уюштирилган катта тантаналарда жамоанинг бир гуруҳ актёрлари театрлаштирилган томоша намойиш этиб, йиғилганларга холис хизмат кўрсатдилар. Бу ерда 120га яқин болалар уйида тарбияланаётган болаларнинг суннат тўйлари ва учта келинкуёвнинг никоҳ тўйи ўтказилди.

Бу йил театр ўзининг 25 йиллигини нишонлаш арафасида турибди.

МУМТОЗ МАНЗУМА

Фурқат Тошкентда яшаган йиллари яратган маърифатпарварлик йўналишидаги шеърий асарларининг энг йириги бўлмиш «Бал хусусида» манзумаси ҳозирга қадар ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган эмас. Ў «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1891 йил 29 январ ҳамда 22 феврал сонларида русча сўзма-сўз таржимаси билан биргаликда эълон қилинганича қолиб кетган. Фурқатшунос олимлар ҳам ўз тадқиқотларида унга деярли эътибор бермаганлар. Ваҳоланки, бу манзумада Фурқатнинг маърифатпарварлик фаолияти учун хос кўпгина муҳим жиҳатлар мавжуд. Чунончи, асарда Фурқатнинг меъморлик, наққошлик, кошинкорлик ва бошқа амалий санъатлардан анча пухта хабардорлиги кўзга ташланади. Маърифатпарвар шоир қишлик боғ ҳақида ўқувчиларни ҳайратда қолдирадиган эҳтиросли мисралар тизади. Ажойиб рус аёлларини ҳам Шарқ классик шеириятига, ҳам замонавий шеириятга хос кўркам тимсоллар орқали гавдалантиради, ўзбек аёлларига ҳам рус аёлларига кўрсатилгандек эҳтиром кўрсатилишини, эрк, иноннихтиёр берилишини мисралар ботиний мазмунига жо қилиб юборади.

Манзумада Фурқат ижоди учун деярли ҳамиша хос бўлган яна бир муҳим жиҳат акс этганлигига эътиборни қаратиш лозим. Маълумки, шоир «Тошканд шаҳрида бўлғон нағма базми хусусида» шеърида Туркистон пойтахтидаги санъат эҳромларидан жамиятнинг юқори табақаси вакилларигина баҳраманд бўлаётганига ишора қилиб, у ерга йиғилганлар ҳақида:

Кўброғи лекин улуғлардин эди,
Номдору ҳам тузуғлардин эди

мисраларини битган бўлса, «Акт мажлиси хусусида» шеърида:

Улуғлар бор эди ҳам анда ҳар хил,
Баённа бўлмади фурсат батафсил,—

дея уларга нописанд қарашини бирмунча ошкора айтганлиги маълум.

Бу манзуманинг иккинчи қисмида ҳам муаллиф дастлабки ва кейинги балда қатнашган йирик амалдорларга эътиборни қаратар экан:

Ва лекин тўраларни кўби бошқа,
Муяссар бўлмади аммо санашқа, —

деб уларни таърифлаш ўзи учун кўнгилли иш эмаслигига ишора қилади.

«Бал хусусида» шеърининг биринчи қисми газетада босилгач, Фурқат бошига кетма-кет фалокатлар келади, унга таъқиб ва тазйиқлар ўтказилади. Шоир бадиий ижоднинг жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти ҳақидаги, ижодкорнинг ҳаёт ҳодисаларини акс эттириш усуллари ҳақидаги фикрларини, ўз эстетик қарашларини атрофлича баён қилган «Шоир аҳволи ва шеър муболағаси хусусида» программ асарини худди шу таъқиб ва тазйиқларга жавоб тариқасида яратганлигини исботловчи ҳужжатлар Ўзбекистон Давлат Марказий архиви фондларида сақланиб қолган.

Манзуманинг бошқа кўпгина муҳим жиҳатлари ҳам мавжудки, улар асарни атрофлича ўрганиш ва тадқиқ этиш заруратини келтириб чиқаради.

Шариф ЮСУПОВ

Бал хусусида

ФУРҚАТ

****

Мингу саккиз юзу тўқсон биринчи —
Эди йил, яъни ғиннвор охиричи.

Йигирма иккига деб бўлса ғиннвор,
Етушти бизлара бир тоза ахбор:

Келиб генрол губернатур саридин,
Роқима етти ҳоким навкаридин.

Олиб қўлға ўшал алтоф тарийқин
Қабул эттук қилиб ул дамда таъзим.

Ўқудук анда ул хатти иноят
Экан мазмуни таклифи зиёфат.

Ушал таъйин кунда, мухтасар сўз,
Бориб кирганда соат эрди тўққуз.

Биров ичкориға қилғоч ишорат,
Кириб кўрдумки, бир олий иморат.

Катта зол ончунон озода эрди,
Ҳама меҳмон учун омода эрди.

Қўюлғон курсилар ҳар сори саф-саф,
Ҳамма эрдн баробар гўйё каф.

Столлар ҳар тарафда рост эрди,
На бўлса бекаму беқўст эрди.

Ул уй сақфиға беш қандил осилғон,
Бариға шамъи муминлар ёқилғон.

Ёқилғон катта бир қандилға юз шам,
Ўлур мингдин зиёда айласа жам.

Шуойидин нетонг кўз ўлса хийра,
Эрур кундуз ани олдида тийра.

Бағоятда эди ул уй музайян,
Кн кўрганлар хаёл айларди гулшан.

Аннинг даврида доғи хоналар кўб,
Музайян, тархи хуш кошоналар кўб.

Ҳама ораста (базм) асбоби бирлан,
Матон нодиру ноёби бирлан.

Ажойиб булки, бир ойина хона
Берур қиш фасли гулшандин нишона.

Очилғон тоза гуллар анда бисёр,
Агар узса, тикандин етмас озор.

Ўролғон сабзаларни тори ҳар сў,
Тушуб бир кўйға шабнамдек анис у.

Чиқар бир чашма ул гулшан ичинда,
Мисоли настарин савсан ичинда.

Совуқ кунда бўлурму боғ ҳечдин?
Етар иссиғ ани остиға печдин.

Бўлуб азбаски ул кеча чароғон,
Мисоли рўзи равшан ул гулистон.

Чароғлар ҳар бирини ранги ўзга,
Кўрунуб етти алвон бирла кўзга.

Кўб уйлар бор экан марғуб, дилкаш,
Хусусан икки уй олий мунаққаш.

Тугуб наққошлар солмоқ учун занг,
Гиреҳ солмишки биллур кўзидин ранг.

Мусулмон уйлари тархида лекин,
Тамоми сақф ила девори нақшин.

Анингдин ичкари ҳам катта бир зол,
Бўлур кирган киши якбора хушҳол.

Ҳама девори кўзгудек сафолик,
Чароғ андин олур балким зиёлик.

Жамъии уй эди андоқ муаттар,
Сочилғон эрди гўё мушки анбар.

Келиб русиядин ул кеча бисёр,
Мусулмон халқидин ҳам кўб амалдор,

Келиб ҳурматлик одамлар комокон,
Бўлуб генрол губернатурға меҳмон.

Йиғилғон эрди анда сиймбарлар,
Ўюнчи қизлару оҳу назарлар.

Улуғларни қизи, бориси хушрў,
Сиҳи қад, гулжабину анбарин мў.

Генерол келини ҳам ул арода
Эди ҳусни ҳама қиздин зиёда.

Қизил гуллар аро оқ гул мисоли
Эди тобу тароватда жамоли.

Чолинди музикау соз қизлар,
Ўюнни айлади оғоз қизлар.

Хироми нағмаға эрди мувофиқ,
Нечук юрса, эрур тартибға лойиқ.

Алар бирла тутуб қўл тўралар ҳам
Кириб ўйноштилар ўртода бир дам.

Солиб аввал тарийқи ошнолик,
Қилишуб сўнгра кам-кам сирнамолик,

Кимиким бўлса анга ихтиёри,
Туруб ўйноштилар якбора бори.

Меҳмон қизлар(ни) хурсанд айламоққа
Сўраб мезбон пурханд айламоққа,

Қилиб изҳор ушал фурсатда услуб,
Ўюнға айлади таклифлар кўб.

Келиндин бошқа бир қиз ҳам юрубон —
Дер эрди: «Марҳабо!» лар хуш кўрубон.

Келин бўлмас агарчандики ғойиб,
Эди ул қиз мисоли анга нойиб.

Юруб генрол губернатур ҳам анда,
Кўруб меҳмонларини ҳар замонда.

Аларни баъзисиға сўзлаб ул дам,
Қилур эрди неча кўнгулни хуррам.

Бўлуб анда қизиқ бир базм бунёд,
Ҳама меҳмонлар ўлди хурраму шод.

Экан гар катта базм ўлса таомил:
Кетурдилар ароға бир сабад гул.

Тутуб қизларга гулни бир-бир анда,
Паришон этти гул гўё чаманда.

Қизлар гулни кими ҳар кимға берди,
Ушал одам ани дилхоҳи эрди.

Ўюн қилди иковлон ушлашиб қўл,
Ушал мажлисда айлаб давра бир йўл.

Мунга ўхшаш ҳама якбора ул дам,
Бўлушти ҳар иков даввора ул дам.

Ажаб бир базми олий бўлди бунёд —
Кн Жам базмини ҳеч ким қилмади ёд.

Бўлуб базм бешқа соат анда ул тун,
Тамом эл бўлди мустағнию мамнун.

Пас андин қилдилар бир уйға таклиф,
Қилинг деб анда дастурхонға ташриф.

Неча турлук таом эрди муҳайё,
Ҳама покиза бир-бирдин матоғо.

Солиб они биллур асбобларига,
Қадаҳни тўлдуруб қандобларига,

Стол устида чекмишлар тамомин,
Биломасмен аннинг кўбини номин.

Таом узра киришуб шавқ бирлан,
Тановул айладилар завқ бирлан.

Кишиким, қай бириға бўлса мойил,
Қилур бе «марҳабо!» андин тановул.

Кўб одамлар эрур ул ерда доим,
Бўлуб ҳар қайси бир хизматда қойим.

Бўлуб форғ, чиқиб бир уйға андин,
Кириб гулшанға, чиққандек чамандин,

Кетарға дилни барча мойил айлаб,
Генеролдин ижозат ҳосил айлаб,

Бўлуб хурсанд биз ўн олти одам,
Қилиб изҳори миннат рус эли ҳам,

Бул эрди воқеи ҳангома Фурқат,
Сурарди ихтисора хома Фурқат.

●

Иккинчи дафъа чун ўнунчи феврол,
Тўқуз соат эди аввалғи минвол.

Тағи генрол губернотурға меҳмон —
Бўлуб, бўлди кўнгуллар шоду хандон.

Ушал кеча фалакда ой юз очиб,
Шуойидин кумушлар ерға сочиб,

Чу ман ул кўчаға боргон ҳамоно
Кўруб кўнглум зиё топти саропо.

Эди генрол уйи андоқ чароғон,
Йўқолса игна, топмоқ эрди осон.

Ёқуб кўп шамъни деворларға,
Тамомн ўрнатуб сархорларға,

Эшик олдида эрди неча одам,
Кутуб олмоққа меҳмон борса ул дам.

Ушал жою ушал боғу ушал зол,
Ва лекин мажлис эрди бошқа аҳвол.

Туруб ҳурматлу меҳмонлар комокон,
Хусусан бир тарафда биз мусулмон,

Чиқиб генрол губернотур саросар,
Амонлашти ҳама бирла баробар.

Ишорат айлади: хуш келдингиз, деб,
Адаб расмини яхши билдингиз деб.

Ва лекин тўраларни кўби бошқа,
Муяссар бўлмади аммо санашқа.

Тағи авалғилардек хўб қизлар,
Ҳама хушсурату марғуб қизлар,

Ўшал қизлардин ўзга анда боҳам
Кўб эрди тўраларни хотуни ҳам.

Алар эгнидаги кийгон либоси
Эди қиймат, олийқадр баҳоси.

Хиромон эрдилар монанди товус,
Бўлуб доманлари анда заминбўс

Десам гар, жойи бор, ул ерни гулшан,
Тутубдур гулжабинлар чунки маскан.

Либоси гул киби хушранг эрди,
Мисоли ғунча оғзи танг эрди.

Лабиға қилса даъви Чин хиноси,
Бўлур бул журм бирла зерупоси.

Эди қоматлари сарви хиромон,
Юз узра сочи сунбулдек паришон.

Уёлиб ҳинд тўтиси сўзидин,
Хито оҳуси шарманда кўзидин.

Аларни ўртасида икки мезбон,
Қилиб меҳмонлариға лутф чандон,

Бири генрол келини, ёна бир қиз,
Ҳама меҳмонға сўзлаб шаккоромиз,

Ушал гулшанда онинг иккалоси
Бинафша баргидек эрди либоси.

Тавозелар билан ўхшаб париға,
Қилиб таклиф аларни ичкариға.

Аларни ман агар тавсиф қилсам,
Тамом ўлмас неча таъриф қилсам,

Қизу хотун туруб, ўйнаб тамоми,
Мувофиқ нағмаға бўлди хироми.

Ўюн лекин бу дафъа эрди дигар,
Тамомиси бўлуб ғайри мукаррар.

Тамошо айлади борган халойиқ,
Туруб ҳар кимса ўз табъиға лойиқ.

Тамошоға бирав бир ерда турди,
Тафарружға бирав ҳар сори юрди,

Бирав қилди тамошо ўлтурубон,
Бирав қилди назора тик турубон.

Бирав гулхонани айлаб тамошо,
Бирав чой ичгали қилди тақозо.

Бирав бир дўсти бирла ушлашуб қўл,
Юрушти ушлашуб ҳар сориға йўл.

Бўлуб ул базм аро кўб шоду хуррам,
Ҳамадин кеттн анда ғуссау ғам.

Тугонив соат иккида авал бал,
Кириштилар таом устиға филҳол.

Ушал гулшанки эрди фарҳатафзой,
Мусулмонларға анда хос эди жой.

Бўлуб форғ ошардин жамъи одам,
Кетарға айладилар жазм ул дам.

Қилибон хайрбод ул катта мезбон,
Этуб кўб лутфлар ёндурди меҳмон.

Келиб мен ҳам ўзумни масканимға,
Ҳазин булбулдек эски гулшанимға,

Қилиб ёд ул чаманни, чекибон ранж,
Бўлуб булбул киби охир навосанж,

Бу назми айладим алқисса иншо,
Туганди мухтасарлик бирла аммо.

Ўзбек адабиёти намуналари

Чароки анда бал ўлганда аввал,
Баён этган эдим васфин муфассал.

Агарчи бунда баъзи сўзни такрор —
Қилибдурман, ани бир боиси бор.

Анингчун бу тариқа назм эттим.
Ангинчун бу тариқа назм эттим.

Эди генрол келини анда мезбон,
Кўруб қилди манга алтоф чандон.

Қилиб шафқат неча сўзлар деди ул,
Тамоми марҳаматлиқ сўз эди ул.

Мане бечора анда кўб бўлуб шод,
Бузулғон эрди кўнглум, бўлди обод.

Ҳамиша жон била миннат тутармен,
Ушандоқ марҳаматни ёд этармен.

Хусусан бу мусулмонлар учундур,
Расо табъу сухандонлар учундур.

Манга лозим аён этсам аларга,
Ёзиб, яъни баён этсам аларга,

Алар ҳам эшитиб, тоинки билса,
Бўлубон шод кўнгли, завқ қилса.

Чунончи, биз мусулмон халқи — кўб эл,
Туруб русиялар ичра неча йил,

Бўлуб генрол уйида ҳар қачон бал,
Боруб кўргонимиз йўқ қайси минвол.

Вале Тошканд атрофида тургон
Мусулмон одамилардек фаровон,

Келуб русия ичра турмагонлар,
Тамошо бу тариқа кўрмагонлар,

Газитда ҳам ўқуб-эшитмагонлар,
Олурға ёки хоҳиш этмагонлар.

Тамошо маъниси шулдурки, гоҳо,
Боруб бир катта зол ичра ҳамоно,

Қилурлар неча соат базм ул тун,
Йигит қиз бирла, эркак бирла хотун.

Бири бирла бириси сўзлашурлар,
Тарийқи ошнолиқ кўзлашурлар.

Қилурлар бир-бириға хулқи хуш кўб,
Бири марғуб агар бўлса, бири хўб.

Кўб одамни кўруб, ибрат олурлар,
Алар хулқи нечукдур, кўз солурлар,

Бўлуб кўб тажриба ҳосил аларға,
Тавозелар бўлуб комил аларға.

Қоилу муҳаррир Зокиржон ФУРҚАТ

Нашрга тайёрловчи: Ш. ЮСУПОВ

ЛУҒАТ

Ғиннвор — январ; **роқима** — ёзилган хат; **алтоф** — лутфлар; **каф** — кафт; **сақф** — шифт; **шуо** — шуъла; **занг** — қўнғироқ; **даввора** — айланувчи; **Жам базми** — афсонавий Жамшид базми; **мустағни бўлмоқ** — қонмоқ; **матоғо** — буюмлар; **хома** — қалам; **сархор** — шамдон маъносида; **доман** — этак; **заминбўс** — ер ўпувчи; ерга судралувчи; **тафарруж** — томоша қилиш, кўнгил очиш; **фарҳатафзой** — қувонч бағишловчи; **ёндурмоқ** — жўнатмоқ, қайтармоқ; **қоил** —сўзловчи; **муҳаррир** — ёзувчи, муаллиф маъносида.

Самимий суҳбат. С. МАҲКАМОВ олган сурат.

БИЗ КИМГА ИШОНАМИЗ?

БОЛАЛАР ПРОЗАСИДА ЯНГИЧА ТАЛҚИНЛАР

ТАРИХНИНГ ҚОРОНҒИ БУРЧАКЛАРИ ёритилган сари ундаги айрим саҳифалар бировнинг иродасига бўйсунган ҳолда бузиб, нотўғри, чалкаш кўрсатиб келингани» («Шарқ юлдузи», 1991 йил, 6-сон) — бутун бир авлод шу руҳда тарбиялангани ошкор бўлмоқда. Бу ошкоралик катталар адабиётида бўлганидек, болалар адабиётида ҳам рўй бераётир. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тарихимизга бўлган алғовдалғовли қарашларни идрок этиш болалар учун ниҳоятда оғир. Шоир Абдусаид Кўчимов ўз шеърида таъкидлаганидек:

Кимдир айтар шўролар
айбдорлар барига.
Бошқаси дер:
Йўқ, улар
Бахт берди ёш қарига...
Ғавғоларни эшитиб,
Ташвиш ичра ёнаман.
Эҳ, катталар, айтингиз
Мен кимга ишонаман?!

Дарҳақиқат, катталар тарихни, тарихий шахсларни, тарихга муносабатларини жиддий таҳлил қилаётган бу мураккаб жараёнда, катталарнинг руҳий, маънавий дунёлари ошкора намоён бўлаётган зиддиятли палладa болалар ўзларини қандай тутишсин?

Шу пайтгача болалар учун яратилган аксарият тарихий мавзудаги асарларда октябр революциясидан кейинги ҳаётимизга нисбатан муҳаббат ғояси улуғланди. Бу асарларнинг жиддий камчиликларидан бири — ана шу ғояни ёритиш учун муаллифларимиз қандай тарихий мавзуга қўл уришмасин унга бир хил тенденция асосида ёндошишларидадир. Шу вақт мобайнида тарих (революцияан илгаригиси) даҳшатларга тўлиқ, бойлар эса ақлсиз, ёвуз, босмачилар ниҳоятда ваҳший этиб тасвирланди. Революциядан кейинги давр эса бахтли болалик сифатида талқин қилинди.

Бу қадар бир ёқлама тенденция болаларнинг ўтмишни тушунишларига салбий таъсир кўрсатди. Натижада кимга ишонишни билмай, мустақил фикрлаб, оқ-қорани ажратолмай қолишларига сабаб бўлади.

Кейинги йилларда яратилаётган тарихий мавзудаги асарларда ана шу схематик ёндашув бир қадар камайди. Уларда кўпроқ мантиқий фикрлашга интилиш кўзга ташланмоқда. Ёш ёзувчи Оллоёр Бегалиевнинг «Мустабиднинг ҳайкали» эртагида ватанпарварлик ғояси янгича талқин қилинган. Эртакда армонли ва фожиали руҳ ҳукмрон. Муаллиф ана шу руҳни болалар тушунчасига мос оҳангда ифодалай олган.

Эртак бир Ҳайкалнинг фожиали тақдири ҳақида. Ҳайкал учун қандай фожиа бўлиши мумкин? Ахир у бор-йўғи тош-ку! Муаллифнинг маҳорати шундаки, у ташхис ва интоқ санъатидан фойдаланиб, Ҳайкални нафақат сўзлатади ва ҳаракат қилдиради, балки айрим инсонларда бўлмаган соф виждон, тоза, вафодор юрак эгаси этиб кўрсатади.

Эртакда бир мустабид, босқинчи шоҳ қўшни мамлакатни «қирқ кечаю қирқ кундуз жанг қилиб», босиб олибди. Ўша мамлакатнинг мард йигитлари босқинчи шоҳга бўйин эгишни истамай, тоққа чиқиб кетиб, бақаҳбат харсангтош пойига қароргоҳ қуришибди. Улар Ҳожихон исмли мард йигит бошчилигида шу ердан туриб, эрксиз, бечора халқига қўлидан келганича ёрдам бериб, юртини босқинчилардан қутқариш учун жанг қилишади. Афсус, улар орасида сотқин бор экан. У хон лашкарларини бу ерга бошлаб келади. Йигитлар «сўнгги томчи қонлари қолгунча жанг қилишади». Ҳожихон қаттиқ яраланиб, бақаҳбат харсангтошга суянганича жон беради. Харсангтошда эса худди тирик инсондагидек юрак бор экан. У Ҳожихонга ўз фарзандидай меҳр қўйган экан.

Ўқувчи бу воқеаларни Ҳайкалнинг нутқи орқали билиб олади. Чунки ўша бақаҳбат харсангтошдан кейинчалик Ҳайкал йўнилади. Фожиа шундаки, ундан ўз фарзандидай бўлиб қолган Ҳожихоннинг қотили, мустабид шоҳнинг ҳайкалини ясашади. Энди унинг Ҳожихон учун жони ачиса-да, ташқи кўринишида унинг ашаддий душмани ва қотили бўлган босқинчининг виқорли кўринишини акс эттириб туришга мажбур. Муаллиф шу тариқа Ҳайкал образида эрксизлик фожиасини кўрсатади. У ўқувчи тушунмай қолиши мумкин, деган мулоҳазага бориб ўтирмасдан, асарига ҳаётнинг аччиқ сабоқларини дадил олиб киради. Ҳайкал билан қизчанинг суҳбати эпизодида муаллиф тарих чаппасига айланиб кетганлигини, халқи учун қон тўккан инсонни ўз халқи босқинчи деб эслашини, мустабидни эса олқишлашаётганини кўрсатади.

Буларни кўриб, эшитиб тош Ҳайкалнинг «кўкси дарз кетади». Ҳайкал Ҳожихон ҳақидаги бор ҳақиқатни қизалоққа айтиб беради. У сотқинга ўхшаб яшашни ортиқ истамайди. Охирги йўлни танлайди: тоққа бориб, ўзини парча-парча қилиб синдириб ташлайди. Ҳайкалнинг ўлимида чуқур фидойилик бор, У ҳеч кимга ҳеч нарсани исботлашга ҳаракат қилмайди, балки ўз виждони, ор-номуси олдида покланиш учун ҳалок бўлади.

ЭРТАКДА УЧТА РАМЗИЙ образ бор: Ҳайкал, қизча, бешикдаги чақалоқ. Ҳар уччаласи ҳам эрксизликка қарши бош кўтаролмайдилар. Аммо эрксизлик фожиасини чуқур тушунган Ҳайкал қизча ва унинг укаси шундай қолишларини истамайди ва қизчага ҳақиқат йўлини кўрсатади. Ҳақиқатнинг бош йўли — ўтмишни тўғри баҳолаш, бор нарсани рўйрост кўрсатишдан иборат. Шунда халқ аввало «юртини босқинчилардан қутқариш учун жанг» қилганлар босқинчи эмас, аксинча, ватанпарвар бўлганлигини тушунадилар.

Оллоёрнинг «Чинор ва майсалар ҳақида эртаги»дан тўғридан-тўғри бирор тарихий воқеа ёки тарихий образ йўқ. Аммо унда кичик чизгилар орқали бевосита тарихга, тарихий образларга мурожаат қилинган ўринларни ва муаллифнинг тарихга муносабатини кузатиш мумкин.

Эртак композицияси «минг йил умр кўрган Чинор» дарахти билан «баҳор ва куз оралиғида бир неча ой умр кечирадиган» майсаларнинг ўзаро суҳбати асосига қурилган. Суҳбат давомида ҳар икки образнинг табиати очила боради.

Чинор — донишманд чолнинг рамзий образи. Муаллиф унинг руҳиятида, табиатида, фикрлаш тарзида, тарихий воқеаларни эслашида миллий ўзига хосликни намоён этишга ҳаракат қилган. Шу боис у эртакда ўз халқининг фарзандидай таассурот қолдиради.

Айниқса, унинг ўтмишда кечган изтиробли дамларини, қалбини ларзага солган лаҳзаларини ёдга олганида бу янада яққол кўзга ташланади: «Танамда саккизта найза бор. Чингизхон ҳужум қилганда қолган», «Менинг соямда Амир Темур чодирини тиккан», «Бобур деган ўн беш-ўн олти ёшлардаги шаҳзода тарки ватан қилиб кетаётганида кўзлардан ҳоли вақт топиб, менинг танамга бош уриб йиғлаган». Бу каби афсус ва надоматли гаплар фикримизнинг далили бўла олади. Чинорнинг гаплари орқали китобхон кўз ўнгида минг йиллик тарих бир-бир ўтади. Шуниси муҳимки, эртакда биз ўрганиб қолган кўтаринки пафос кўринмаса-да, ҳаётнинг абадийлиги, унинг тантанасига ишонч руҳи аниқ сезилади.

Садриддин Салимовнинг «Бухоронинг эгаси» ҳикояси ҳам тарих ва замон муаммосига бағишланган. Ҳикоя бошидаёқ ўқувчи муаллифнинг афсус-надомат тўла овозини эшитади. Унда «бир неча юз йил илгари» содир бўлган воқеалар моҳиятини бадиий очишга интилиш аниқ сезилади. Қилинган ҳар қандай гуноҳ ортидан, шубҳасиз, бало-офатларни олиб келади. Маънавий инқироз ботқоғига ботганлар устига бостириб келган душман ҳеч бир қаршилик ва қийинчиликсиз шаҳарни босиб олади. Адабиётда шу пайтгача яратилган анъанавий босқинчиларнинг салбий типларидан фарқли, бу ҳикоядаги Ҳалокухон маънавий жиҳатдан бир қадар юксак шахс сифатида кўрсатилади. У халқнинг мол-мулкини талаб, ўзини қул қилиб олиши мумкин бўлган ҳолда, мутлақо бошқача йўл тутади. Муаллиф ҳикояда эртаклардаги анъанавий синов усулини қўллайди. Синовдан мақсад хоннинг эл орасида битта бўлса ҳам теварак-атрофда содир бўлаётган ана шу тубанликларни тушунаётган имони бутун одам борлигини билиш. Агар бор бўлса, «шаҳар аҳолиси омон қолади», аксинча бўлса, «моли талон қилинади, шаҳарнинг кули кўкка совурилади». Чунки ўтмишини унутиб, юз тубан кетган элнинг келажаги бўлмайди. Ҳикояда ана шу ғоя борган сари чуқурлашиб боради.

Синовда «беш яшар Ҳасан бин Мансур» деган бола ютиб чиқади. Бундай масъулиятли вазифани кичик болага юклатишдан мақсад тубанликка юз тутган элни фақат покизалик, масъумликгина қутқаришини таъкидлашдир. Ҳасан бин Мансур Имом Қозихон тарихий шахс бўлиб, у Бухоронн қутқариб қолишда бевосита иштирок этган.

Ҳикояни ўқиб чиққан ўқувчи, шубҳасиз, таъсирланади. У ёшлар қалбида ахлоқий муаммолар хусусида кўплаб саволлар уйғотиши табиий. Шунингдек, ҳикоя ўқувчини миллат ва тарих, маданият ва тарих, маънавият ва тарих ҳақида жиддий фикр юритишга ундайди. Зеро, бу муаммолар бир-бири билан узвий боғланган, уларнинг бири унутилганда ҳам халқ ҳаётида ахлоқий кемтиклик вужудга келади.

КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА БОЛАЛАР УЧУН ёзилаётган асарлар орасида турмушдаги кўплаб муаммолар: бола ва муҳит, бола ва меҳнат, бола ва табиат, бола ва унинг яшаш тарзи янгича бадиий талқин этилаяптики, бу ижобий ҳодисадир. Чунончи, Нормурод Норқобиловнинг «Китоб» ҳикояси шу жиҳат эътиборга молик.

Ҳикояда тамаки етиштирувчи хўжаликдаги оддий бир оиланинг кундалик ҳаёти тасвирланган. Муҳими шундаки, муаллиф қайсики жамиятда меҳнат инсонга роҳат эмас, балки жазо сифатида бўйинга сиртмоқ бўлиб тушган экан, у ерда маънавий тараққиёт, шахснинг ҳар томонлама камолатга етишига интилиш ҳақидаги гаплар саробга айланиши тайинлигини таъкидлайди.

Ҳикояда воқеалар бир бошдан, текис баён қилинмайди. Унда воқеаларнинг содир бўлиш муддати ниҳоятда қисқа — тонгдан тушгача. Бироқ муаллиф қаҳрамонлар характерини батафсилроқ очиш мақсадида бўлиб ўтган воқеаларга кетма-кет мурожаат этади ва бу усул ҳикояда иштирок этаётган персонажлар ҳақида бир қадар тўлиқ маълумот олишга имкон яратган. Асар «Болани одатдагидек тонг саҳарлаб уйғотдилар», деган хабардан бошланади. Шу хабарнинг ўзиёқ боланинг болалик ҳаётидан анча эрта узиб олинганидан далолатдир. У ниҳоятда меҳнаткаш бола. Ишни у шунинг учун ҳам ёмон кўрадики, худди шу иш туфайли у севимли машғулоти — китоб ўқишдан маҳрум бўлади. Китоб ўқиса жазоланади. Шунинг учун ҳам «тогдек уюб ташланган тамаки баргларига кўзи тушиши ҳамон боланинг афти бужмайиб» кетади.

Бола тонгда «кечқурун тандирга улоқтирилган китоб»ни отасидан яширинча қўлга олади. Уни доимо зимдан кузатиб юрувчи акаси шу воқеани «отамга айтаман», деб укасини довдиратиб қўяди. Инсонни эзувчи меҳнатга бутун вужуди билан кўниккан Ака учун вақт — бу пул. У укасининг вақтни бекорга кетказиб, китоб ўқиётганига тушунмайди. Гўё укаси ёмон йўлга кириб кетаяпти-ю, у ака сифатида доимо огоҳ бўлиб туриши керакдай, уни зимдан кузатади, отасини огоҳлантириб ҳам қўяди. «Тушда бунингиз ётиб олиб китоб ўқийди», дейди.

Муаллиф қишлоқ ҳаётида маънавий қаҳатчилик муҳитини туғдираётган сабабларни кўрсатишга интилган: ўзини ҳам, болаларини ҳам аямайдиган ота оиладаги темир интизомни қаттиқ тутиб туради. Шуниси қизиқки, муаллиф отани шундай қаттиқ одам сифатида тасвирлашига қарамай, уни салбий қиёфада бермасликка ҳаракат қилган. Чунки, ташқаридан қараганда бу оиладаги ишлар ўта золимлик билан бажарилаётгандай. Лекин бу «золимлик»ни оғир турмуш юзага келтирганини муаллиф ишонарли кўрсата олган.

БИЗ ЮҚОРИДА ТАҲЛИЛ ЭТИШГА УРИНГАН ҳикоя ва эртакларга хос умумий хусусият шундаки, муаллифлар тарих ва шахс (бола) ҳамда муҳит ўртасидаги муносабатларни бир қадар ҳаққоний кўрсатишган. Энг муҳими, улар болалар учун илгари яратилган асарлардагидай фақат ғоявийликни бош принцип қаҳрамон (бола) ҳис-туйғуқилиб олмай, бадиийликка, ларини, табиатини, тафаккурини, дардларини таҳлил этишга алоҳида аҳамият берганлар.

Болалар прозаси учун танланган мавзулар ёш авлоди маънавий дунёси ниҳоятда мураккаб шароитда шаклланаётганлигини тўлиқ тасдиқлайди. Бироқ ана шу зандларимизнинг мукаммал шахс бўлиб шаклланишла мураккаб шароитда фаррида тарбиявий таъсирини ўтказувчи, тарихий ўтмиш ва бугунги кунларни янгича бадиий талқин этувчи етук асарларнинг ниҳоятда кам яратилаётганлиги сезилиб турибди.

Замира ИБРОҲИМОВА,
Ўзбекистон ФА Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг илмий ходими, филология фанлари номзоди.

Мақсуд БЕКЖОН

МЕН ФАСЛГА АЛДАНМАЙМАН

Мен фаслга алданмайман, дўстгинам, етар,
Айт, биз учун нима ўзи, фасл дегани?
Фасл деган қушча бир зум келар-да, кетар —
Биз қоламиз мангуликнинг ғамин егани.

Фасл кўзни алдагувчи сароб ё рўё,
Умидларни кўкартирар, сўнг айлар хазон.
У қалблардан минг хил шакл ясайди гўё,
Қалб-қалб эмас, бир парча лой — зарра, чанг, тўзон.

Фаслларнинг этагидан тутиб чарчайсан,
Тентирайсан лўли бола каби саргардон.
Ҳозир кўклам сувларига юзинг гар чайсанг,
Лаҳза ўтмай, куз дамидан жунжикади жон.

Биз севамиз ёримизнинг саратонини,
Қонимизни жўштиради унинг кўклами.
Бироқ кўрмоқ истамаймиз сўлғин онини,
Сипқорганда ёз ойининг сўнгги ҳўпламин.

Зотан, барча фаслларнинг охири тупроқ,
Зотан, гулгун ғунчаларни аёзлар ютар.
Инсон эмас, унда зоҳир фасллар кўпроқ
Бизни тортар, мафтун этар ёки чўчитар.
Инсон юзи — фаслларнинг ойдин кўзгуси,
Акс этади унда бир-бир тўртта фасл ҳам.
Ўз умридан, ҳеч шубҳасиз, инсон кўзгуси
Агар умрин фаслгамас, ўзга қилса жам.

Мен фаслга алданмайман, дўстгинам, етар...

●

Тасаввуринг бунча қизиққон,
Ақлинг бунча шошма-шошардир,
Қимсалар кўп сенга қизиққан,
Кўнглинг сенинг тўқсон яшардир.

Сахий кўкнинг сенга аталган
Бордир, ахир, бир сиқим ризқи.
Бироқ сенинг вужудинг толган,
Қуриб қолган сендаги искин[1]

Ортдан сени чорлар Истиқбол,
Келажакда кутар ўтмишинг.
Сенга тақдир кўҳна бир иқбол,
Иқбол билан зарра йўқ ишинг.

Умр гўё ўтилган мактаб,
Ёзмиш эса, хатдир ёзилган.
Шеър тўқийсан, йўқ нарса ҳақда,
Ҳандақ ҳақда — кўкда қазилган...

ХАСТА ОЧУН

Недир содир бўлди, дарвоқе...
Ёддан чиқай деган бу воқе
Қайда юз берганди ва қандай,
Мен эслай олмадим... айтгандай...
Дарвоқе, бу сиз-ку, суҳбатдош —
Айтинг, не оғриққа бериб дош
Турибсиз, кўзингиз чақчайиб?
Дарвоқе, бу — турмуш... Ҳақ чайиб
Берган бу бир ҳовуч ой, йиллар
Бад бир товуш ила чийиллар.
Дарвоқе,
Дарвоқе,
Бир жуфт кўз
Ва томир қирқувчи бир жуфт сўз...
Изн сўраб турувчи изм
Ва йирик кўз ёшлар — бир тизим...
Эсладим, эсладим —
Яшаяпман мен...

●

Ҳақиқат шунчалар оддий-ки,
Агар бор ҳақиқатни айтгудай бўлсанг,
Сенга ишонмайди ҳеч ким.

Ҳақиқат шунчалар оддий-ки,
Шунчалар жўн-ки, бу ҳақиқат,
Бир чимдим ёлғон ҳам қўшмасанг унга
Одамлар ишонмас ҳақиқатингга.

ҚАБРИСТОНДА

Думалаб-думалаб мовий ўтлоқда
Қуёш ёрилгудай бўлиб кулади —
Атрофга кулгуси сачрайди унинг...
Бош эгиб турарканман қабр устида,
Чўнтагингдан чиқариб рўмол
Шошилмай,
Ҳафсала билан артасан
Юзингга сачраган кулгу юқларин...

Исмоил ТЎЛАКОВ

ЕТМИШ ЙИЛ КЎКСИМДА ЁТАР БИР МАЛОЛ

Амир Низомиддин Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро ўртасида ибратомуз дўстлик бўлган эди. Не сабабданким, бу дўстлик шўролар адабиётида душманлик тарзида талқин этилади. Ушбу шеър ана шу ҳақда

Мени қийноқларга солар бир савол,
тунлар кўзларимдан қувган хобимни.
Етмиш йил кўксимда ётар бир малол,
етмиш йил яширдим изтиробимни.

Айт, олчоқ сиёсат, алдамчи замон,
нега керак бўлди, демоқ тонгни тун?
Нега керак бўлди, икки қадрдон —
дўстни бир-бирига демоқ жигархун?

Нега керак бўлди, маҳзум ўтмишга
қўлингдаги тошлар тушганмас, эвоҳ.
Лаънат тошин отиб, орттирмоқ гуноҳ?
Ёшинг етибдики, мана, етмишга

Дўсту душман фарқин билмадингми ё,
Алдамоқ шартмиди алданган жонни?
Билмадингми, бир кун уйғониб дунё
қалбига кўчириб шоир, султонни
йўқсулингга очиқ айтарин Ҳақни?
Тарихга отилган ҳар битта туҳмат,
бир куни ғазабин уйғотиб Халқнинг;
билмадингми, сенга ҳам келмасин раҳмат?

Замон қутқуларга тўлган дамларда
ҳадеб сипқормасдан ғазаб жомини ,
Юрту эл тинчлиги учун курашган
шу икки дўстни тенг ёдла номини...

УЧАЛАСИ...

Барчамиздек одам учаласи ҳам,
барча аъзолари жойида.
Ўзларича
чўмилиб чиқишар кўчага
эзгуликнинг тиниқ сойида.
Бировга қотиллик қилмайди,
қўлларида йўқ пичоқ.
Умрида ҳаттоки биронтаси ҳам
чумоли тумшуғин этмаган пачоқ.
Давраларда
мулойим ўлтиришади,
оғизлардан чиқмас ҳеч бир дағал сўз.
Суҳбат онларида
зимдан
улар нигоҳига
кўз ташлайман, кўз
Қизиқ тасвирларга бўлганим-чун гувоҳ.
уялиб кетаман ўзим ўзимдан.
Шўрликларга
бор эканми табиат қасди,
бирдан
бировининг тили
(ё оллоҳ)
узая бошлайди эртакдагидай.
Бировининг
бутун аъзои қулоқ,
бировининг эса
кўзга айланади бўй-басти...
Ҳеч ким кўрмаяпти бу ҳолни наҳот,
одамларнинг
очиқми кўзи?
Қичқиргим келади шу заҳот:
«Огоҳ бўлинг,
дўстлар,
қаршингиздаги
Қулоққа айланган,
Тилга айланган,
Кўзга айланган
Вужуддан»...
Атрофга боқаман.
Сукутда давра.
Сертабассум юзлар ялтирар.
Бўлмагандай бирон кори ҳол
илондек чувалган Тил,
супра каби ёйилган Қулоқ,
гўр оғзидек очилган Кўз...
ўлтирар.
Даврадаги
Фаросатли билимдонларга
огоҳ бўлишидан қўрқиб,
фикримнинг,
ямлаб ташлайман-да
ҳайқириқ — сўзни,
мени хижолатга қўйгани учун
ўйиб олгим келар
гуноҳкор кўзни...

●

Қай томон боқмайин, бандаларини
қайтармоқ ўрнига адоватлардан,
кийгизиб жангарлик жандаларини,
ўч олмоққа чорлар адолатлардан.

Қачон тугар, билмам, бу саҳна, ахир —
чегараси борми хусуматларнинг?
Гуноҳларин ким фош этади охир
томошабин бўлган «ҳукумат»ларнинг?..

Севинчим,

тарк этиб қутлуғ даргоҳни,
Қайғу қарғаларин сийладинг нечун?
Қалбимга жо этиб ёлғиз Оллоҳни,
йўлларингга излаб чиққайман дилхун.

мен сени топарман, албатта, ҳар кун!
(Ҳақ деган қўлларинг етар-ку Ҳаққа).
Бир даста гул каби тутарман беун
юз йилки хўрликда яшаган халққа...



ХАЁЛ
С. МАҲКАМОВ олган сурат-лавҳаси.

МУХБИРНИНГ БЕШ СУҲБАТИ

ТУҚИЛМАГАН ҲИКОЯЛАР ТУРКУМИДАН

Ёзувчи Улмас Умарбеков «Элим, элатим» номли туркум ҳикоялар ёзди. Ҳикояларнинг аксарияти тўқилмаган, муаллиф, унинг дўстлари, яқинлари бошидан ўтган воқеалардан иборат.

«Мухбирнинг беш суҳбати» шу туркумга кирган ҳикоялардан.

БОЛАЛИГИМДА БУВИМ АЙТИБ БЕРГАН бир афсона ҳеч ёдимдан кўтарилмайди. Умрим ўтиб қолди, аммо ярим аср бурун шу эшитган афсонам, бувимнинг товуши ҳамон қулоғим остида...

Бир саҳоба ҳар куни мактабга бориб, ўғлига битта олма бериб келар экан. Бир куни мактабга боришнинг ҳеч иложи бўлмабди. Нима қилишини билмай, йўлда турган экан, юпун кийинган бир одам олдидан ўтиб қолибди.

Саҳоба сўрабди:

— Мабодо мактабга кетмаяпсизми?

— Тоғдингиз, тақсир, мактабга кетаяпман,— дебди йўловчи.

— Ундай бўлса бир илтимосим бор... Мактабда ўғлим ўқийди. Мана шу олмани бериб қўйсангиз...

— Уни мен қандай танийман? — сўрабди йўловчи.

— Киришингиз билан кўзингиз тушади. Энг чиройли бола менинг ўғлим.

Йўловчи индамай саҳоба узатган катта, кипқизил олмани олибди.

Саҳоба кечқурун уйига қайтса, ўғли йиғлаб ўтирган эмиш. Сабабини сўрабди.

— Нега бугун олма олиб бормадингиз мактабга?

Саҳоба уни алдашганини айтиб, ўғлини юпатибди. Эртасига ўша одамни қойибди.

— Сиз мени, ўғлимни хафа қилдингиз. Нега олмани унга бермадингиз?

— Кечирасиз, — дебди йўловчи. — Мен сизни ҳам, ўғлингизни ҳам ҳафа қилишни ўйлаганим йўқ. Сиз, менга энг чиройли болага олмани беринг, дедингиз. Кўзимга ўз ўғлимдан чиройлироқ бола кўрингани йўқ. Шунинг учун олмани унга бердим.

Саҳоба ҳеч нарса деёлмабди.

Мен ҳеч қайси халқ, ҳеч қайси миллатни камситмоқчи эмасман. Лекин менинг учун менинг халқимдан чиройли, сабр-тоқатли, бағри кенг, қўли очиқ халқ йўқ.

Бир воқеани айтиб бермоқчиман. Воқеанинг тўқима эмаслигига, ҳар бир сўзимнинг ҳақлигига гувоҳим бор. Бу гувоҳ дўстим, улкан ёзувчи Шукур Холмирзаев.

Тахминан ўттиз йилча бурун мени Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасига чақиришди.

— Ука, анча-мунча ҳикоялар ёзиб қўйдингиз,— деди уюшма раҳбарларидан бири. — Москвада чиқаришга қарор қилдик. Зудлик билан йиғиштириб олиб келинг. Яхши сўзма-сўз таржима қиладиганларга берамиз, союз ҳисобидан ҳақ тўлаймиз, кейин хат билан жўнатамиз!

Ҳикояларни тўплаб олиб бордим. Сўзма-сўз таржима ҳам қилинди. Гапнинг қисқаси, ўша йили Ёзувчилар уюшмасининг бош раҳбари атоқли ёзувчимиз Комил Яшиннинг илтимос хати билан ҳикояларим Москвага жўнатилди.

Уч-тўрт ҳафта ҳаяжонланиб юрдим. Пойтахт нашриётидагилар ҳикояларни олишлари билан ўқиб чиқадилар. Дарҳол менга шартнома лойиҳасини юборадилар. Қарабсизки, яқиндагина адабиётга кириб келган одамнинг уч юз саҳифали китоби рус тилида чиқиб турибди! Аммо уч-тўрт ҳафта эмас, йил ўтиб кетди. Жавоб келмади. Русча чиқадиган китобдан совиб кетдим, унутиб ҳам юбордим.

Орадан яна анча вақт ўтди. Эсимда йўқ, бир куни ишдан келсам, хотиним почта қоғозини кўрсатди.

Бандерол. Китоблар бўлса керак. Ёзувчилар дўконига илтимосларимизни юборган эдик. Почтахонага бордим. Бандерол анча оғир эди. Сезиб турибман, қоғозликка қоғоз-ку, лекин китоб эмас.

Эр-хотин очдик. Москвадан келган бандерол ҳикояларим эди. Ичида нашриётнинг хати билан иккита, ҳар бири беш-олти қоғоздан иборат тақриз ҳам бор. Аввал нашриётнинг хатини ўқиб чиқдим. Ҳикояларингиз, тақризларни юборяпмиз. Нашриёт бундай ҳикояларни чоп этолмайди. Хатнинг мазмуни тахминан шундай эди. Кейин тарқизларни ўқиб чиқдим. Уларда ҳикоялар ҳаёт ҳақиқатидан йироқ, бундай воқеалар бўлиши мумкин эмас, дейилган эди. Адашмасам, тақризларнинг биттаси Тошкентдан жўнатилган эди.

Эр-хотин бироз хафа бўлдик, жаҳлимиз чиқди. Лекин нашриёт билан баҳслашишни ўзимизга эп кўрмадик. Бунинг устига худди шу пайтда марказий газета ва журналларда ҳикояларимнинг баъзилари босиладиган, ҳатто босилиб ҳам турган эди.

ЁЗ КУНЛАРИНИНГ БИРИДА ЎША, Москвада ҳикояларимни китоб қилиб чиқариш ташаббускори бўлган акамиз уюшмада мени кўриб қолиб севиниб кетди.

— Ука, жуда яхши бўлди сизни кўрганим. Машинангиз бор-а? Ишхонангиздан рухсат олиб бераман. Москвадан бир редактор келган. Таржимонлик ҳам қилади. Шуни икки кун айлантириб келмайсизми? Илтимос сиздан!

Мен Шукур Холмирзаевга қарадим. Бирга эдик. Шукур ихтиёр ўзингизда, дегандек елкаларини сезилар-сезилмас кўтариб қўйди.

— Майли, — дедим мен. — Меҳмон қаерда?

— Меҳмонни ҳозир пастга туширамиз. Менинг хонамда ўтирибди.

Кўп ўтмай уйларимизга хабар қилиб, меҳмонни олдик-да, довон орқали Фарғона водийсига қараб йўлга тушдик.

Мўлжалимиз бўйича кечқурун тўққизларда Қўқондан Фарғонага ўтиш, меҳмонхонада тунаб, эртаси кун бўйи водийни айланиш ва кечки салқин билан Тошкентга қайтиш эди. Меҳмон ҳам режамизни маъқуллади. У биз тенги йигит эди. Катта-катта ёзувчиларга ўрганиб қолган бўлса керак, уюшмамиз раҳбари бизни таништирганда, анчагина совуқ кўришди. «Қуним сенларга қолдими?» дегандек тутди ўзини. Машинанинг орқасига ўтириб олиб, худди ҳар куни Фарғонага бориб келадиган одамдек кўзларини юмиб ухлаб ҳам олди. Тағин қизиқ одати бор экан, ҳеч нарса билан қизиқмайди, сўрасангизгина жавоб беради.

Бу одати Шукур билан бизни мутлақо ранжитгани йўқ. Иккаламиз маза қилиб гаплашиб кетдик.

Тошкентдан жўнаётганимизда меҳмон биздан жиндек ранжиб ҳам олди.

Танишиб бўлганимиз, қаёққа боришимизни гаплашиб олганимиздан кейин, машинага таклиф қилдим. Меҳмон ҳеч иккиланмай олдинги эшикни очиб, ўтира бошлади. Бу жойда ҳар доим, ҳозир ҳам уёқ-бу ёққа борадиган бўлсак, Шукур ўтиради. Орқа ўриндиққа ўтириб қалин сочлари тўзғишини ва ҳамманинг олдида таранши, умуман, тароқ тутишни у ёмон кўради. Сезиб қолдим, жаҳли чиқиб, қошлари бир пастда чимирилиб кетаяпти. Лекин гапиришга улгурмади.

— Илтимос, Сиз орқага ўтиринг, — дедим меҳмонга. Кейин ҳафа қилмаслик учун қўшиб қўйдим, — йўл-йўлакай биз маршрутни, йўлларни маслаҳатлашиб кетамиз.

Шукур тинчиб, ёнимга ўтирди.

Довонга кўтарилмасдан Тангатопди қишлоғига кираверишда, шундай сувнинг бўйида шинамгина чойхона бор. Шу ерга етиб борганимизда, Шукур иккаламиз беихтиёр бир-биримизга қарадик. Тушдик. Кабобпаз зира ҳиди анқиб турган қўй гўштини сихларга тортаётган экан. Чойхоначи йигит бизни салқин жойга ўтказиб битта кўк, битта памил чой келтирди. Тандирдан янги узилган иккита баркашдек-баркашдек жайдари нон қўйиб кетди.

Кабобпаз кабобларни қўра устига териб, олдимизга келди:

— Озгина аччиқ-чучук ҳам қилиб берайми?

Миннатдор бўлдик. Аччиқ-чучук бор жойда, озгина бўлса ҳам ичилади. Машинага бир-иккита шиша солиб олган эдик, биттасини келтириб, водопровод остига қўйиб қўйдим.

— Умарбеков! Бу қандай бўлар экан? — деди Шукур жиддий оҳангда. — Сиз ичмайсиз, рулдасиз. Бу одамни мен биринчи марта кўришим. Индамай у билан ичавераманми? Кейин нима бўлади?

— Фарғона тонг отгунча бўлади, — дедим мен ҳазиллашиб, кейин унга ўхшаб жиддий оҳангда қўшиб қўйдим. — Агар меҳмон ичмаса, сиз ҳам ичмайсиз-да. Шу ҳам ташвишми?

— Бу гапингиз ҳам маъқул, — деди Шукур.— Лекин фаҳмлашимча, яхшилаб таклиф қилинса, рад этмайди.

Мен кулиб юбордим. Кулгининг боисини меҳмонга тушунтирдим. Биринчи марта унинг чеҳраси ёришганини шунда кўрдик.

Аччиқ-чучук, барра кабоб, муздек арақ, иссиқ нон, булоқ суви... Бунинг устига ғир-ғир эсиб турган тоғ шамоли... Анча қолиб кетдик чойхонада. Мўлжал бузилди. Маршрутни ўзгартишга тўғри келди. Кечаси соат ўн иккиларда Катта Фарғона каналининг Куйганёрдаги бўлимига кириб бордик.

Кейин у билан бир дақиқа бўлишни фақатгина биз эмас, кўпгина қалам аҳли қувонч деб биларди.

АДҲАМ АКА ҲАЗУЛ-ҲУЗУЛ ГАПЛАР БИЛАН бизни кутиб олди. Бирпас Фарғона раҳбарлари ҳақида шўх, кулгули, аммо ҳеч кимни ҳақорат қилмайдиган латифалардан айтиб берди.

Келинойимиз ярим коса-ярим косадан серқатиқ мастава олиб келди.

Кейин иккита машинага ўтириб, баланд, кумушбарг тераклар соясидаги текис кўчалардан юриб, озода, одамнинг баҳрини очадиган шаҳарни айландик. Адҳам ака меҳмонга ўлка музейини кўрсатиб чиқди. Соат бешларда педагогика институтига бордик. Зал тўла одам. Шу сабабли ректорнинг кабинетига кирмай, учрашувни бошлаб юбордик. Охунжон ҳаммамизни, шу жумладан, меҳмонимизни ҳам таништириб чиқди. Саволжавоб, режалар ҳақида гапириб қоронғи тушганини билмай қолдик. Адҳам ака аралашмаса, учрашув тонготаргача чўзилиши мумкин эди. У киши жиддий ишларни баҳона қилиб, кечани тугатди. Ректорнинг кабинетида чой ичдик. Ҳаммамизнинг елкамизга тўн ташланди.

Ўлмас УМАРБЕКОВ

Бўлим бошлиғи Нўъмонжон деган ажойиб йигит эди. Устозим Саид Аҳмад ака таништирган эди у билан. Уни суриштирдик. Кимдир мотоциклда келиб биз билан кўришди-да, орқамдан юринглар, деди. Кўп юрганимиз йўқ. Икки кўча айланиб, Усмон Юсупов музейи ва шу ердаги кичкина меҳмонхонага кириб бордик.

Кўп ўтмай, Нўъмонжоннинг ўзи етиб келди. Қучоқлашиб кўришдик. Шукурни, меҳмонни таништирдим.

Меҳмонхонага кўтарилдик. Аччиқ чой, кетидан катта бир лаганда ош келди.

— Қани олиб турайлик, — деди Нўъмонжон ва ўзи биринчи ошга қўл узатиб бошлаб берди. — Ростини айтинглар. Уйқу босаяптими, йўқми?

— Нима эди? — сўрадим тушунмай.

— Балиқ овласак нима дейсизлар? Тунги балиқ овининг зап гашти бўлади-да!

Мен меҳмонимизга айтувдим, хурсанд бўлиб кетди.

Фонарлар, ой нурида кумушдек товланиб, ўзини ҳар ёққа ташлаётган балиқларни қўл билан тутса бўларди. Шундай қилдик. Тутганимизни челакка солиб узатамиз, зум ўтмай, қовуриб келишади... Яна тутамиз. Хуллас, оёқлар музлагунча «ов» қилдик.

— Мен биринчи марта қўл билан балиқ тутишим! — деди меҳмон. — Айтиб берсам, ўлай агар, ишонишмайди!

Нўъмонжон кулиб қўйди. Ўша куни у бизни хурсанд қиладиган яна бир иш қилиб қўйган экан. Буни эрталаб билдик. Меҳмонхонанинг катта даҳлизига дастурхон ёзиб, бизни таклиф қилишди. Боғда бурнининг учларигача шарбат босиб шафтоли, узум еб юрган меҳмонни етаклаб, кўтарилдик.

Даҳлизда Нўъмонжон билан бирга фарғоналик ҳамкасб дўстларимиз Охунжон Ҳакимов, Йўлдошали Сулаймонов туришарди. Пешинда Куйганёрдаги машҳур, Охунбобоев, Усмон Юсупов, Юсуфжон Қизиқлар табаррук қилиб кетган Қорадарё устидаги чойхонада девзира палов еб, Фарғонага жўнадик.

— Тўғри Адҳам аканикига борамиз. Сизларни кутиб ўтирибдилар, — деди Йўлдошали.

Турган-битгани афсона, латифа, ҳазилдан иборат бўлган, оғзаки том-том китоблар ёзиб ташлаган атоқли ёзувчи, уруш қаҳрамони, водийнинг эрка фарзанди Адҳам Ҳамдам билан кўришмасдан бўлмасди. Аввало у хафа бўларди. Меҳмон елкасидаги банорас тўнга ҳавас билан қараб, мендан сўради.

— Пулини кимга бериш керак?

— Шукурга, — дедим мен. — Унинг закази билан олиб келишган, ёқдими?

— Жуда ҳам, — деди меҳмон.

Фарғоналик ҳамкасбларимиз билан теракзор такъяда ўтирганимизда, Шукур ёнимга келди.

— Умарбеков, бу тўн неча сўм тураркин, билмайсизми?

— Нима эди?

— Меҳмонимиз қизиқаяпти.

— Адҳам акадан сўраб кўринг.

— Ҳафа бўладилар. Совғанинг ҳам баҳосини суриштирасанми, деб қойийдилар.

— Меҳмонга худди шундай тушунтиринг. Афтидан мен ножўя ҳазил қилдим. Энди яхшилаб ростини тушунтириш керак.

Шукур кулиб юборди.

Ярим кечада меҳмон мени уйғоқ ўтирганимни кўриб ёнимга келди.

— Бугунги учрашув планлаштирилганмиди?

— Йўқ. Экспромт.

Меҳмон индамади. У нималарнидир ўйлар, мулоҳаза қилар, аммо айтишга ийманарди.

— Ёзувчиларни яхши кўришар экан.

— Ҳа, бизда адабиётни, санъатни севишади,— дедим мен.

Эрталаб нонуштадан сўнг, уч-тўрт машина бўлиб, Шоҳимардонга кетдик.

У ердан қоронғида қайтиб Қўқонда тунадик.

Меҳмонимиз шу кунлар ичида сезиларли ўзгариб кетди. Аввало офтоб тегиб, юзлари, қўллари қорайди. Озгина тўлишди ҳам. Лекин гап бунда эмас, гап унинг бирдан афсона ичига тушиб қолганлигида ва бу ҳолатни яширимаётганида эди. Биз, Шукур иккаламиз унга маъқул келиб қолдик, нима уни қизиқтирса, ҳайратга солса, энг яқин дўстларидек бизга мурожаат қилар, билиб олар, уччаламиз қолганимизда ўзининг, онасининг ҳаётидан баъзи, ўзи учун қизиқ туйилган воқеаларни айтиб берарди. Ёлғиз ўғил экан. Шеъриятга қизиқиб, адабиётчи бўлибди. Аммо ундан шоир чиқмабди. Яшаш керак, касалманд онани боқиш керак. Нашриётга шунинг учун ишга кирибди. Ҳали ёшлигини, шоир бўлиб кетиши мумкинлигини айтиб, биз уни юпатдик.

Хуллас, икки кунга деб йўлга чиққан одамлар, тўрт кун водийда қолиб кетдик.

Тушликда яна Қўқон такъяларидан бирида ош еб йўлга тушдик. Йўлдошали бизнинг машинамизда Пунгангача борди. Ш ерда у билан хайрлашдик. Яна бир марта ҳаммага салом ва миннатдорчилик билдириб қўйишни меҳмонимиз биздан олдин илтимос қилди. Йўлга тушдик. Ниятимиз кечки салқинда Тошкентга кириб келиш, бизникида овқатланиб, тарқалиш эди.

Довонга етганимизда меҳмон елкамга қўлини қўйди.

— Бирон салқинроқ жойда тўхтасак бўладими?

— Марҳамат, — дедим мен.

— Йўлдошали, Адҳам акалар машина орқасига нималарнидир қўйишди. Афтидан ичадиган нарсалар ҳам бўлса керак?

— Бор, — деди Шукур. — Ҳали ўзимиз Тошкентдан олганларимиз ҳам турибди.

— Мен ичмоқчиман, — деди меҳмон.

Меҳмон амри вожиб. Чодакдан ўтгандан сўнг, йўлнинг чап томони салқин эди. Тузукроқ жой қидириб ўтирмасдан машинани тўхтатмоқчи бўлдим, меҳмон кўнмади.

— Кабоб еган жойдек жой бўлса яхши бўларди.

— Сиздан шоир чиқишига шубҳа йўқ, — деди Шукур. — Мен ҳам чиройлироқ жойда тўхтасак дейман. Сиз-чи, Умарбеков?

— Кемага тушганнинг жони бир.

Довондан тушаверишдаги булоқ бошида тўхтадик. Шу ерда чойхона бор эди. Лекин чойхонадан идиш-товоқдан бўлак нарса олишга тўғри келмади. Ҳамма нарсани фарғоналик дўстларимиз иккита тугун қилиб, машина орқасига жойлаб қўйишган экан. Яхна гўшт, мева, ичимликлар...

Шунга қарамай, чойхоначи амаки таомил деб, иссиқ нон, қанд-қурс келтириб қўйди.

Меҳмон сабрсизлик билан идишларга ичкилик қуйилишини кутарди. Ниҳоят ҳамма тайёргарлик кўриб бўлингач, Шукур пиёлаларга тўлатиб арақ қуйди.

— Мана, меҳмон, олинг.

— Менинг гапим бор, — деди меҳмон. — Илтимос қиламан, эшитинглар. Мен Тошкентга келиб сизлар билан учрашишимни билганим йўқ эди. Аммо учрашганимдан хурсандман. Энди хурсандман. Шукур, сизнинг олдингизда мен Ўлмасдан кечирим сўрашим керак. Унинг ҳикояларини мен қайтариб юборганман. Ичида тақризлар ҳам бор эди. Нашриётнинг хати ҳам бор эди. Ўлмас, олганмисиз?

— Ҳа, — дедим мен.

— Ўқиганмисиз ҳаммасини?

— Ўқиганман.

— Мендан ҳафа бўлсангиз арзийди. Нашриётнинг хати ҳам, уюштирилган иккала тақриз ҳам ҳикояларингизга, энг муҳими, халқингизга туҳмат. Сиз, ўзбек ёзувчилари шундай кўнгли очиқ, камтар, ёзувчига ҳурмати баланд халқингиз билан фахрлансангиз арзийди. Ўлмас, ҳикояларингиз, қаҳрамонларингизга ишончсизлик билдириб биз гуноҳ қилдик. Мен гуноҳ қилдим. Қўлёзмаларингизни олиб кетаман. Китобингизни чоп этишни талаб қиламан. Биз Тошкентдан борган бир тақризга қаттиқ ишониб юбордик. Мени кечиринг. Шу қадаҳни ўзбек халқи учун, сиз, бахтли ёзувчиларнинг қаҳрамонлари учун кўтараман!

МЎЛЖАЛИМИЗ ҚАЙТИШДА ҲАМ БУЗИЛДИ: Довонда узоқ қолиб кетиб, Тошкентга ярим кечаси кириб келдик.

Бу воқеани мен ҳикояларимни мақташ учун гапириб бераётганим йўқ. Сиз ҳам, ҳурматли ўқувчи, мен ҳам, бир нарсага севинишимиз керак.

Ажойиб халқимиз бор. Унинг ақл-идроки, қадоқ қўллари билан ҳозирги қийинчиликлардан эсон-омон чиқиб кетамиз, ҳар бир хонадонда «очил дастурхон»лар пайдо бўлади, танишми, нотанишми, ҳамма меҳмонларни иззат-икром билан кутиб оламиз. Эшик олдидаги одамга: «Ким керак эди сизга?» демай, «Қани, ичкарига киринг», деган халқ ҳеч қачон кам бўлмайди.

Халқим! Олис, машаққатли йўлинг бехатар бўлсин! Омад ва бахт ҳамиша сенга ёр бўлсин!

ТАРИХ ГУВОҲИ

Адабиётимизда 20—30-йилларда рўй берган воқеаларни ўз кўзи билан кўрган Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Сўфизода, Абдулла Авлоний сингари улуғ ижодкорлар билан ҳамсуҳбат бўлган, дийдорлашган, уларнинг дил дардларидан огоҳ бўлган, яъни тирик тарихга айланган ёзувчилар бугунги кунда бармоқ билан санарли. Шулардан бири педагог адиб, шу кунларда 85 ёшлик тўйи нишонланаётган Раҳмат Азизхўжаевдир.

У билан суҳбатлашар экансиз, босиб ўтилган тарихнинг ҳар дақиқаси худди кино картинадагидек кўз ўнгингиздан ўтади. Муштарийларимиз унинг Абдулла Қодирий ҳақидаги ҳафталигимизда эълон қилинган хотираларини қизиқиш билан кутиб олган, шунингдек, бошқа оммавий ахборот воситаларида нашр этилган воқеий ҳикояларидан ҳам яхши хабардор.

У 1907 йили боғбон оиласида таваллуд топган. Дастлаб ўша даврдаги эскича саводхонлик мактабида, сўнгра янги усулдаги таълим тарбия техникумида таълим олган. Сўнг Тошкент Давлат Маориф институтини тугатган. «Ёш куч» журналида наср бўлимини бошқарган, 1931—1936 йилларда эса Ўзбекистон Давлат нашриётида муҳаррирлик қилган. Шу даврда кўплаб адибларнинг асарлари унинг таҳририда чоп этилган ва китоб ҳолида нашр қилинган. «Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат асарларининг аксариятини ўша пайтда қўлёзма ҳолатда ўқиганман ва улар билан ҳамкорликда тузатишлар киритганмиз», — деб хотирлайди ёзувчининг ўзи.

Адибнинг кейинги ҳаёти мактаб билан боғланган. У 1940 йилдан 1967 йилгача директор, директор ўринбосари бўлиб ишлади. Халқ маорифи аълочиси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи унвонлари ва бир қанча фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.

Лекин шунга қарамай, адиб ижодий жараёндан узоқлашмади. Мактаб ҳаётидан болаларга атаб ёзилган «Илгари битта эди», «Кичик агрономлар», «Тозалик — соғлиқ гарови», «Эломон», «Кенжа ўғил», «Яшил чайла», «Баҳор саҳовати» каби китоблари нашр этилди. Уруш йилларида қишлоқ ёшларининг фронт орқасидаги фидокорона фаолияти хусусида «Соҳилдаги ошиқлар», «Орият», «Икки қирғоқ» қиссаларини яратди. Шулардан айримлари бошқа тилларга ҳам ўгирилган. Адиб кейинги йилларда драматургия соҳасида қалам тебратмоқда. Унинг «Кенжа ўғил» қиссаси асосида яратилган «Жангчининг ўғли» пьесаси Ёш томошабинлар театри саҳнасида қўйилди. «Олтин ой» музикали комедияси (Ёнғин Мирзо билан ҳамкорликда) Наманган вилояти театрида, «Куёвлар конкурси» комедияси (Ҳайдар Муҳаммад билан ҳамкорликда) Муқимий номидаги театрда намойиш қилинмоқда.

Адиб шу кунларда ҳам кексалигига қарамай драматик асарлар устида ишини давом эттирмоқда. «Шу билан бирга ўзим гувоҳи бўлган кўплаб воқеалар ва ижодкорлар учун учрашувларим тўғрисида эсдаликлар ҳам битаяпман. Ўйлайманки, ҳали тарихнинг айтилмаган ва биз гувоҳлик беришимиз мумкин бўлган қирралари кўп», дейди у.

Ҳа, бугун бизга асл ҳақиқат, истиқлол учун курашганлар тарихи ҳар қачонгидан ҳам кўра кўпроқ керак. Бу йўлда тарих гувоҳи бўлган кекса адиб — Раҳмат Азизхўжаевнинг хизматлари катта бўлади, деб ўйлаймиз. Унга бу борада ижодий муваффақиятлар, соғлиқ тилаймиз.

Қутлайлик!

ВАТАННИ КУЙЛАШ—БАХТ



Бир сатримга мен баҳорни яширдим,
Бир сатримга ёзнинг нозу-неъматин.
Бир сатримда кузни мен ҳам шоширдим,
Бир сатримда қишнинг тенгсиз қимматин,

деб ёзади шоир. Ва у шундай деб ёзганида ҳақ. Чинку асл шоирлик табиатга муҳаббатдан бошланади, дейишади. Шундан кейин у инсон ҳақида, юрт ҳақида, жамият тўғрисида ўйлай бошлайди. Улар хусусидаги ўй-хаёллари мисраларга тўкилади. Юқоридаги сатрлар муаллифи Олимжон Холдор ҳам дастлабки шеърларини гўзал табиатга бағишлагани ва 1965 йилда нашр этилган илк шеърий китобини «Арғувон тагида» деб номлагани бежиз эмас.

Табиатга меҳр қўйиб, инсонни улуғлаб, жамиятда кечган турфа воқеалар ва тақдирларни қаламга олиб, эндиликда одам учун асл Ватан киндик қони тўкилган маскандан бошланади, дея ўз юртини куйлаб келаётган шоир Олимжон Холдор ҳам мана 60 ёшни дўндирибди. Ижод оламига ошна бўлганига 30 йилдан ошибди. Тенгдошлари ва устозлари уни «Олтин водий куйчиси» деб аташади. Дарҳақиқат, бу гапда жон бор. У нима ҳақда ёзмасин, охироқибат уни ўзи таваллуд топган Фарғона водийси, унинг бешиги бўлмиш Андижон билан боғлайди. Табиат ва Ватанга муҳаббат туйғусини бирбирига сингдириб юборади. Бунинг исботи учун узоққа бориб ўтиришга ҳожат йўқ, нашр этилган китоблари — «Кафтимдаги тупроқ», «Андижон баҳори», «Андижон сулуви», «Ошиқона, «Субҳидам қўшиқлари», «Кумуш коса», «Тўёна, тўёна» достонлари — «Мен Андижонман», «Андижон самоси», «Гулрухсор», «Келажакдан бир садо», «Роз» кабиларга кўз ташлашнинг ўзи кифоя. Шунинг учун ҳам Ҳамид Ғулом у ҳақда «Сизни Андижоннинг гўзал баҳори оғушига, ёз дастурхони атрофига, куз ташвишлари силсиласига, қишнинг мармар йўлларига етаклайди. Ора-сирада қулоғингизга «Андижон бу» дея шивирлаб қўяди. Шоир юртдошларининг мақтанса арзигулик бадиий образларини яратди», дея таъкидлайди.

Олимжон Холдор шеърлари равонлиги, ўйноқилиги, самимийлиги билан дилга яқин. Шу сабабли унинг аксарият ғазаллари, шеърлари, ҳофизлар, санъаткорлар томонидан куйга солиниб, қўшиқ қилиб айтиб келинмоқда.

Айни пайтда, шоир шеърий асарларидан ташқари насрда ҳам қалам тебратмоқда. Унинг «Ер. фарзанди», «Кўнгил» қиссалари адиблик имкониятлари ҳам кенглигини кўрсатди... Шунингдек, «Қотил ким?» деб аталган драматик асарини (Бу асар жумҳурият Ички ишлар вазирлиги ва республика Ёзувчилар уюшмасининг ҳамкорликда ўтказилган саргузашт асарлар конкурсида иккинчи ўринни эгаллади), «Боқий севги» лирик драмасини ҳам яратди.

Шоирнинг Кампирровот сув омбори қурувчилари қаҳ-тидан олиб ёзган «Кумуш коса» достони республика ёзувчиларининг ишчилар синфи ҳақидаги энг яхши достонлар учун ўтказган конкурсида ғолиб деб топилди.

Унинг кўплаб асарлари турли тилларга таржима қилинган, Москва, Киев, Минск каби шаҳарларда нашр этилган.

Олимжон Холдорнинг 60 ёшлик тўйи шу кунларда Андижонда ва республикамизнинг бошқа жойларида кенг нишонланмоқда.

Биз ҳам кўп сонли муштарийларимиз номидан шоирни 60 ёшлик тўйи билан қутлаймиз ва ижодий муваффақиятлар тилаймиз. Тўй баҳонаси билан унинг шеърларидан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Олимжон ХОЛДОР

НУР ЁҒИЛҒАЙ

Меҳру шафқат — элчи эрмиш бахтдан, иқболдан,
Оқибат — тўнғич ўғил, дейди истиқлолдан.

Бир-бирини йўқламоқ бордир азалдин халқда,
Нур ёғилгай ўша уйга, сўрса ким аҳволдин.

Бир ғарибни шод этмоқ бир шаҳар қурмоққа тенг,
Доимо олгин хабар мард бўлсанг беҳолдин.

Бир увоқнинг қадрига ет, бир майизни қирққа бўл,
Тоғ бўлур билсанг агарда заррадин, мисқолдин.

Ҳа, бу кунлар ўтгуси, яхши кунлар етгуси,
Ибрат олгин сен ҳамиша бу қадим мақолдин.

Бунчалар панду насиҳат, деб, Олимжондин яна —
Кулмангиз лақиллаган, олтмишга кирган чолдин.

АЛҲАМДУЛИЛЛОҲ

Қолдим ҳажрнинг қийноғида, алҳамдулиллоҳ,
Ёндим васлнинг фироғида, алҳамдулиллоҳ.

Туну кунлар номинг зикр этиб яна —
Ўзим ишқинг ардоғида, алҳамдулиллоҳ.

Зор-интизор ўтар куним, келурми, деб,
Жафоларинг фироғида, алҳамдулиллоҳ.

Сендин хабар берур қуёш жилоланиб —
Гул баргининг яп-роғида, алҳамдулиллоҳ.

Ноламдан кўз ёши қилур юзин тирнаб,
Ой ҳам осмон равоғида, алҳамдулиллоҳ.

Умри ўтар Олимжоннинг Қулла деган —
Андижоннинг қишлоғида, алҳамдулиллоҳ.

ҚОШИМГА ТЕКУРГИМ ҚАЛАМНИ

Амирий ғазалига муҳаммас

Олам билмагай сендай санамни,
Сен эса билма қайғу, аламни,
Ҳеч қанда қилма менга карамни,
Қошингга тегузмагил қаламни,
Бу хат била бузмагил рақамни.
Эй, ўзи гўзал, муродга етгил,
Эй, сўзи ғазал, рашкни унутгил.

Севгимни азал кўнгулга битгил,
Ошиқларингга тараҳҳум этгил,
Кўп айлама жавр ила ситамни.
Йўлингда кўзим, эй, офати жон,
Тунлари келгин, майлига пинхон,
Ёнимда кўрай, фақат шу армон,
Лаълинг ғамидин кўзум тўкур қон,
Беҳуда кечирмагил бу дамни.
Булбул куйинга ҳамроҳ бўлдим,
Ошиқлигимдин гумроҳ бўлдим,
Яхши, ёмондин огоҳ бўлдим,
Йўлингда ғубори роҳ бўлдим,
Бошимга еткурмадинг қадамни.
Севгимни сендин ҳаргиз яширмам,
Ҳажрингда азал сенга асирман,
Сен осмон эсанг, мен қаро ерман,
Сен ёрдин ўзга кимга дерман,
Кўнглумдаги дард ила аламни.
Ҳижронда адо Амиридурсен,
Ва умри бақо Амиридурсен,
Олимжон фидо Амиридурсен,

Иқлими вафо Амиридурсен,
Эй шоҳ, бу гадоға қил карамни.

ЭЪЛОН

«ТЎМАРИС»

фирмаси

корхона ва ташкилотларга

Этикеткалар, ёрлиқлар, бланкалар

тайёрлаб беради.

Қоғоз фирма ҳисобидан.

Босма маҳсулотлар

жумҳуриятнинг исталган ерига жўнатилади.

Корхоналар, консерва ва ичимлик сувлари ишлаб чиқарувчи заводларни ҳамкорликка таклиф этамиз.

Фирма шунингдек, корхона ва ташкилотлар тарихи ва фаолиятига оид буклетлар, расмли китоблар, кино ва видеофильмлар ҳам тайёрлайди.

Маълумотлар учун телефон: 41-53-03

«МУЛОҚОТ» МУЛОҚОТГА ЧОРЛАЙДИ

Ўтган йилнинг январ ойидан бошлаб нашр қилина бошланган «Мулоқот» журнали қисқа вақт ичида муштарийлар ишончини қозона билди. Унинг саҳифаларидан ўрин олиб келаётган маданий ва тарихий меросимизга оид ҳамда қадриятларимиз, миллий урфу одат ва анъаналаримиз, хориждаги юртдошларимиз билан суҳбатлар, шу куннинг долзарб иқтисодий муаммоларига бағишланган мутахассис мулоҳазалари ва бошқа туркумдаги қатор мақолалар кенг жамоатчиликда катта қизиқишлар уйғотди.

1993 йилдан бошлаб Мусулмон Шарқидаги энг буюк мутасаввуф донишмандларидан бири Ҳазрати Хўжа Баҳовуддин Нақшбанднинг туғилганига 675 йил тўлади. Шу муносабат билан журналимиз саҳифаларида Баҳовуддин Нақшбанд, Шайх Юсуф Ҳамадоний, Ҳожа Аҳрор Валилар ҳаёти ва фаолияти «Туркистоннинг буюк мутасаввуфлари» рукни остида эълон қилинди. Келгуси йилда ҳам бу анъана давом эттирилади. XI—XVII асрнинг буюк мутасаввуфлари — Нажмуддин Кубро, Абдухолиқ Ғиждувоний, Ҳаким ота, Занги ота, Хўжа бобои Самосий, Саид Амир Кулол, Хўжа Аловуддин Аттор ва бошқа улуғ зотларнинг ҳаёти ва серқирра фаолиятлари билан чуқурроқ танишиш имкониятига эга бўласиз.

Журналнинг шу йилги 7-8-қўшма сонидан бошлаб пайғамбаримиз Муҳаммад салоллоҳи алайҳи васалламдан кейин ислом дини тараққиётига катта улуш қўшган тўрт ҳалифа — чоҳорёр ҳақида мақолалар туркумини чоп этишни бошладик. Ушбу сонда ҳалифаларнинг аввалгиси ҳисобланмиш Абу Бакр ҳақида сўз юритилади. Кейинги сонларда ва келгуси йилда муштарийларимиз Умар, Усмон ва Али каби улуғ ҳалифаларимиз ҳақида кенг маълумотларга эга бўладилар.

Лекин шунга қарамай, барча вақтли нашрлар каби «Мулоқот» ҳам жиддий иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Қоғознинг ўта қимматлашуви, алоқа ва босмахона хизмати учун тўланаётган бадалнинг ҳам осмонга сапчиб кетганлиги 1993 йилда журналнинг бир сони таннархини 30 сўмга туширмоқда.

Ҳар қандай қийинчиликларга қарамай журнал ижодий жамоаси ҳаммуассис ва ҳомийлар ёрдамига таяниб, обуначиларга енгиллик туғдириш мақсадида журналнинг бир сони обуна баҳосини 10 сўм, сотувдаги баҳосини 15 сўм қилиб белгилашни маъқул топди.

Журналнинг бир йиллик обуна баҳоси 120 сўм, ярим йилга 60 сўм. Индексимиз: 75401.

«Мулоқот»нинг шу йил 7—8 қўшма сонида янги йил обунасига бир йилга 60 сўм, чакана савдода 8 сўм деб нотўғри кўрсатилган. Ушбу сонда эълон қилинган обуна варақасидаги «60 сўм»ни обунани расмийлаштириш чоғида «120 сўм» деб ўзгартиришга тўғри келади.

Муҳтарам муштарий! Энди арзон ва энг мазмунли миллий журналга обуна бўлишни унутманг!

«МУЛОҚОТ» ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ТЕАТРНИНГ ЯНГИ МАВСУМИ

Абдулҳамид Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар ўзбек давлат драма театри 71-мавсумини бошлади. Шу куни мухлислар театр жамоасининг янги томошаларидан бири — таниқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас Умарбековнинг «Ўзинг учун ўл, етим!» драмасини кўришди. Ор, номус, виждоннинг бойлик ва обрўга алмаштирилиши, бунинг оқибати ҳижрон ва фожиаларга сабаб бўлаётганлиги спектаклнинг асосий мавзуидир. Мазкур асарни театрнинг тажрибали режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Иброҳим Нурмонов саҳналаштирган. Бош ролларни истеъдодли артистлардан Мўмина Абдурашидова, Тоҳир Халилов, Муҳаббат Йўлдошева, Шамсиддин Эргашев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ширин Мусаева, Нуриддин Ўтаев ва бошқалар талқин этишаётир.

Абдуазиз ҲОШИМОВ

«ЁШ КУЧ»—1993 ЙИЛДА

Азиз дўстлар, жонкуяр муштарийлар!

Жамиятимизнинг бир ҳолатдан иккинчи бир ҳолатга ўтиши палласида қийинчиликлар бўлиши табиий экан. Эркин дунёга чиқиш учун эркин дунё қонуниятларидан бири бўлмиш — бозор иқтисодиёти муносабатлари бошланди.

Шундай ноилож шароитда ойнома ва рўзномаларнинг баҳоси ошиши табиий эди. Яратганга минг қатла шукрки, «Ёш куч»нинг садоқатли муштарийлари ўзлари ташкил этган ойномани барча қийинчиликлардан эсон-омон олиб ўтишяпти. Бу йилги энг қийин шароитда ҳам унинг тиражини 500 мингдан ортиқ нусхада сақлаб қолдилар. Ойнома жамоаси ҳам ўз навбатида муштарийлар манфаати йўлида қўлларидан келган ҳамма ишни қилмоқда. Ижтимоий адолат, фуқаролар ҳуқуқи ҳамиша ойнома эътиборида бўлди, кўплаб ноҳақ қамалганлар озодликка чиқди, терговдаги бир неча ўнлаб чалкашликлар очиб ташланди, порахўрлик, таъмагирлик, сансалорлик сингари иллатларга аёвсиз кураш эълон қилинди.

Ёшлар учун беқиёс меҳрибонликлар кўрсатаётган президентимиз Ислом Каримов жамиятни оғир ҳолатдан олиб чиқиш, маънавий юксалишни таъминлаш учун жон куйдирмоқда, жипслашишга, ҳамкорликни ҳам кучайтиришга даъват этмоқда, хўжалик юритиш ва бошқарувдаги қолоқ усулларга муросасиз бўлишга ундамоқда. Ойномамиз бу борада хайрли ишлар қилдики, уни йил давомида ўзингиз кузатиб бордингиз.

Ҳақиқат ва Адолат учун кураш «Ёш куч»нинг бош мавзусидир, бу борада минглаб шикоятчиларнинг дардига малҳам қўйилди, юзлаб муаммоларни ҳал этишда «Ёш куч» қатъият кўрсатди, ёшларнинг маънавий дунёси, руҳий оламини бойитиш, камолоти учун қайғуриш ойномамизнинг бош мақсадидир.

«Халқнинг зиёрат йўлин майса гиёҳ қилмас банд», деганларидек эл севган, унинг олқиши ва катта муҳаббатига сазовор бўлган «Ёш куч» кун сайин кучга тўлиб, ривож олиб бормоқда. Чунки у халқнинг дардини, қувончу шодликларини ифодаламоқда. Ҳақ учун, ҳақиқат учун курашмоқда, ҳақиқат учун курашаётганларнинг ёнида туриб ишламоқда. Ҳазрат Навоийнинг «Илгимдин келгунча золим тиғин ушотиб, мазлум жароҳатига интиқом малҳамин қўйдим» деган сўзлари «Ёш куч»нинг шиоридан биридир.

Ҳеч шубҳа йўқки, биз Сиз билан бирга бўламиз, нимаики орзу қилган бўлсангиз орзунгиз рўёбга чиқиши учун, нимани яхши кўрсангиз, ўшани улуғлаш учун, нимани ёмон кўрсангиз, уни тугатиш учун Сиз билан ёнма-ён туриб Сизга ёрдам бераверамиз!

1992 йил шароит тақозоси билан ойноманинг ҳажмини қисқартирган ва чиқиш муддатини кечиктирган эдик. 1993 йилда эса аввалги ҳажм ва шаклни тиклаймиз, ўшандан келиб чиқиб нарх белгиладик:

Бир соннинг баҳоси 12 сўм
Уч ойга 36 сўм
Олти ойга 72 сўм
Бир йилга 144 сўм
Индексимиз: 75242

Ойнома таҳрир ҳайъати номидан:

Худойберди ТЎХТАБОЕВ



БЎСТОНЛИҚДА МУШОАРА

Истиқлол шоир ва ёзувчиларимизга янги илҳом бахш этди. Яқинда Бўстонлиқдаги «Чотқол» санаторийсида «Мустақиллик ва адабиёт» мавзуида бўлиб ўтган учрашувда халқимиз ҳаётидаги ана шу янги давр меваси ўлароқ яратилган шеърлар янгради. Учрашувда шоирлар — Рауф Парфи, Чоршаъм, ёш шоиралар — Моҳигул Назарова, София Мингишева инсон эрки, мустақиллик, она юрт, муҳаббат ҳақидаги шеърларидан ўқидилар.

Адабий анжуманда ёзувчилардан Дадахон Нурий, Асад Аслл, танқидчи Ортиқбой Абдуллаев қатнашиб, ҳаёт, мустақиллик, экология, адабиёт борасида фикр юритдилар.

ЎЗБЕКЛАР ОВОЗИ ДУНЁГА ТАРАЛМОҚДА

Ўзбекистон телевидениеси ижодкорлари ва муҳандислар ҳам республикамиз мустақиллигининг 1 йиллик тўйига муносиб совғалар билан келишди. Янги кўрсатувлар юзага келди. Бир қанча чет давлатлар билан ижодий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Айни кунларда республикамиз аҳолисининг Туркия давлатида тайёрланаётган кўрсатувларни кўриш имкониятига эга бўлиши ҳам шундай ҳамкорликнинг натижасидир.

Шу йил республикамиз президенти Ислом Каримовнинг Америкадаги «Озодлик» ва «Америка овози» радиостанцияси раҳбарлари Уюмбуш ва Конротлар билан бўлган учрашуви чоғида ҳам республикамизда ахборот маркази очиш ҳақида келишиб олинган эди.

Ана шу аҳдлашувга кўра, ҳамда Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси ва АҚШнинг (ЮСИА) ахборот агентлиги ўртасидаги келишувга биноан «Уорлднет» компанияси Республика телемаркази биносига сунъий йўлдош орқали телекўрсатувлар қабул қилувчи антенна ўрнатди. Бу телепрограмма кеча-ю кундуз ишлайди ва асосан хабарлардан иборат бўлади.

Ушбу антеннанинг доираси 7,5 метр, оғирлиги 1,5 тонна. Асосий қабул қилувчи программаси «Интелсат Ф-S»дан тарқатиляпти. Энди республикамиз телерадиокомпанияси 30 та давлатнинг телекўрсатув ва радио эшиттиришларини қабул қилиш имкониятига эга бўлди.

Шунингдек ушбу антенна орқали келгусида Ўзбекистон телекомпаниясининг кўрсатувларини дунёдаги барча давлатларга етказиш мумкин.

Америкадан келган мутахассислар ва республика телемаркази техник ходимлари ҳамкорликда телекўрсатувларни тез фурсатда қабул қилиш ҳамда томошабинлар эътиборига ҳавола этиш борасида тинимсиз ҳаракат қилдилар.

Бунинг натижасида Америка кўрсатувлари биринчи марта республикамиз мустақиллигининг 1 йиллик тўйи кунида, яъни 1 сентябр куни синов тариқасида эфир узра тарқалди.

Аминмизки, бундай фойдали ҳамкорлик давом этиб, янада кенгаяверади.

М. БОБОМУРОДОВА,
«ЎЗБЕКИСТОН АХБОРОТИ» таҳририяти

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ УРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда ҳатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

«КАМОЛОТ-92»

Абдулла Қодирий вақфи (жамғармаси) Ўзбекистон телерадио компаниясининг «Тошкент» студияси, Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитаси ёш хонандаларининг жумҳурият анъанавий «Камолот-92» кўрик-танловини шу йил декабр ойида ўтказади.

Халқимизнинг ёш, иқтидорли хушовоз хонандаларини кашф этиш мақсадида ўтказилаётган ушбу кўрикда 33 ёшгача бўлган хонандалар қатнашишлари мумкин.

Танлов қатнашчилари кўрик ташкилий қўмитаси эътиборига иккита ихтиёрий қўшиқ тақдим этишлари шарт.

Аризалар 20 ноябргача **45-74-66, 41-45-20, 41-08-50, 41-92-40** («Тошкент» студияси) телефонлари орқали қабул этилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент шаҳри, Туроб Тўла кўчаси, 1-уй,

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ВАҚФИ (ЖАМҒАРМАСИ).

ЯХШИ ҚЎШИҚ—ҚАЛБ МАЛҲАМИ

Ўзбекистон телерадиокомпанияси янги асарларни қабул қилиш бадиий кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон телерадио компанияси раисининг ўринбосари Абусаид Кўчимов очиб, қўшиқнинг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни ва бугунги қўшиқчилик муаммоларига тўхталди. Инсонинг инсонийлиги қалб мукаммаллигида. Қалбни эса бадиий воситалар, жумладан қўшиқ тарбиялайди. Шунинг учунми, одамзод энг масрур дамларида ҳам, энг ҳорғин лаҳзаларида ҳам қўшиқ тинглайди. Халқимизга ана шундай дамларда қалб малҳами бўлишга муносиб қўшиқларимиз кўп. Шу билан бирга на қалбга, на шуурга таъсир этмайдиган, юксак ижроларга тақлид даражасида қолиб кетаётган қўшиқлар, миллий мусиқамизга ёт оҳанглар мусиқалар, радио тўлқинлари орқали таралаётганига бефарқ қараб бўлмайди.

Йиғилишда сўзга чиққан таниқли бастакорлар, санъаткорлар ва шоирлар Собир Бобоев, Тўлқин Қурбонов, Раҳматжон Турсунов, Убай Бурхонов, Султон Ҳайитбоев, Баҳрулла Лутфуллаев, Замира Раҳматуллаева, Азиз Мирҳабибов, Маъруф Жалил, Икром Отамурод, Барот Исроил, Саъдулла Ҳаким, Умида Абдуазимова, Яҳё Тоға, Чоршаъм Рўзиев, Ислом Ҳамро ўзбек миллий қўшиқчилиги янги юксалиш поғонасида турганлиги, шеър матни ва мусиқа танловига талабчанлик билан ёндашиш зарурлиги хусусида сўз юритдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Композиторлар уюшмаси ва Ўзбекистон радиоси ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан аниқ режалар белгилаб олинди.

ҲАЛИ ШОШМАЙ ТУРСИН

ОТАҚУЛНИНГ ОЕҒИ ЕРГА ТЕГМАЙДИ. Хурсанд. Хурсанд бўлмасинми? Ахир, «катта» ўқишдан акаси келди. Акаси билади, Отақулга нима олиб келишни. Футболчиларнинг спорт майкасини олиб келибди. Кийиб кўриб ўзини катта футболчилардек ҳис этди. Лекин, гап совғада эмас. Отақулнинг бошқа дарди бор. Онасининг гирди-капалаклиги-ю сингилларининг ҳиралиги тугаб, ётиш олдидан ака-ука ёлғиз қолишди. Бироз кутди. Қараса акаси ухлаяпти. Сабри чидамади. Аста сўради.

— Ака «приёмлар»»ни ўргандингизми?

— Қанақа приём? — унга ўгирилди акаси.

Эҳ, акаси ўқишга кирганда Отақул қанча суюнган эди. Акам катта шаҳарда приёмларни ўрганиб келиб, аламимни олиб беради деб. Акаси бўлса қанақа «приём» деб ўтирибди. Ҳафа бўлиб кетди.

— Мени ўнинчи синфлар футболга қўшишмаяпти. Шуларнинг танобини тортиб қўясизми, девдим, — деди руҳи тушиб.

— Да, юринда, — деди акаси нописандлик билан. Юринда деганига Отақул тушунмади. Ўзича мулоҳаза қилди. Юринда дегани, унча қийин эмас, йўл-йўлакай жойлаштираман деганимикан. Ўнинчи синфларни йўл-йўлакай «жойлаштирса», Ҳасан мўйловни тўхтаб «жойлаштиради-ёв», — фикрлади ўзича.

Ҳасан мўйлов кўп алам қилдирган Отақулга. Мўйлов — колхоз боғининг қоровули. Ўғриллари боғдан хоҳлаганича мева олиб, кўз-кўз қилиб ейди. Отақул кирса эса тирқиратиб қувади. Катталарам билгандек, шуни қўйган қоровул қилиб. Ҳаммани зириллатади. Бир марта қўлга тушиб қамчи евди. Ҳали эсида турибди.

— Ака, Ҳасан мўйлов урувди, — деди.

— Чепуха.

«Чепуха дегани, бу чилпарчин қилиб ташлайман дегани бўлса керак-да», деб ўйлади Отақул.

— Ҳасан мўйлов зўр-да ака, — деди Отақул.

— «Бир приём» билан жойлашади, — деди акаси, четга чирт этказиб тупириб.

Отақул хурсанд бўлди, Қаранг, «бир приём билан тинчитаман», деди-я. Хурсанд бўлмай бўладими.

Эрта билан ака-ука кўчага чиқишди. Ўнинчи синфлардан тўрттаси келаётган экан.

— Шуларми? — деди акаси.

— Шулар, — деди Отақул.

Болалар салом беришди. Акаси бош иргаб қўйди. Икки қўли белда.

— Қани йигитчалар, — деди тишининг орасидан гапириб. Болалар шошиб бурилиб келиб кўришишди. Акаси қўлининг учини берди.

— Бу биззи братишка футбол ўйнаса бўмийми, а?

— Бўлади, бўлади, — дейишди болалар шошиб.

— Ҳа шундоқ бўлсин, братишка хафа қилинмасин, — деди акаси гердайиб.

— Майли, майли, — дейишди дарсга шошаётган болалар кетишаркан.

Отақул акасига тан берди. Туришини қаранг! Ҳақиқий шер. Гаплари бурро-бурро. Приёмни билгандан кейин, ҳеч гап эмас эканда. Мана, мактабнинг менман деганлари қўлларини кўкракка қўйиб таъзим қилишди. Ҳасан мўйловам тинчийди энди.

Ҳозир боғда ҳеч нарса қолмаган, фақат мўйловнинг чайласи олдида озроқ кечки анор бор. Отақул ҳар доимгидай қочиб-писиб эмас тўғри анорзорга борди. Шошмасдан анорларни саралаб-саралаб, чайлага қараб-қараб қўйиб тера бошлади. Қани энди Ҳасан мўйлов чиқса. Чайланинг олдидаги боғлоғлиқ ит тинмай ҳурарди. Мўйловдан эса дарак йўқ. Чайлада йўқ бўлса-я. Ҳар доим ити ҳурар-ҳурмас қичқирадиган мўйловнинг қораси кўринмасди. Ёки сезиб қочиб кетдимикан. Йўқ, ухлаб ётган экан чоғи керишиб ташқарига чиқди. Итнинг анорзорга қараб ҳураётганини кўриб, қаради. Сўнг:

— Эй, — деб қичқирди. Болакайнинг шаталоқ отиб қочишини кутди. Отақул эса бамайлихотир тўрвасини елкага ташлаб жўнади.

Тўлаёзган тўрвани кўриб, Ҳасан мўйловнинг капалаги учди:

— Эй, анорни ташла! — деди.

— Мана ташлайман, — деди Отақул башмалдоғини икки қўлининг орасидан чиқариб кўрсатаркан.

— Э, ўғрибачча, ҳозир абжағингни чиқараман, — деди Ҳасан мўйлов унга жавобан.

— Ўв, болани сўкманг, — деди акаси икки қўлини белига қўйиб. Ҳасан мўйловнинг кўзи хонасидан чиқиб кетди:

— Ҳали сенми болани ўғирликка юборган, — деди-да кела солиб акасининг ёқасидан олди. Приёмдан хабари йўқ эди-да, «бечора» мўйловнинг.

Бир пайт атроф чангиб кетди. «Бир приёмдан ортмади бечора мўйлов», деб ўйлади Отақул.

Бир вақт «Мана сенга анор ўғирлатиш», деган Ҳасан мўйловнинг овози эшитилди. Отақул қараса акаси остида. Ҳайрон қолди. Устидан ошириб отармикан, деб бироз кутди. Ҳасан мўйлов ураяпти. Приём акасининг эсидан чиқиб қолган-ов. Эслатиш керак! Тезарагида чопиб айлана бошлади. «Ака приём! Ака приём!»

Нимагадир акаси эслаёлмасди. Ҳасан мўйлов бўлса камчини ишга солиб юборди. Отақулнинг кўзидан ўт чиқиб кетди. Орқасига қарамай қочди. Анча вақтдан кейин акаси келди. Янгигина кўйлак йиртилган, ҳамма ери тилинган.

— Ака, нимага приём қилмадингиз, — норози бўлди Отақул.

— Приёмга тушмади, ҳали шошмай турсин. Каратэни ўрганиб келиб кўрсатаман, — деди ариқдаги сувга ювинаркан.

Отақул эса ҳавфсирарди, ишқилиб Ҳасан мўйлов каратега «тушсин»да. Мободо «тушмай» қолса-я.

Қамбар ОТА

ФЕЪЛИНГ ҚУРСИН

Ҳақдан кечиб, ғурбат билан
Улфат бўлган дилинг қурсин.
Туҳмат тоши чангалингда,
Ўнгинг қурсинг, сўлинг қурсин.
Бурилгунча девор узра,
Кўтарилган қўлинг қурсин.
Қалбинг-ку йўқ, бетинг ҳам йўқ,
Зулмат тўла йўлинг қурсин.
Мисли тувак оғзинг ичра
Сумак бўлган тилинг қурсин.
Қилмишингга олов тушсин,
Сендайларни фелинг қурсин.

●

Кўролмайин тутаган оҳинг ўзингга сийлов,
Дўзах сари равона роҳинг ўзингга сийлов.
Буюрсин, бошинг билан шўнғи, чиқмагин қайтиб,
Ол чоғингни, эй олчоқ, чоҳинг ўзингга сийлов.

●

Ўтмишда қулларни сотган қулдорлар,
Қулни танлаб сотиб олган пулдорлар.
Энди-чи ўзин ё ўзгани сотар
Чақага арзимас сотқин мурдорлар.

●

Кунинг ўтар бўлмай қолсанг ҳам олим,
Устоз деб Тулкидан олмагин таълим.
Унинг думи бўлиб ўтган умрингга
Афсус чекиб дема: «о, менинг ҳолим...»

ЎНАДАН ЧИКАЛАМА

●

Омадинг чақнасин, асло бўлма кам,
Обрў топмас хўрлаб одамни одам.
Бир дилни ўкситсанг минг кўнгил вайрон,
Яхши дўстларим бор мен ёмоннинг ҳам.

●

Отанг ўлмас эди,
Адашди, болам,
Билмай, ёмонларга
Ёндошди, болам.
Бу ҳақда эшитиш
Эмасдир осон,
Аммоки ҳақ гапни
Билиб қўй, ўғлон:
Отанг шўрлик шайтон
Сувига бўкиб,
Ўз гуноҳига ўзи
Кетгандир чўкиб.

Байрам ЧУММАДОВ

БЎРИ БИЛАН ҚЎЗИЧОҚ

— Жингалак сочларинг ажойиб бирам,
Элдан ортиқ сени тўққан онанг ҳам.

Билиб қўй, терингдан тикилар телпак,
Чўпондан қочиб қол, бўлмасанг тентак.—

Бўри авраганмиш Қўзини шундай,
У бўлса ишонди қалин дўстидай.

Ва ширин сўзлардан эриб, алдатта,
Отардан айрилиб, қолганмиш четда.

Бўғзига текканда Бўрининг тиши,
Қон бўлиб оққанмиш Қўзининг ёши.

ХУЛОСА:

Сени алдар бўлса, бир қора юрак,
Ҳануз фурсат боркан, ўйламоқ керак.

Туркманчадан Мирза РАҲИМ таржимаси

Шарпа

СИГИРНИНГ МАЪРАШИ Бобомирза домланинг юрагини эзиб юборди. Хотинининг сизда инсоф борми, мана, бола-чақанинг ризқ-рўзи бўлган биттаю-битта сигир ҳам очликдан ўлади. Шу билан тинчийсиз, дегандек ёвқараш қилиши оловга мой қўйгандек бўлди. «Нима қилай? Ўғирлик қилайми?» — деб бақирмоқчи бўлди. Лекин аламини ичига ютди. Хотини эрининг авзойини кўриб, гапирмади, лекин чойнак-пиёлани шақир-шуқур қилиб, садқайи гап кетинг дегандек бурилиб кетди. «Эҳ хотин! Нима мен сенча куйинмаяпманми? Билсанг мана шу сигирга ҳам сендан кўпроқ ачинаяпман. Чидайсан. Пешонангга ёзилгани шу. Ферма мудирига текканингда тонна-тона ем-хашак ҳовлингда босилиб ётарди. Ўқитувчига тегдингми, энди чида» демоқчи бўлди хотинига. Лекин индамади. Айб ўзида. Битта сигирга хашак тополмайди. Бошқалар эса... Мана, ён қўшниси Қурбон бобо. Уёқдан-буёқдан ташиб сомонхонасини тўлдирди. Бечораниг неча марта қанорларини йиртиб ташлашди катталар. Лекин барибир ташийверди. Боймирза домла эса «тушунган» одам. Катталар кўриб қолса «Ҳа домла, сиз тушунган одам давлат мулкига ҳиёнат қилгани уялмайсизми. Муллани айтганини қилу, қилганини қилма», дегани шу экан-да» деб изза қилади. Шундан қўрқиб, сомонга бормаган эди.

Сигирнинг маъраши Боймирза домланинг хаёлини бўлиб юборди. Оббо, энди нима қилади? Ву мўнгираши бўлса тонг отгунча ухлатмайди-ку. Ошнаси Янгибойдан озроқ емиш бериб тур деб сўраган эди, ўзим бировдан олаяпман деб зорланди. «Кимда бор экан?» деб сўровди. Аниқ айтмади. «Узоқдан, божамдан олиб келдим», деб чайналди. Ҳамманикиям ўзига аранг етади. Қурбонбободан сўраш... Худо кўрсатмасин. Аввали бермайди, берсаям минг гапни юзига солади.

Яна мўнгираган сигирнинг товушига, хотинининг шанғиллаши қўшилди.

— Битта сигирни уддалаб боқолмасангиз сўйиб ташланг ҳаромўлгурни. На болалар ухлай олади, на қўшнилар.

«Нима қилай, ўғирлик қилайми?» деб бақиргиси келдию ичига ютди. Кейин ўйланиб қолди. Шу Қурбонбобонинг сомонхонасига ўтиб, бироз сомон олса-чи. Ахир у сомонхонасида кечаси пойлаб ётмайди-ку. Ити эса танийди, индамайди.

Қоронғу тушгач, у қопни қўлтиқлаб ўғирликка жўнади. Сомонхонагача худди минаблаштирган майдонда юрган разведкачидек бир-бир босиб борди. Оббо, юраги мунча қаттиқ урмаса. Ўғриларга балли. У сомонхонанинг қия очиқ эшигини оҳиста итарди. «Ғийқ» деган товуш бутун қишлоққа эшитилгандек туюлди. Сомонхона ичида кимнингдир шарпаси кўринганидек бўлди. Боймирзанинг оёғидан мажол кетди. Энди нима деган одам бўлди? Эртага ҳамма эшитади. Кейин мактабга қандай боради? Сўраганларга нима дейди? У мажолсизланиб туриб қолди.

— Эй юракниям ёрдингиз, домла, сизмисиз? — деди шарпа бирдан. Унинг товуши Боймирзага таниш туюлди. — Кираверинг. Мен тўлдирдим. Қурбонбобо келиб қолдими деб, нақ ўтакам ёрилаёзди, — дея гапида давом этди. Боймирза яхшилаб тикилди. Тўғрисида бир қоп сомон кўтарган Янгибой турарди.

Нишон ЖАББОР

Рассом А. ҲАКИМОВ

Рассом А. НОРХУЖАЕВ

МОЛДОВАН ХАНДАЛАРИ

Тўй бўлиб ўтганига бир ой ҳам бўлмасдан хотин эрига дебди:

— Дадаси, сиз менн қандай қилиб севиб қолгансиз, а?

— Ана кўрдингми, бунга нафақат мен ва ота-онам, ҳатто ўзинг ҳам ҳайрон қолаяпсан.

●

Анна шеър ўқишни, ашула айтишни яхши кўрар экан. У кунлардан бир куни мусиқа муаллимига бир жуфт қўшиқ айтиб бергандан сўнг сўрабди:

— Овозим қандай? Биронбир кор-ҳолга ярайдими, ўзи?

— Умуман олганда, ярайди деса ҳам бўлаверади. Айниқса... зарур пайтларда.

— Зарур пайт деганингиз қачон?

— Уйларга ёнғин кетганда ёки машинанинг сигнали ишламай қолганда...

●

Паул меҳмонхона хўжайинига юзланиб:

— Икки-уч кунга меҳмонхонангиздан жой бермасангиз, — деб илтимос қилибди.

— Жуда яхши. Сиз учун ажойиб хона бор. Деразаси панжара билан мустаҳкамланган. Роҳат қилиб дам олишингиз мумкин. Панжараси борлиги сабаб кунига бошқа хоналарга қараганда 50 сўм кўп берасиз, — дебди меҳмонхона хўжайини.

— Мени кечираснзу, ўртоқ, хушёрхонада ҳам панжара бор. Лекин у ерда ётиш бепул-ку, — дебди аччиғланиб Паул.

М. МИРЗО таржималари

қирқиш чизиғи

«ЎзАС» муштарийларининг ютуқли лотореяси

Исмингиз ва фамилиянгиз _____

Касбингиз ва ёшингиз _____

Турар жойингиз _____

Ҳафталигимизни қачондан бери ўқийсиз? _____

1993 йил учун қачон ва қаерда обуна бўлдингиз? _____

Обунани расмийлаштирган алоқа бўлимининг рақами, пул тўланганлигини қайд этган касса аппаратининг номери (обуна квитанциясидан кўчириб ёзинг) _____

ОБУНА—93

Сизни омад кутади, муштарий!

Ҳурматли газетхонларимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб, ютуқли лотерея ўйинини давом эттиришга қарор қилдик.

Лотерея ўйинида газетамизга 1993 йил учун обуна бўлган муштарийлар иштирок этишлари мумкин. Муштарийлар лотореясида жами

100 минг сўмлик

қимматбаҳо ютуқлар ўйналади.

Омадингиз келса йил давомида «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»ни мунтазам ўқийсиз ҳамда қимматбаҳо ютуққа эга бўласиз.

Ўйинда қатнашиш учун энг аввало ўзингизга қулай алоқа бўлимида обунани расмийлаштириш лозим. Шундан кейин эълон қилинаётган лотерея билетининг саволларига жавоб қайтарасиз ва уни редакциямизга жўнатиб юборасиз. Исмингиз, фамилиянгиз, турар-жойингиз, обуна расмийлаштирилган алоқа бўлимининг рақами, вақти аниқ кўрсатилиши керак.

Газетамиз ҳомийлари, бир неча жамоатчилик ташкилотлари, жамғармалар, биржалар ҳам омадлилар учун ўз совринларини эълон қилишган.

Обуна мавсумини ўтказишда фаол иштирок этган ташкилотчиларга ҳам алоҳида мукофотлар берилади.

100
500
1000

кишини газетамизга обуна қилдирган кишилар муҳарририятимизнинг махсус совринларига эга бўладилар.

Обуна баҳоси: бир йилга 180 сўм, олти ойга 90 сўм.

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот ютуқлари» "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" 64593 (нашр курсаткичи)

газетасига ОБУНА

обуна сони

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта, кўрсаткичи) (манзил)

Қимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

ГАЗЕТАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

п.в. жойи 64593 (нашр кўрсаткичи)

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати"

(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш	баҳоси	сўм	обуна сони
	баҳоси	сўм	

1993 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

МУАССИС: «ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ» ҲАФТАЛИГИ ИЖОДИЙ ЖАМОАСИ

ҲАММУАССИС: МАДАНИЯТ ВА УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ХАЛҚ АКАДЕМИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Манзилгоҳимиз: Тошкент-700083, Ленинград кўчаси, 32. Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-56-49

«ЛИТЕРАТУРА И ИСКУССТВО УЗБЕКИСТАНА» Издается на узбекском языке

Редакцияга келган қўлёзма ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (ижтимоий ҳаёт бўлими мудири), Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Мирзо КЕНЖАБЕК, Камол МАТЕҚУБОВ (наср ва назм бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (адабиётшунослик ва танқид бўлими мудири), Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Саъдулла ҲАКИМ (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Аҳмадали АСҚАРОВ, Ҳамидулла АКБАРОВ, Шароф БОШБЕКОВ, Эркин ВОҲИДОВ, Одил ЕҚУБОВ, Нафиса ЗОҲИДОВА, Пўлат ЗОҲИДОВ, Баҳодир ИУЛДОШЕВ, Дадахон НУРИЙ, Абдулла ОРИПОВ, Турсуной СОДИҚОВА, Тошпўлат ТОЖИДДИНОВ, Жавлон УМАРБЕКОВ, Тўхтасин ҒАФУРБЕКОВ

Навбатчи муҳаррир — Мурод АБДУЛЛА

Босмахонага топшириш вақти — 21,00, Топширилди — 19.10

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

213 минг 790 нусхада чоп этилди.

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

БАҲОСИ 3 СЎМ

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Индекс 64593. Буюртма № Г—288 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12